

**АМОНОВ А.А.**

**СУД-БУХГАЛТЕРИЯ  
ЭКСПЕРТИЗАСИ**

**САМАРҚАНД - 2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ**

**АМОНОВ А. А.**

**СУД-БУХГАЛТЕРИЯ  
ЭКСПЕРТИЗАСИ**

**МАЪРУЗА  
МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**САМАРҚАНД - 2017**

Амонов А.А. Суд-бухгалтерия экспертизаси. Маъруза матнлари тўплами - СамИСИ, 2017. -132 бет.

**Тақризчилар:**

**А.И. Аликулов**, СамКХИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси профессори, и.ф.д.

**Д.Р. Рофеев**, СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

Мазкур маъруза матнлари тўплами «Суд-бухгалтерия экспертизаси» фанининг ўкув дастури асосида қайта тайёрланган. У биринчи бор 2013 йилда нашр этилган эди.

Қайта тайёрланган ва тўлдирилган ушбу маъруза матнлари тўпламида Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг предмети, методи ва тамойиллари, уларнинг моҳияти, аҳамияти ва меъёрий-хуқуқий ва ташкилий жиҳатлари Республикализнинг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни” асосида очиб берилган бўлиб, у ўкув юртларида 5230900 - «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2017 йил 25 октябрдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган (8-сонли баённома)

Институт ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 18 декабрдаги йиғилиши қарори билан ўқув жараёнида қўллаш ва нашр этишга тавсия этилган (3-сон мажлис баённомаси)

## КИРИШ

### Фаннинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг қарор топтирилиши, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келтирилиши барча жабҳада бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби борасида ҳам улкан ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар сони анча кенгайиб бораётганлиги интеграция жараёнларининг чукурлашаётганлиги бухгалтерия ҳисобини жаҳон андозаларига кўчириш заруриятини туғдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини белгилаб берди. Ҳаракатлар стратегиясининг 2-бўлими “*Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилишининг устувор йўналишлари*” га бағишланган бўлиб, улар қўйидаги вазифалардан иборат:

- Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш;
- Фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;
- Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини – такомиллаштириш;
- Жиноятчиликка қарши курашиш ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;
- Суд-хукуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш;
- Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни тўлиқ бажариш кўп ҳолларда судларда фуқаролик, жиноий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишида бойликлар талонтарожи, мансабдорлик ва хўжалик жиноятларини суриштириш ва тергов қилишда иқтисодий фанлар жумладан маҳсус бухгалтерия ҳисоби билимлари қўлланилади. Маҳсус билимлар орасида суд экспертизаси муҳим ўринда туради. Экспертиза ишларининг мураккаблиги, уни ўтказишида маҳсус билимлар талаб қилинганлиги сабабли хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари мутахассис бухгалтерларга турли масалалар билан мурожат қилишади. Бухгалтер, эксперт-бухгалтерлар тергов ходимлари топшириғига кўра ҳужжатли аудит ўтказади, тергов ишида иқтисодий масалаларни ечишида маслаҳатлар беришади. Тергов ва судда кўрилаётган ишларга далил сифатида хулоса далолатнома тайёрлаш билан биргаликда хўжаликка етказилган моддий зарарни аниқлаш ва камомадни ундириб олишда бухгалтерия экспертизасини аҳамияти ортиб боради.

Шунинг учун ушбу маъруза матнларида суд-бухгалтерия экспертизасининг назарий асослари ёритилган бўлиб, у иктисодий олийгоҳларнинг «Бухгалтерия хисоби ва аудит» мутахассислиги буйича билим олаётган талабалар учун ихтинос берадиган фан ҳисобланади.

**Фанини ўқитишидан мақсад**-талабаларни суд-бухгалтерия экспертизаси ва тафтишнинг моҳияти, предмети, обьектлари, усул ва услублари, тамойиллари билан чуқур ва ҳар томонлама таниширишдан иборатdir

**Фанинг вазифаси** - талабаларга бюджет ташкилотлари ва бошқа корхоналар активлари, мажбуриятлари, молиялаштирилиши, молиявий натижалари қўрсатгичларини суд-бухгалтерия экспертизасидан ўтказиш, тафтиш қилишининг назарий асослари бўйича билимларни ва кўникмаларни бериш, уларда етарли амалий тажрибаларни шакллантиришдан иборатdir.

«Суд-бухгалтерия экспертизаси» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланган мазкур ўқув-услубий иш ўз ичига 4 та мавзудаги 9 та маъруза матнларини олади.

**“Суд - бухгалтерия экспертизасининг моҳияти ва вазифалари”**. деб номланган биринчи мавзу ўз ичига 2 та маърузани олган:

-биринчи маърузада **“Бозор иқтисодиёти шароитида суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишининг моҳияти ва вазифалари”** деб аталиб, унда суд-экспертизаси тизимида суд-бухгалтерия экспертизасининг тутган ўрни ва аҳамияти;

- иккинчи маърузада **«Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг предмети ва методи»** “Суд-экспертизаси” ва “Суд-бухгалтерия экспертизаси”га қисқача тавсиф берилиб, «Суд-бухгалтерия экспертизаси»ни маҳсус иқтисодий фан ва амалий фаолият сифатидаги моҳияти, мақсади, вазифалари ҳамда иқтисодиётда фанинг тутган ўрни очиб берилган.

**“Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш”** деб номланган 2-мавзу ўз ичига 4 маърузани олган;

1- маъруза **“Суд-бухгалтерия экспертизасининг ташкилий шакллари”** деб номланган маърузада Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертиза тизимининг барча муассасаларида ўтказиладиган суд-экспертизаларининг турлари, шунингдек, илмий-методик жиҳатдан улар фаолияти устидан олиб бориладиган назорат ҳақида тушунчалар берилган.

2- маъруза - **“Суд-бухгалтерия экспертизаси бюроси ва бухгалтер-экспертлари”** маърузасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал, фуқаролик кодексларида кўзда тутилган суд экспертизаси ўтказишида суд-бухгалтерия экспертизасининг ўрни, бухгалтер-экспертларнинг хуқук-бурчлари ва вазифалари ҳамда умуман суд-эксперти ҳақида тушунчалар берилган.

3- маъруза -**“Суд-бухгалтерия экспертизасини белгилаш ва ўтказиш поғоналари”** маърузасида Суд-бухгалтерия экспертизаси тайинлашнинг зарурияти ва асосийлиги, экспертиза ўтказиш даври ва тартиби ҳақида тушунча берилган.

4- маъруза -**“Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш”** дейилган маърузада экспертизани маълумотлар билан

таъминлашнинг хуқуқий-меъёрий асоси, уларни тақдим этиш тартиби ҳақида тушунча берилган.

Фаннинг 3-мавзуси- “Асосий молиявий-хўжалик операциялари бўйича суд-бухгалтерия экспертизасининг фаолияти” бағишиланган бўлиб, у ўз ичига 2-та маърузани;

1-маъруза “Касса ва банк операциялари бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси” унда корхона, ташкилотларда кассадаги ва банкдаги ҳисобкитоб ва бошқа счетлардаги пул маблағларининг самарали ишлатилиши ва бунда мавжуд меъёрий хужжатларга асосли равишда улар ҳаракатини ташкил этишга қаратилган;

2-маъруза “Товар моддий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси”. Савдо, умумий овқатланиш, саноат ва қурилиш ҳамда бошқа тармоқларда суд бухгалтерия экспертизасига бағишиланиб, унда савдо, умумий овқатланиш корхоналарида товар-моддий бойликларни сақлаш, моддий жавобгарлик тизимини тўғри ташкил этиш, уларни табиий камайишини тўғри ҳисоблаш, талон-тарож этилиши ва камомадларни олдини олиш, шунингдек шундай ҳоллар рўй берганда етказилган моддий заарни жавобгар шахслардан тўлигича ундириб олиш масалалари ёритилган;

Фаннинг 4-мавзуси “Суд-бухгалтерия экспертизаси хulosasi ва тавсиялари” га бағишиланиб, унда суд - бухгалтерия экспертизаси хulosасини тузиш тартиби ва унинг мазмуни тўлиқ ёритилган.

Ҳар бир маъруза матни охирида асосий таянч сўзлар, атамалар ва тушунчалар глоссарийси, назорат саволлари, тест савол-жавоблари келтирилган.

Мазкур тўплам олий ўқув юртларида 5230900 - «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Ундан бошқа таълим йўналиши бўйича ўқиётган талабалар, ўқитувчилар ва амалиёт ходимлари ҳам фойдаланиши мумкин.

**1-мавзу.  
“СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ”  
ФАНИНИНГ МОХИЯТИ ВА  
ВАЗИФАЛАРИ**

1-маъруза. Бозор иктисодиёти шароитида суд бухгалтерия экспертизасини ўказишнинг моҳияти ва вазифалари.

2-маъруза. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг предмети ва методи

**Маъруза режаси:**

- 1.Бозор иқтисодиёти шароитида мулкдан самарали фойдаланишда Суд-бухгалтерия экспертизасининг аҳамияти.
- 2.Суд-бухгалтерия экспертизасининг мақсади, вазифалари ва турлари

**1. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкдан самарали фойдаланишда  
Суд-бухгалтерия экспертизасининг аҳамияти.**

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишида иқтисодий фанлар, жумладан, маҳсус бухгалтерия хисоби билимлари қўлланилади. Маҳсус билимлар орасида суд-бухгалтерия экспертизаси муҳим ўринда туради.

Тергов жараёнида ёки суд муҳокамасида бирор масалани ҳал қилишида аниқ жавоб ёки маълумот олиш мақсадида мутахассисларни жалб қилишга, уларнинг шу масала юзасидан фикрини олишга тўғри келади. Масалан, камомаднинг сабабаларини ёки корхонага етказилган моддий зарарнинг тафсилотини ва ҳажмини аниқлаш учун товаршунослиқ савдо иқтисодиёти, бухгалтерия хисоби, тафтиш ёки бошқа соҳадаги мутахассисларни таклиф қилиб, уларга шу текширишни топширишга тўғри келади.

Амалдаги қонун маҳсус билимга эга бўлган мутахассислардан судтергов ишларида фойдаланишининг икки турини, яъни экспертизани тайинлашда хамда айрим тергов харакатларини ўтказишида иштирокчи сифатида фойдаланиши кўзда тутади.

**Экспертиза деб** - жиноят процессуал қонуни асосида, фан ва техниканинг, санъат ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги мутахассислар, касб-хунар эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи камчиликларни аниқлаш мақсадида обьектлар устида олиб бориладиган текшириш экспертиза ишлари хисобланади.

**Экспертизанинг асосий вазифаси** олиб борилган текширишлар натижасида аниқ шахс, обьект-далилий ашё, моддий қолдиклар, излар юзасидан уларнинг айнанлиги ёки қайси гуруҳга мансублиги ҳақида ахборот беришдир.

**Эксперт** - бу фан - техника, хунар, санъат соҳасида маҳсус билимга эга бўлган (мутахассис), экспертиза муассасаларидан бирида ишловчи процессуал шахсdir.

Маҳсус билимга эга бўлган мутахассис эксперт сифатида хизмат қилиши мумкин.

Терговчи ёки суд гарчанд махсус билимларга эга бўлсалар ҳам, бироқ, уларга икки вазифани бажариш хуқуқи берилмаган. Улар ўзларининг процессуал ҳолатлари сабабли суд ёки терговда эксперт сифатида қатнашишлари мумкин эмас. Бироқ уларнинг махсус билимлардан хабардорлиги, тергалаётган ишни чуқурроқ ўрганишга, терговни тўғри олиб боришга, айрим масалалар устида фикр ва мулоҳазалар юритишга ва айникса экспертнинг берган хulosасига объектив баҳо беришга ёрдам беради. Экспертиза ўтказишни суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд ўзининг махсус қарори ёки ажрим билан мутахассисларга топширади.

## **2. Суд-бухгалтерия экспертизасининг мақсади, вазифалари ва турлари**

Экспертиза текширишларининг объектив характерига кўра турлитуман далилий ашёлар, излар, микроэлементлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Фаннинг соҳасига қараб криминалистик экспертизага: излар юзасидан ўтказиладиган текшириш, ўқ отиш қуроллари, яъни суд-баллистика текширишлари, суд-медицина, суд-психиатрия, суд-биология, суд-бухгалтерия, автотехника, ёнгин техникаси экспертизалари, суд-товаршунослиқ, суд-агротехника, суд-ветеринария хужжатларини текшириш ва бошқа турдаги экспертизалар киради.

Криминалистик экспертиза Адлия вазирлиги қошидаги махсус суд экспертизалари илмий-текшириш институтида ёки лабораторияларида, ички ишлар вазирлигининг илмий-техника бўлинмаларида, Вазирликлар кенгashi қошидаги Давлат хавфсизлиги қўмитасининг экспертиза муассасаларида, вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги криминалистик экспертиза бўлинмаларида ўтказилади. Экспертиза объектив ўтказилиши малакали эксперт танланиши, уларнинг жавоб хulosалари илмий асосланишини ҳамда агар хатога йўл қўйилган бўлса, уларни тузатишни таъминловчи томон билан суд-бухгалтерия экспертизаси моҳияти ўзаро узвий боғланишидир. Бухгалтерия экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш жараёнида процессуал шартларга риоя қилинmasa, у ҳолда экспертизанинг далиллар ечишнинг процессуал услуби ўз хусусиятини йўқотади.

Эксперт бухгалтер иши икки мустақил, лекин ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат. Биринчи қисмда терговчи ёки суд тақдим этган хужжатлар ва бошқа материаллар мутахассис томонидан текширилади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби тармоқларидағи ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили соҳасидаги махсус билимлардан фойдаланилади.

Тақдим этилган хужжат ва бошқа материалларни текшириш натижаларини эксперт-бухгалтер жавоб-хulosha шаклида расмийлаштиради ва терговчи ёки судга маълум қиласди.

Жавоб-хулоса тузиш эксперт-бухгалтер ишининг иккинчи қисми бўлиб, далилларининг янги манбани, жиноий иш бўйича янги далиллар хисоблангани фактлардан ташкил топади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси соҳасидаги назарий текшириш тадқиқотларнинг вазифаси ҳалқ хўжалиги турли тармоқларидағи талонтарож ва сунстеъмоллар билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби операцияларини текшириш методикасини ва умумий низомларни (ташкилий негиз хукуқий ва назарий) ишлаб чиқишидан иборатdir.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ва унинг илмий асослари тифиз алоқада ва ўзаро шартли бўладилар.

Суд-бухгалтерияси экспертизаси, унинг мазмуни тергов ва суд фаолиятида бухгалтерия ҳисобининг тадбиқ этилишига доир назарий ва амалий масалаларни текшириш ва ўрганиш, суриштиришда, тергов қилишда ва судда кўриш жараёнида хужжатли тафтиш, инвентаризация ва суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш техникаси, ташкил қилиш ва методологияси илмий асосларини белгилашдан иборатdir. Жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича адолатли ҳукмнинг амалга ошишига ёрдам бериш, иқтисодиёт соҳасида жиноят ва хукуқ бузишларга йўл қўймаслиқ келажакда хўжалик ҳукуқ бузишларни огоҳлантиришга доир тадбирларни белгилаш суд-бухгалтерия экспертизанинг асосий максадидир. Эксперт-бухгалтернинг вазифаси "Суд-бухгалтерия экспертизаси" фани предмети билан бевосита алокадордир.

*Аниқ жиноий ва фуқаролик ишларнинг хақиқий вазиятлари* суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси обьектларига бирламчи хужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисбот, тафтиш далолатномалари ва ишнинг бошқа материаллари киради. Иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти назорати ва таҳлилидаги ўзгаришлар сабабли суд-бухгалтерия экспертизаси предмети, текшириш обьектлари ҳам ўзгариб боради.

Экспертиза ўтказиш ўзининг изчиллиги жиҳатидан **дастлабки** ва **такрорий** экспертизага бўлинади. Дастлабки экспертиза иш юзасидан биринчи навбатда ўтказилган экспертизадир. Такрорий экспертиза эса дастлабки экспертиза хulosалари билан келишилмайдиган ҳолда қайта тайин қилинади. Бундай ҳолатлар, кўпинча, экспертиза ҳulosаси билан жиноят ишидаги материаллар ўртасида жиддий қарама-қаршилик мавжуд бўлган, экспертиза ҳulosалари ноаниқ ёки ишонарсиз бўлса, текшириш методлари нотўғри ёки эксперт ўз вазифа доирасидан четга чиқиб кетган бўлса ва айбланувчи асосли важлар келтирса, мазкур масала илмий жиҳатдан ҳал қилинмаган бўлса, шу ишдан экспертиза тайин қилиниб уни ўтказиш бошқа экспертга топширилади.

Текширишнинг **ҳажмига** қараб экспертиза **асосий** ва **қўшиимча** экспертизаларга бўлинади.

Кўшимча экспертиза асосий экспертиза саволларига янги қўшимча саволлар қўшиш, ишда янги ҳолат ва материаллар тўпланиши каби пайтларда тайин қилинади. Кўшимча экспертизани биринчи экспертга топшириш ҳам мумкин. Чунки бунда эксперт иш материали билан таниш бўлиб, экспертиза ўтказиш муддатини қисқартиришга ва асосли бўлишга кўмаклашади.

Одатда, текширилаётган объекtlар катта ҳажмда ёки мураккаб бўлади. Экспертли текширишни экспертнинг фақат бир ўзи, комиссиявий бўлса бир соҳадан бир неча мутахассис олиб боради.

Таркибида такрорий экспертиза кўпроқ бўлган ҳолларда экспертиза эксперtlар комиссиясига топширилади.

Комплекс экспертизада бир неча соҳадаги билиmlар асосида текширилиб, пировард натижаларига қараб умумий бир хулоса чиқарилади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси текшириш учун маҳсус эксперт муассасаларига қўйидаги мазмунда вазифалар тақдим этилади:

1. Товар моддий бойликларни, пул маблағлари камомад ёки ортиқча тўпланиш сабаблари, уларнинг миқдори ҳамда камомад вақти, қаерда содир бўлғанлигини текшириш ва аниқлаш ҳужжатли тафтиш ёрдамида савдо корхоналарида топилган камомад суммаси эксперт томонидан текширилиши натижасида ўзгариши мумкин. Камомад ва белгиланган ортиқча бойликларнинг вақтини, таркиби, баъзи ҳолларда эса уларни вужудга келиш ҳолатини эксперт-бухгалтер томонидан текширилиб, қайта аниқланиши мумкин.

2. Хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулот ва молларни ҳисобдан чиқарилиши тўғри эканлигини текшириш.

Бу ерда ҳақиқатдан омбордан ўғирланган хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш ҳисобидан камайтириш назарда тутилади. Материалларни ҳисобдан тўғри чиқарилиши ишлаб чиқариш операцияларини текшириш натижасида аниқланади. Мол етказиб берувчиларнинг ҳужжатларида қўрсатилган тайёр маҳсулотларнинг тўғри чиқарилганлиги харидор ва буюртмачилардаги ҳужжатларни эксперт-бухгалтер томонидан таҳлил қилиш йўли билан аниқланади. Савдо корхоналарида содир бўлган қонунга хилоф операцияларни ҳам шу услубда топилиши мумкин.

3. Молиявий бузилиш ҳолларини аниқлаш. Молиявий интизом бузилиш ҳоллари бўйича текшириш ўтказиб эксперт-бухгалтер қўйидаги мазмунда хулоса бериши мумкин: меҳнатга тўлов фондидан ортиқча сарфлаш, банк ссудаларининг мақсадга мувофиқ ишлатилмаслиги.

4. Корхоналарда белгиланган режаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботларида қўшиб ёзиш ҳоллари мавжудлиги ва уларнинг суммасини аниқлаш.

5. Содир бўлган операцияларнинг қонунда белгиланган меъёрларга мувофиқ қилинишини текшириш. Содир бўлган молиявий операцияларнинг тўғри ёки нотўғрилиги тавсифнома бериш билан бир вақтда ташкилот ва

корхоналараро ҳисоб-китобларнинг ҳақиқий ҳолати норматив актларга мувофиқ келишини аниқлаш эксперт-бухгалтернинг вазифасига киради.

6. Содир этилган сустеъмолларнинг салбий иқтисодий оқибатларини аниқлаш.

7. Мансабдор шахслар ва бошқа мутахассисларнинг ўз хизмат мансабини сустеъмол қилиши натижасида келтирилган моддий зарарни текшириш ва уларни микдорини аниқлаш.

8. Мазкур ташкилотда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби методикасининг тўғрилиги ёки унда бирор-бир камчилик мавжудлигини аниқлаш.

Айбланувчи моддий жавобгар шахслар камомад қилинган товар бойликлари ёки пул маблағлари нотўғри ҳамда бухгалтерия ҳисобида йўл қўйилган хатолар натижасида содир бўлган деб изоҳ берадилар. Эксперт-бухгалтер айбланувчи берган изоҳни текшириб, камомад суммасини аниқлаш билан биргаликда бухгалтерия ҳисоби ҳолатини ҳам аниқлайди.

9. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисбот қоидаларига риоя қилмаслик ҳолларини аниқлаш. Баъзан бухгалтерия ёзувларидаги тузатишлар хужжатлар билан асосланмаган ҳолда бўлиши аналитик ҳисоб регистрлари юритилмаганлиги, ҳисоб регистрларидаги ёзувлар хужжатлар билан тасдиқланмаслиги мумкин. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот қоидаларнинг бузилиши оқибатида сустеъмол содир бўлади. Бундай ҳолда бузилишларни топиш эксперт-бухгалтернинг муҳим вазифаларидан биридир.

10. Хужжатли тафтиш ўтказиш усули тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаш. Жиноий ёки фуқаролик ишлар бўйича ўтказилган хужжатли тафтишнинг сифати муҳим аҳамиятга эгадир. Тафтишнинг сифатсиз ўтказилиши оқибатида жойларда йўл қўйилган сустеъмолликлари аниқланмаслиги ёки белгиланган тартибга риоя қилмаслик ҳоллари тўғрисидаги тафтиш ўтказиш талаб қилинмаса, тафтишда аниқланган молиявий сустеъмол мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, текширишда қўлланган услублар тўғри ёки нотўғри эканлиги эксперт-бухгалтер томонидан аниқланади.

11. Мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан сустеъмол содир бўлишига таъсир қилувчи муҳит ва вазиятларни топиш.

12. Фуқаро ишлари судида ёки хўжалик судида кўрилганда ташкилот ва корхоналар орасида ҳисоб-китобларни ҳақиқийлигини аниқлаш.

13. Сустеъмолларга қарши қурашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши. Аниқланган сустеъмолларнинг содир бўлишига қандай тафсилот таъсир кўрсатилганлигини аниқлаш эксперт-бухгалтер вазифасига киради. Агар ушбу, сустеъмоллар ҳисоб юритишнинг қониқарсиз ҳолати, хўжалик операцияларни ҳужжатларда нотўғри расмийлаштирилиши таъсирида бўлса эксперт-бухгалтер ўз компетенцияси доирасида уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади

Юқоридагиларда келиб чиқиб суд-бухгалтерия экспертизаси ҳал этадиган вазифалар 4 гурухга бўлинади.

### **Биринчи гурӯҳ:**

Пул маблағлари ва товар моддий бойликларнинг белгиланган тартибда кирим қилиши ва ҳисобдан чиқарилиши (списания) асослангани белгилаш билан боғлиқ бўлиб, қуйидагиларга аниқлик киритади:

- товар моддий бойликларни аниқ турлари бўйича кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилишининг тўғрилигини аниқлаш;
- товар моддий бойликлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб жараёнлари (операциялари) бухгалтерия ҳисобида акс этишининг асослилигини аниқлаш;
- ғазнадаги пул маблағларнинг белгиланган тартибда кирим қилиниши, ҳисобланиши, берилиши ва ҳисобдан чиқарилиши тўғрилигини аниқлаш;

### **Иккинчи гурӯҳ:**

Пул маблағлари ва товар моддий бойликларни ҳақиқатда бор-йўқлигини аниқлайди, улар қуйидагилардир: - камомад (ортиқча) нинг ҳақиқатда бор-йўқлиги;

- камомад(ортиқча)нинг сони ва суммаси;- камомад ( ортиқча)нинг келиб чиқсан даври;- моддий зарар суммаси;- пул маблағлари ва товар моддий бойликларда келиб чиқсан камомад (ортиқча)ни яшириш усуллари.

### **Учунчи гурӯҳ:**

Бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритиш ва назоратини ташкил этилишининг тўғрилигини аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, унда қуйидагилар аниқланади:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисботларни тузиш бўйича амалдаги меъёрий хужжатларга амал қилинганлиги ва уларни бухгалтерия хужжатларида қандай акс этганлиги;
- пул маблағлари ва товар моддий бойликлар кирим қилиниши, сотилиши ва ҳисобдан чиқарилишини хужжатли расмийлаштирилишининг тўғрилиги;
- корхонада бухгалтерия ҳисоби ва назоратининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги оқибатида камомад(ортиқча)нинг, моддий зарарнинг келиб чиқиш сабаблари;
- пул маблағлари ва товар моддий бойликлар камомади (ортиқчалиги) ни аниқлаш бўйича ўтказилган хужжатли тафтишда тафтишчи томонидан қўлланилган услубларнинг асосланганлиги.

### **Тўртинчи гурӯҳ:**

Ҳисоб ва назоратни юритиш қоидаларига жавобгар, жавобгарлигига пул маблағлари ва товар моддий бойликлари бўлган шахслар доирасини аниқлаш бўлиб, унда қуйидагилар ойдинлаштирилади:

- хужжатли маълумотлар асосида камомад пайдо бўлган даврда, жавобгарлигидаги пул маблағларни ва товар моддий бойликларни асосиз ҳисобдан чиқарган шахслар доирасини аниқлаш;

- бухгалтер- эксперт томонидан аниқланган бухгалтерия ҳисоби ва назорати талаблари бажарилишини таъминловчи мансабдор шахслар доирасини аниқлаш.

Юқорида келтирилганлар суд-бухгалтерия экспертизаси ҳал этадиган энг кўп учрайдиган масалалар бўлиб, улар иш ҳолатларига қараб ўзгариши мумкин.

**Биринчи гурӯҳ масалаларини ечишда** қўйидаги саволларга жавоб бериш лозим бўлади:

1. Муайян ташкилот(корхона, муассаса)нинг бухгалтерия ҳисоб ва ҳисбот ҳужжатларида маълум давр давомида қўшиб ёзиш мавжудми? Мукофотлар асосли равишда берилганми?
2. Қандай қилиб муайян шахсда маълум давр орасида ҳужжатларга мувофиқ камомад (ортиқча) ҳосил бўлган?
3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида товар –моддий бойликлар ва пул маблағлари каомади (ортиқчаси) қандай қилиб яширилган?
4. Муайян ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида мазкур хўжалик операцияси қандай акс этган ва уни қандай қилиб яширилган?
5. Бухгалтерия ҳисоб қоидаларига биноан камомад(ортиқча)нинг миқдорини белгилашда тақдим этилган ҳужжатлар ҳисобга олинганми ёки ҳисобга олиниш мумкинми? Ушбу ҳужжатлар ҳисобга олинган ҳолда камомад(ортиқча)нинг миқдори қандай?
6. Мавжуд товарлар маълум бир вақтга уларнинг мумкин бўлган қолдиқларига нисбатан ортиқча қилиб кўрсатилганми? Агар шу ҳолат мавжуд бўлса, унда у нимадан далолат беради?
7. Дастребаки ва жамлама бухгалтерия ҳужжатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги ҳисботлари кўрсатгичлари қанча суммага ўзgartирилган?
8. Ишлаб чиқариш сарф–харажатлари суммасининг оширилиши ёки камайтирилиши қандай хўжалик операциялари билан боғлиқ?
9. Товар моддий бойликлар (асосий маблағларни) қайта баҳолаш асосли равишда амалга оширилганми?
10. Мазкур хомашё ёки товарларни келиб тушиши ва рўйхатдан ўчирилиши бухгалтерия ҳисобида тегишли равишда акс эттирилганми?
11. Товар-моддий бойликларнинг ҳужжатлар билан асосланмаган ҳисобга олиш ёки рўйхатдан чиқарилиши қайси операция орқали ва қанча суммага бажарилган?
12. Асосланмай тузилган ҳужжатлар бўйича ёки умуман ҳужжатсиз қачон ва қанча суммага муайян товар –моддий бойликлар рўйхатдан ўчирилган?
13. Нотуғри (асосланмаган) берилган пул маблағларнинг суммаси қанча? Бу сумма камомадни ташкил қиласидими?

**Иккинчи гурӯҳ масалаларини ечишда** қўйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

1. Маълум вақт давомида (ташкилот, муасаса, корхонада ишловчи) моддий жавобгар шахсда товар –моддий бойлик, маблағлари камомади ортиқчаси бўлганми?

2. Муайян хужалик операциялари туфайли ташкилоот (корхона, муассаса)га қанча зарар етказилган?
3. Маълум шахснинг номидаги ортиқчаларни шу номдаги товар бойликлари бўйича камомад ҳисобига ўтказса бўладими ва ўтказилганми? Ҳисобга ўтказилгандан кейин камомад (ортиқча) миқдори қанча?
4. Руйхатдан ўтказиш (тафтиш) далолатномасида кўрсатилган товар-моддий бойликлар ва пул маблағларнинг мазкур корхонада маълум вақт орасида юзага келган камомад ёки ортиқчаси мавжудлиги хужжатлар билан тасдиқланадими?
5. Қайси давирда камомад (олтиқча) юзага келган ва шу даврда товар-моддий бойликларнинг сақланиш учун ким жавобгар бўлган?
6. Камомад туфайли етказилган моддий зарар миқдори қанча?
7. Шартнома шартларини бир томон бажармаганлиги туфайли етказилган зарарнинг миқдори қанча?
8. Ҳисобот маълумотларида аниқланган фарқлар қайси даврга таалуқли?
9. Табий камайиш меъёрларининг қўлланиш асослами?

**Учинчи тоифа масалалари** билан боғлиқ саволлар қўйдагича бўлиши мумкин:

1. Мазкур ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоб ва ҳисботидаги қандай камчиликлар товар-моддий бойликлар, пул маблағлари-камомади(ортиқчаси)нинг юзага келишига ёки уларни яширишга сабаб бўлган?
2. Муайян ташкилотни текшириш (тафтиш қилиш)да қўлланилган услублар камомад(ортиқча)ларни аниқлашга имкон берганми?
3. Хужжатларни текшириш(тафтиш қилиш)да камомад(ортиқча) аниқланишининг барча услублари қўлланилганми?
4. Бажарилган иш (хизмат) ҳажимларининг ошиши муносабати билан текширувчиларнинг бажарилган иш қиймати хақидаги хulosалари тасдиқланадими?
5. Ҳисобга олиш маълумотларида товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг кирим ва харажати ўртасида фарқлари мавжудми?
6. Бухгалтерия ҳисобларида тайёр маҳсулотни ортиш ва туширишга кетган харажатлар хақидаги кўрсаткичлар дастлабки бухгалтерия хужжатларидан кўрсатилган маълумотларга мос келадими? Мос келмаса ушбу фарқлар ишлаб чиқариш харажатлари суммасини оширганми ёки камайтирганми?
7. Моддий бойликларни олиш ва сотища бюджет корхонаси ( муассаса, ташкилот) товарсиз операцияларни амалга оширганми?

**Тўртинчи гурух масалаларини** ечишда қўйидги саволларга жавоб бериш лозим бўлади:

1. Маълум бир даврда моддий бойликлар, пул маблағлари учун ким жавобгар бўлган?
2. Товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш бўйича меъёрий хужжатлар талабларини таъминлаш бош бухгалтернинг мажбурятига кирадими?
3. Бош бухгалтердан бошқа қайси шахс бухгалтерия ҳисобини олиб бориш услубиётига риоя қилиш учун маъсул?

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Махсус билимлар орасида "Суд-бухгалтерия экспертизаси" фанини ўрни қандай ва уни асосланг?
2. Экспертиза, эксперт сўзларининг мазмуни қандай?
3. Суд-бухгалтерия экспертизасининг қандай вазифалари мавжуд?
4. Экспертизанинг қандай турлари мавжуд?

### Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

**суд экспертизаси** — фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишида иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хulosा беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат;

**суд-экспертлик фаолияти** — суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият

**давлат суд эксперти** — давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти;

**иш-суд** экспертизаси тайинланган фуқаролик, хўжалик, жиноят иши (шу жумладан, терговга қадар текширув материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш.

### Мавзу бўйича тест саволлари

**1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг нечта устувор йўналишлари мавжуд?**

А) 3                          Б) 4                          В) 2                          Г) 5

**2. Куйидаги жавоблардан қайси бири экспертиза ҳақида тўлиқ ифода беради?**

А) Тадбиркорлик фаолияти бўлиб, адвокат билан айбланувчи ўртасидаги айбланувчининг манфаатларини ёқлов жараёнидир.

Б) Айбланувчини айбини бўйнига кўйиш ва етказилган моддий, манавий зарарларни ундириш мақсадида олиб бориладиган текшириш.

В) Жиноят процессуал қонуни асосида, фан ва техниканинг, санъат ва иктисолиётнинг айрим соҳаларидаги мутахассислар, касб-ҳунар эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи камчиликларни аниқлаш мақсадида обьектлар устида олиб бориладиган текшириш.

Г) Содир этилган жиноятни одилона ёритиш мақсадида обьектлар устида олиб бориладиган текшириш.

### **3. Экспертизанинг асосий вазифаси...**

- А) Олиб борилган текширишлар натижасида аниқ шахс, объект-далилий ашё, моддий қолдикдар, излар юзасидан уларнинг айнанлиги ёки қайси гурухга мансублиги ҳақида ахборот беришdir.
- Б) Олиб борилган текширишлар натижасида айбдор билан эксперт ўртасида айбни тасдиқловчи тўпланган далилий ашёлар асосида ахборот беришdir.
- В) Олиб борилган текширишлар натижасида жавобгар билан эксперт ўртасида айбни тасдиқловчи тўпланган далилий ашёлар асосида ахборот беришdir.
- Г) Олиб борилган текширишлар натижасида айбланувчининг содир этган айбини тахминий тасдиқлаш ва айблов хулосаси беришdir.

### **4. Суд- бухгалтерия экспертизасининг вазифалари нималардан иборат?**

- А) Товар моддий бойликларни, пул маблағларини камомадини аниқлашда терговчига ёрдам бериш.
- Б) Амалга оширилган хўжалик муомалаларининг амалдаги қонун ва йўриқномаларга мос келиш-келмаслигини текшириш хамда мансабдор шахслар ва бошқа шахслар томонидан келтирилган моддий зарарни аниқлаш ва экспертиза хулосасини бериш.
- В) Ҳужжатли тафтиш ўтказиш.
- Г) Товар моддий бойликларни, пул маблағларини камомадини аниқлашда айбланувчига ёрдам бериш.

### **5. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?**

- |                          |                         |
|--------------------------|-------------------------|
| А) 1991 йил 20 июлда     | Б) 1996 йил 30 августда |
| В) 2002 йил 22 сентябрда | Г) 2009 йил 18 ноябрда  |

**2-маъзуза**

**СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ФАНИНИНГ  
ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ**

## **Маъруза режаси:**

1. Суд-бухгалтерия экспертизасининг объектлари ва предмети
2. Суд-бухгалтерия экспертизасининг методи ва унда қўлланиладиган усуллар

### **1. Суд-бухгалтерия экспертизасининг объектлари ва предмети**

Тергов органлари ва суд (бухгалтерия) фаолияти текширилаётган жиной иш бўйича далилий ашёлар ёрдамида хақиқатни аниқлашдир. Ўзбекистан Республикаси ЖПК моддасига мувофиқ қонунда белгиланган тартибда суд, терговчи ижтимоий хавф-хатар мавжудлиги ёки мавжуд бўлмаганлиги ушбу ҳаракатни содир қилган шахс айбордлиги ва ишни тўғри ечилишга аҳамияти бўлган барча хақиқий маълумотлар жиной иш бўйича далил бўлади. Эксперт хulosаси ана шу далиллар жумласидандир. Суд бухгалтерия экспертизаси **предмети** қўйидаги белгилар умумлашуви билан тавсифланувчи ҳодисаларни ўз ичига олади:

- 1) улар хўжалик фаолияти билан боғланишдадир;
- 2) улар бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топган;
- 3) уларни текшириш доираси суд ёки терговчи берган саволлар билан чекланади;
- 4) ушбу саволларга жавоб-хulosса бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мутахассис томонидан берилади.

Эксперт бухгалтерниң фаолияти фуқаролик ва жиной процессуал қонунлар чиқаридиган органлар томонидан (белгиланади) аниқланади. Экспертизанинг объектив ўтказилиши малакали эксперт танланишидадир.

Эксперт бухгалтерия иши икки мустақил лекин узаро боғлиқ қисмлардан иборат. Биринчи қисмда терговчи ёки суд тақдим этган хужжатлар ва бошқа материаллар мутахассис томонидан текширилади.

Тақдим этилган хужжат ва бошқа материалларни текшириш натижаларини эксперт бухгалтер жавоб-хulosса шаклида расмийлаштиради ва терговчи ёки судга маълум қиласи.

Иккинчи қисмда далилларни янги манбани жиной иш бўйича янги далиллар ҳисобланган фактлар ташкил қиласи.

Суд-бухгалтерия экспертизаси соҳасидаги назарий текшириш тадқиқотларининг вазифаси халқ хўжалиги турли тармоқларидағи талонтарож ва суиистеъмоллар билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби операцияларини текшириш методикасини ва умумий низомларини (ташкилий, хукуқдий ва назарий) ишлаб чиқишдан иборатдир.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ва унинг илмий асослари тифиз алокада ва ўзаро шартли бўладилар.

Суд-бухгалтерия экспертизаси муассасалари ва экспертларининг амалий фаолияти жараёнида тажриба йиғилади, текширишларнинг

илғор методлари ишлаб чиқилиб, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш методикасини бойитади.

Ўз навбатида янги методик тавсияномаларни амалиётгда қўллаш нафақат текширишларни яқдиллик шаклига олиб келади, балки илғор тажрибанинг тез тарқалишига, эксперт ишларининг такомиллашишига, шунингдек эксперт хулоса-далолатномалар сифатининг ошишига олиб келади.

Суд-бухгалтерияси шундай фан бўлиб, унинг мазмуни тергов ва суд фаолиятида бухгалтерия ҳисобининг тадбиқ этилишига доир назарий ва амалий масалаларни текшириш ва ўрганиш, талон-тарож тўғрисидаги ишларни суриштиришда, тергов қилишда ва судда кўриш жараёнида хужжатли тафтиш, инвентаризация ва суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш техникаси, ташкил қилиш ва методологияси илмий асосларини белгилашдан иборатdir.

Жиноий ва фуқоролик ишлари бўйича адолатли ҳукмнинг амалга ошишига ёрдам бериш, иқтисодиёт соҳасида жиноят ва хукуқ бузишларга йўл қўймаслиқ келажакда хўжалик хукуқ бузилишларни огоҳлантиришга доир тадбирларни белгилаш суд-бухгалтерия экспертизасининг асосий мақсадидир.

Суд - бухгалтерияси тергов ва суд ҳаракатларида маҳсус бухгалтерия билимларини қўллашнинг назарий асосларини тузади, ҳамда суд ва тергов органларида учровчи жиноий ва фуқаролик процесслардаги масалаларни ечишда ушбу билимларни қўллашнинг илмий принципларини белгилайди. Суд-бухгалтерия назарияси **предметига** бухгалтерлик ва процессуал-хукукий характерга эга бўлган масалалар киради. Ушбу назария жиноий ва фуқаролик ишлар бўйича асосий далил манбаси бўлган суд - бухгалтерия экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисобини назорат қилиш хусусиятларини, инвентаризация, хужжатли тафтиш, молиявий хўжалик операцияларини хужжатлаштириш ва бухгалтерлик назоратининг бошқа шакл ва воситаларини аниклашга даъват этади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси суд-бухгалтерияси назариясининг асосий ва муайян қисмини ташкил қиласди.

Аниқ жиноий ва фуқоролик ишларининг ҳақиқий вазиятлари суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети хисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси обьекти бўлиб хужжатлар ёки асосий манба бўлиб хизмат қилувчи дастлабки маълумотни ташувчи улар ўрнидаги ифодаланган хўжалик операциялари ҳамда ҳисоб регистрлари (китоблар, ведомостлар, карточкалар) ва бошқа материаллар хизмат қиласди.

Суд-бухгалтерия экспертизасининг барча обьектларини икки гурӯхга бўламиз:

1- Бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш воситалари сифатида хизмат қилувчи хужжатлар.

2- Бошқа барча хужжатлар, яъни маълумотномаларнинг, хужжатлар, тафтиш далолатномалари турли ташкилотларни хабарлари расмий

бўлмаган хужжатлар, тергов ва суд ҳаракатининг баённомалари, бошқа мутахассислик бўйича экспертнинг хulosалари, айбланувчи фуқаронинг даволари, гувоҳларнинг суроқ баённомалари киради.

Эксперт бухгалтернинг ўзи олдига қўйилган масалалари бўйича маълум фикр чиқариш учун зарур бўлган материалларни тўплаш ҳукуқига эга эмас, у фақатгина ихтиёрига берилган материалларни тадқиқ қиласди. Эксперт қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги фикрни экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор эълон қилинган вақтда ҳам, шунингдек уни ўтказиш давомида ҳам билдириши мумкин. Бу оғзаки баённомага киритилади ёки ёзма равиша билдирилиши мумкин. Эксперт айнан қандай қўшимча материаллар ва қайси тадқиқотлар тафтиш ўтказишида унга кераклигини кўрсатиши зарур. Фикрни қондирилиши рад этилган эксперт тадқиқ этишини давом эттиради. Хулоса бериш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда эса экспертиза тайинлаган органга хабар қиласди. Агар қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги тавсиянома муносабати билан тергов (суд) ҳаракатлари ўтказиш зарур бўлса, эксперт уларда иштирок этиш учун чақирилиши мумкин.

Молия вазирлиги, тармоқ вазирликлар, идора ва раҳбар ташкилотларнинг қарор, фармойиш, кўргазма ва буйруқлари экспертиза обьектлари сифатида қараб чиқилиши мумкин эмас. Бу далолатномаларда айrim корхона, ташкилот, муассасалар учун мажбурий бўлган бухгалтерия ҳисоби юритишнинг умумий нормалари қамраб олинган. Улар эксперт-бухгалтер фаолиятининг норматив асоси бўлиб хизмат қиласди. Мазмани эса хулоса бериш учун қўлланиладиган маҳсус билимларнинг бир қисми мазмунидан иборатdir. Эксперт бундай турдаги норматив далолатномалар мавжуд бўлган материалларни талаб қилиш тўғрисидаги тавсияномани баён қилишга ҳакли эмас. Бундай зарурият туғилган ҳолларда унинг ўзи мазкур хужжатлар билан танишиш чораларини кўриши зарур.

## **2. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг методи ва унда қўлланиладиган усуllар**

Бухгалтерия экспертизасининг ўрганиш методлари бошқа фанлар сингари *диалектик метод* ҳисобланади. Чунки, ўрганилаётган давлат, кооператив жамоа ва хусусий мулк доимо узлуксиз ҳаракатда, экспертиза эса, ундан мақсадга мувофиқ ва қонуний равишида фойдаланишини ўрганади.

Эксперт-бухгалтер томонидан хужжатлар, ҳисоб регистрларидағи ёзувлар ва ишнинг бошқа материалларини текшируvida қўлланиувчи усуllар йиғиндиси суд-бухгалтерия экспертизаси методини ташкил этади.

Ўз навбатида ушбу усуllарни икки мустақил, лекин ўзаро боғланишдаги умумий ва хусусий методик усуllарга ажратиш мумкин.

Тергалаётган жиноят характеридан, иқтисодиёт тармоғи ва жиноят содир бўлган корхона хусусиятидан қатъий назар, турли жиноий ишларнинг материаллари текширилишида умумий методика усуллари қўлланилади. Бунда қатор сунистемоллар қаерда амалга оширилмасин, лекин бухгалтерия ҳисобида бирдай қайд этилиши инобатга олиниши керақ Масалан, нақд пул, товар ва материалларни ўғирланиши бухгалтерия ҳисобида одатда бойликларни очиқ-ойдин ёки беркитилган камомади тариқасида қайд этилади. Шунинг учун юқорида қайд этилган ишлар бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишда жиноят каерда содир бўлишидан қатъий назар умумий методика услублари қўлланилади.

Шунингдек иқтисодиётнинг алоҳида тармокларидағи жиноятларни содир этишнинг кўп усуллари ўзига хос хусусиятга ва ҳисобда қайд этишдаги ўзгачиликка эгадир. Масалан, умумий овкатланиш корхоналарида ва қишлоқ ҳўжалик корхоналаридағи ўғирликлар ва талонтарож турли усуллар билан амалга оширилади.


Жиноят хусусиятига, уларнинг содир бўлган жойи мазкур корхонада амал қилган хужжатлаштириш ва ҳисобда юритиш тартибига кўра матахассис текширишнинг умумий усуллари билан бир қаторда хусусий услубларини ҳам қўллайди.

Эксперт-бухгалтер хуносаси натижалари аниқ ва ишончлилигини таъминловчи асосий шартлардан бири молиявий-хўжалик фаолиятига доир хужжатларни текшириш ва таҳлил қилишнинг умумий ва хусусий методларидан тўғри фойдаланишдир. Бухгалтерлик экспертизасини ўтказиш методларини такомиллаштириш суд экспертизасини ривожлантиришнинг умумий муаммоларининг таркибий қисмини ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби методи тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан жиноий ва фуқаролик ишларни текшириш ва тергов қилиш сабабли мутахассисга тақдим этилган топшириклар бўйича маълумотларни (хужжатлар, ҳисоб регистрлари, ҳисботлар ва ҳоказоларни) эксперт текшириш методикасини белгилайди.

Суд бухгалтерия экспертизасининг методикаси текширилувчи обьектларга таалуқли бўлган хужжат, ҳисоб регистрлар, ҳисботлар, бошқа мутахасисликдаги эксперт хуносалари, гувоҳ ва айбланувчиларнинг кўрсаткичлари ҳарактерига ҳам борлиқ бўлади. Бухгалтерия хужжатларини ва ишнинг бошқа материалларини текшира туриб, терговчи (суд) томонидан кўйилган масалаларга кам харажат ва вақт сарифлаб, аниқ, ишончли хуноса тайёрлаш учун эксперт-бухгалтер текширишнинг аниқ методлари ва услубларини танлаб, уларни қандай изчилик ва тартибда ўтказишликни белгилаб олади. Суд бухгалтерия экспертизасининг муҳим методларига қўйидагилар киради: **хужжатни текшириши, бухгалтерия хужжатларини таққослаш, моделлаштириши** (1-тасвир).

**1-тасвир**

## **Суд-бухгалтерия экспертизаси объектлари ва методлари**



Йўқотилган хужжатларнинг  
тикланишини текшириш

Ушбу методлар, яъни хужжатли текшириш, бухгалтерия хужжатларини таққослаш, моделлаштириш суд бухгалтерия экспертизасининг муҳим методлариiga киради. Бу методлар бухгалтерия экспертиза объектларининг текшириш дастури олдиндан белгилангандан сўнг кўлланилади.

Амалиётда кенг тарқалган суд бухгалтерия экспертиза усуллари куйидагилардан иборат: *товар моддий бойликларни ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни назорат солиштириши, турли ташкилотларда ёки бир ташкилотнинг турли бўлимларида сақланаётган хужжатларни муқобил текшириши, миқдорий қиймат ўлчовини тиклаш, хужжатларни расмий, арифметик ва норматив тиклаш.*

Мутахассиснинг вазифаси иш материаллари билан дастлабки танишиш асосида эксперт текшириш дастурининг маҳсули, ишончли ва объектив бажарувчи метод ва услубларни танлашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун мутахассис халқ хужалигининг тармоғига тааллукли корхонасидаги бухгалтерия ҳисобининг бўлимларини чукур ўзлаштириши ҳамда суд-бухгалтерия экспертизаси метод ва усулларидан мохирона фойдалана билиши керак.

### **ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.**

1. Суд-бухгалтерия экспертизаси методи деганда нимани тушунасиз?
2. Суд-бухгалтерия экспертизасининг методик усуллари нимадан иборат?
3. Суд-бухгалтерия экспертизасининг предметини таърифланг.
4. Суд-бухгалтерия экспертизасининг объектларини санаб беринг

#### **Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар**

**Экспертиза** - жиноят процессуал конуни асосида, фан ва техниканинг, санъат ва иктисодиётнинг айрим соҳаларида мутахассислар, касб-хунар эгалари томонидан терговда ёки суд мухокамасида келиб чикадиган баъзи камчиликларни аниқдаш максадида объектлар устида олиб бориладиган текшириш;

**Эксперт** - бу фан - техника, хунар, санъат соҳасида маҳсус билимга эга булган (мутахассис), экспертиза муассасаларидан бирида ишловчи процессуал шахсдир;

**Суд экспертизаси** — фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишида иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд

эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги маҳсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат;

**Суд-бухгалтерия экспертизаси предмети** - қуйидаги белгилар умумлашуви билан тавсифланувчи ҳодисаларни ўз ичига олади:

- улар хўжалик фаолияти билан боғликларда;
- бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топган;
- уларни текшириш доираси суд ёки ерговчи берган саволлар билан чекланади;
- ушбу саволларга жавоб-хулоса бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мутахассис томонидан берилади.

**Бухгалтерия ҳисоби** - бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, мулки (активлари, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гурухлаш, жамлаш ҳамда уларни ички ва ташқи фойдаланувчилар хукмига тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимиdir.

### **Мавзу бўйича тест саволлари**

**1. “Ҳаракатлар стратегияси”да Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари неча банддан иборат?**

- A) 5 банд.                    B) 4 банд.                    V) 3 банд.                    Г) 6 банд.

**2. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунининг мақсади...**

А) Ўзбекистон Республикасида судлар фаолиятини тартибга солиш ва улар устидан назорат ўрнатиш.

Б) Ўзбекистон Республикасида суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан.

В) Ўзбекистон Республикасида қонунларнинг ижросини таъминлаш.

Г) Барча судлар тизимида жиноий ишларни кўриб чиқишда одиллик принципларини таъминлаш.

**3. Қуйидагиларни қайси бири «Суд-бухгалтерия экспертизаси» фанининг методини тўлиқ ифодалайди?**

А) Бухгалтерия хужжатларини таққослаш, хужжатли текшириш ва моделлаштириш.

Б) Бухгалтерия хужжатларини сақлаш.

В) Бухгалтерия хужжатларини кераксизларини ажратиш.

Г) Бухгалтерия хужжатларини текшириш, уларни яроқлилик даражасини аниқлаш ва уларни архивга топшириш.

**4. Қуйидагиларни қайси бири «Суд-бухгалтерия экспертизаси» фанининг услугбиятларига кирмайды?**

- А) Назорат солишириш.
- Б) Норматив текшириш.
- В) Йўқотилган хужжатларни тикланишини текшириш.
- Г) Хужжатлардаги маълумотлар ҳажмини аниқлаш.

**5. Суд бухгалтерия экспертизасининг текшириш усуллари маълум бир тартибга солиниб, қандай турларга бўлинади?**

- А) Текширишнинг умумий усуллари.
- Б) Текширишнинг маҳсус усуллари.
- В) Текширишнинг умумий ва маҳсус усуллари.
- Г) Текширишнинг ялпи усуллари.





**Маъруза режаси:**

1. Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкил этишнинг хуқуқий асослари ва турлари ҳақида тушунча
2. Суд-тергов органлари ва терговчи томонидан экспертга экспертиза тайинлаш тартиби ва ўтказиш учун шароит яратиш тартиби
3. Эксперт-бухгалтер ва мутахассис-бухгалтер ҳақида тушунча

**1. Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкил этишнинг хуқуқий  
асослари ва турлари ҳақида тушунча**

Суд-бухгалтерия экспертизаси ва тафтиш текширувлари орқали турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар иш фаолиятига бетараф, холисона баҳо берилади. Корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятида содир бўлган ва бўлаётган хўжасизлик, талон-тарожликлар ва амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий хужжатлардан четлашиш сабабларини асл ҳолини аниқлаб суд-прокуратура ва тергов органларига қўрилаётган иш юзасидан одилона ажрим чиқаришда ёрдам беради.

Ушбу фаннинг хуқуқий асосларига қуйидаги қонун ва қонуности ва меъёрий хужжатлар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги ҚОНУНИ; Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган

-Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ҚОНУНИ; Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 3 марта қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 31 марта маъқулланган

**-ЎЗБЕКИСТОН ЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ, ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР.**

-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА (2011 й.2-март)

-Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ (2011 й.5-январ)

Суд-бухгалтерия экспертизаси шундай ҳолатларда белгиланадики, унда кузатилган жиноий ишнинг терговини олиб борувчи терговчи ишни сифатли ва қонунан туғри боришида чуқур ва юқори савияли бухгалтерия билимлар лозим деб топса. Албатта ишни олиб борувчи терговчи ҳам маълум бир бухгалтерия билимларга эга бўлиши ва оддий ҳисобларни ўзи бажариши ёки тергов вақтида айланувчининг ёхуд гувоҳларнинг кўрсатмаларини таҳлил этиши мумкин. Хусусан иш юзасидан жиноий

ишга қўл урган шахслар, моддий жавобгар шахслар юритган ҳар бир хужжат ва материалларини таҳлил қилиб янги фактларни очиши ҳам мумкин. Ленин бундай ҳолатларда терговчи суд бухгалтерия экспертигининг ёрдамисиз қўзланган ютуқقا эриша олмайди.

Эксперт-бухгалтерниң хulosасисиз терговчи иш юзасидан кўйидаги масала ва саволларни ҳал этишга ҳақ - хуқуқи бор. Бунда у бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалари билан таниш бўлғандагина қўйидаги саволларни ҳал этиш мумкин: жиноий иш юзасидан йифилган материалларда бухгалтерия-арифметик ҳисоб - китоблар камомадни аниқлаш, кассадаги ортиқча ва етишмайдиган пул суммасини аниқлаш ва ҳоказолардир. Бу ҳолларда бухгалтерия экспертизаси белгиланмайди.

## **2. Суд-тергов органлари ва терговчи томонидан экспертга экспертиза тайинлаш тартиби ва ўтказиш учун шароит яратиш тартиби**

Терговчига тафтиш хulosалари ва якуний ҳисоб-китоблар хужжати тақдим этилса, ёки корхонанинг ҳисоб ёзувлари терговчига шахсан топширилса бухгалтерия экспертизаси тайинланиши ҳам мумкин. Баъзан эксперт-бухгалтер олдига ўтказилган тафтиш маълумотларини текшириш, таҳлил этиб хulosса бериш, тафтишнинг сифатига баҳо бериш каби саволлар ҳам қўйилади. Бундай кўринишдаги суд-бухгалтерия экспертизаси терговчи томонидан йифилган материалларни обдон қўздан кечириб, танишиб чиққанидан сўнг белгиланади. Агар айбланувчи томонидан "тафтиш нотугри ёки бирор бир методдан фойдаланилмай ўтказилди"-деган даъво пайдо бўлганда терговчи бундай маълумотни, албатта, бухгалтер эксперт билан биргаликда текшириб чиқиши лозим. Суд-бухгалтерия экспертизаси сифатли ва қиска муддат ичida якунланишга иш юзасидан йифилган материалларнинг (текширув материаллари, тафтиш материаллари ва инвентаризацияси) тўлақонлиги ва сифатлилиги ҳам таъсир курсатади. Сифатсиз материалларга куйидагилар киради:

- тафтиш хulosаларининг асоссизлиги;
- тафтиш ўтказишда моддий жавобгар шахс иштирок этмаслиги;
- тафтиш ёки инвентаризация хulosасида комиссия имзоларининг тушунарсиз ёки қалбаки ёки умуман йўқлиги ва ҳоказолар.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишни белгилашдан ва экспертга материаллар тақдим этишдан аввал, терговчи йифилган материаллар билан яқиндан танишиб чиқиши лозим. Шу билан бир қаторда, эксперт бухгалтерниң ёзма аризаси ёки талабномасига асосан қўшимча материаллар йифиши ва жиноят содир этилган тизимдаги барча хужжатларни саклаб қолиши керақ. Акс ҳолда, жиноятни содир этган шахс ёки моддий жавобгар шахс қўйидаги қалбаки хужжат ва ёзувларни йўқ килишлари мумкин:

а) хужжатларни олиб қўйиш далолатномаси ва уларни тикланганлиги тўғрисидаги қарор, тинтув ва топиб олиш далолатномалари ва бошқа шунга тегишли бўлган хужжатлар;

б) айбланувчи ёки шубҳа, остидаги шахсларни тергов қилингани ҳақидаги далолатномаси, гувоҳларни тергов килинганлиги тўғрисидаги далолатнома. Мисол учун инвентаризация ўтказган комиссия аъзолари суроқ килиниб, улар ўртасида юзлаштириш хulosалари;

в) ишга алоқаси бўлмаган, лекин далилий ашё сифатида терговчи томонидан ишга тикилган хужжатларнинг текширув далолатномаси;

г) эксперт бухгалтернинг хulosаси бошқа соҳа мутахассисининг хulosасига таяниши лозим бўлган мураккаб ҳолатларда, эксперт бухгалтерга шу соҳа мутахассислигининг хulosалари тақдим этилиши лозим. Масалан товаршунос - экспертининг хulosаси.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш шарт деб топилган ва бунинг учун хужжатлар етарли даражада йиғилгандан сунг, экспертизани тезкорлик билан бошлаб юбориш керақ Чунки экспертиза кўп ҳолларда жуда чузилиб кетиши мумкин. Бу эса терговда салбий характерга эга.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш муддатини тайинлашдан аввал, терговчи эксперт олдига кўйиладиган саволлар тупламини тайёрлайди. Бундай саволларни тайёрлаб экспертга тақдим этиш учун терговчига иш юзасидан йиғилган материаллар етарли бўлиши, кисман бўлса ҳам иқтисодий билимларга эга бўлиши, у ёки бу корхананинг юритилаётган хисоб - китоб асослари билан танишган бўлиши керак. Агар терговчи тафтиш материаллардан, ўтказилган инвентаризация материалларидан ва бошқа материаллардан шубҳаланса, тўғри эканига гумон қилса, у ҳолда ушбу материалларни экспертга топшириш билан бир қаторда тузилган саволлар тўпламига қўйидаги саволларни киритиши мумкин:

-ўтказилган тафтиш, инвентаризация ёки бошқа турдаги текширувлар далолатномаларига асосланган ҳолда жиноий иш содир қилинган даври ёки текширувларда текшириш методлари тўлаконлигича олиб борилганлигини аниқлаш;

-тафтишчилар хulosасига таяниб ушбу хulosса ва бошқа хужжатлар тўғри текширилганми?

-инвентаризация ўтказилганлиги тўғрисидаги акт ва бошқа хужжатлар бухгалтерия, омбор хужжатлари билан фарқ қиласидими хусусан (санаси, имзоси, номланиши ва ҳоказолар).

Шундай мураккаб ва чалкаш жиноий ишлар бўлиши мумкинки, бундай ҳолатларда терговчи эксперт олдига кўйиладиган саволларни маслаҳатчи-бухгалтер билан биргаликда тузиши керак бўлади. Бундай саволлар материалларни тайёрлашда терговчи маслаҳатчи-бухгалтер сифатида таклиф этилган экспертни ишга жалб қилиш хукуқига эга. Агар эксперт - бухгалтер юқори малакали бўлса, у ҳолда терговчининг хоҳиши билан у ҳам маслаҳатчи-бухгалтер ҳам эксперт бухгалтер вазифасини

ўташи мумкин. Бу эса ўз навбатида терговчининг ҳисоботида ва баённомасида қайд этилади.

Терговчи суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан олдин қарор чиқаради. Терговчи қарорда қуйидагиларни курсатади:

- а) экспертиза ўтказиш учун асос;
- б) экспертиза ўтказувчи корхонанинг номи, манзилгоҳи, эксперт-бухгалтернинг фамилияси ва мансаби;
- в) эксперт-бухгалтер олдига қўйилаётган саволлар тўплами;
- г) экспертиза ихтиёрига тақдим этилаётган материаллар тўплами.

Амалиётда эса терговчилар ҳар вақт ҳам экспертиза ўтказиш учун асосни кўрсатавермайдилар. Баъзи ҳолларда эса чиқарилган қарорида ҳам экспертнинг ихтиёрига тақдим этилган материаллар рўйхатини кўрсатмайдилар. Бундай ҳоллар экспертни чалғитади, материаллар билан танишиб чиққунга қадар вақтини олади, аниқ бир хulosा айттолмайди, натижада экспертиза муддати чузилиб кетади. Терговчи иш юзасидан йифилган материалларни экспертга тақдим этиб у билан шахсан танишади. Агар материаллар тўплами жуда катта, ёки бухгалтерия материаллари бўлмаган бошқа тергов материаллари билан аралаш ҳолда бир ишга тикилган бўлса, у ҳолда эксперт терговчи хузурида ўтириб материаллар билан танишиб экспертиза ўтказади. Қарорда иш юзасидан очилган варакалар саҳифалари кўрсатилади. Бундай ҳол экспертни адашмасликка ёрдам беради.

Терговчи экспертга қўйидаги асосда иш юритиши учун шароит яратиб беради:

- а) хulosा бериш учун асос бўлиб хизмат қилувчи хужжатлар (бухгалтерия хужжатлари, ҳисоб регистрлари, китоб ва журнал-ордер ва терговчи томонидан йифилган бошқа материаллар);
- б) экспертиза ишларига тааллукли бўлган хужжатлар (тергов далолатномалари, бошқа соҳа мутахассисларининг хulosалари);
- в) далил сифатидаги ашёвий материаллар расм нусхалари.

Бухгалтерия хужжатлари терговчи томонидан эксперт учун бутун экспертиза ўтказиш даврига берилиши мумкин. Бошқа хужжатлар билан терговчи экспертни иш бошланиш арафасида ёки янги хужжат ва материаллар топилган заҳоти таништиради.

Агар эксперт-бухгалтер учун зарур бўлган хужжат йўқ бўлса ёки айбланувчи томонидан атайлаб йўқ қилинган бўлса, у ҳолда терговчи эксперт бухгалтер билан биргаликда бундай хужжатга teng бўлган бошқа алмаштирувчи хужжат ахтарилади.

Мулкни муҳофаза қилиш борасида мамлакатдаги жиноий ишларга қарши курашда факатгина юридик билимлар эмас, балки маҳсус иқтисодий билимлар ҳам зурурдир. Бундай билимлар жиноий ишларни тўхтатишида, олдини олишда ўз самарасини кўрсатади. Хўжалик жиноятлари ва мансабдор шахсларни ўғирликлари билан боғлиқ ишларни

кўриб чиқиш, ўрганишда маҳсус бухгалтерия ва бошқа иқтисодий билимлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Жиноятчиларни тезда ва тўлиқ аниқлашда хужаликда ҳар бир жиноятчини тўғри аниқлаш ва қонун билан жазолаш адолати қарорлар қабул қилиш ва хеч бир айбиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги лозим. Шунинг учун бухгалтерия ва иқтисодий билимларга эга бўлиш, суд-бухгалтерия ва бошқа иқтисодий экспертизани аниқ ўтказиш, хужжатли тафтишлар ва шунга ўхшаш фанлардан фойдаланилган ҳолда, яъни суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилиши лозим.

Суд-бухгалтерия экспертизаси турли қиррали фан бўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан бухгалтерия ва иқтисодий ахборотларни аниқ юридик амалиётда ишлатишга қаратилган. Суд-бухгалтерия экспертизасининг мақсади юридик ишларни одилона ҳал этишда бухгалтерия ва иқтисодий билимларга асосан қўшимча маълумотлар, ахборотлар, фактлар тўплашдир. Жиноий ишларни юридик ва терговчилар томонидан ечишда маҳсус мутахассис бухгалтерлардан фойдаланилади.

### **3. Эксперт-бухгалтер ва мутахассис-бухгалтер ҳақида тушунча**

Маҳсус бухгалтер экспертичи тергов ва суд ишларига таклиф қилинган бўлиб, консультация бериш учун чақирилади. Ўзбекистон Республикаси жиноий ишлар кодексида, суд ишларини ҳал этишда мутахассис-бухгалтер экспертичи таклиф этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд тергов ишларида мутахассис-бухгалтерни ишлари қўйидагилардан келиб чиқади:

- аниқлаб топиш;
- йиғиш:
- бухгалтерия хужжатларини кўриб чиқиш;
- маълумот материалларини йиғиш;
- тафтиш ўтказмай мутахассис ёрдамида суд ишига керак материалларни тўплаш.

Бухгалтер мутахассис амалий ёрдам берганда қўйидагиларни аниқлашдан иборат:

–керакли хўжалик операциясини таҳлил қилишда қайси бухгалтерия хужжатлари ва ҳисоб регистлари ахборотларига эга эканлигини аниқлаш;

–белгиланган хужжатларни асл нусхаларини қаердан топиш мумкинлигини белгилаш.

Бухгалтер мутахассис терговчига ортиқча кераксиз хужжатларни олиб келишга йўл қўймаслиги керак Олиб келинган хужжатларни мазмуни тушунарли, керакли ахборотларга эътибор берилганда олиб келинади.

Мутахассис бухгалтер терговчига иқтисодий иборалардан фойдаланишга ёрдам бериши лозим ҳамда хужжатларнинг сифатли-сифатсизлигига хулоса беради.

Мутахассис маслахат беришда хўжаликда бўлаётган операцияларни бухгалтерия ишларини ташкил этилишини аниқ равон қилиб маслахат бериши лозим. Терговчига инвентаризация ўтказиш тартибини, ўзаро қоплаш тартиби, молни кредитга сотиш тартиби, табиий камайишини қандай ҳисобланиш тартибларини кўрсатиши лозим.

Суд экспертизаси амалиётида суд-бухгалтерия экспертизаси ниҳоятда кенг тарқалган турларидан бўлиб ҳисобланади, уни ўтказиш даврида суриштирув, тергов ёки суд тергови давомида бухгалтерия соҳасида маҳсус билимлар қўлланишини талаб этилган ҳолларда пайдо бўлади. Эксперт-бухгалтер ўз олдига қўйилган масалалар бўйича маълум фикр чиқариш учун зарур бўлган материалларни тўплаш хукуқига эга эмас. У фақатгина ихтиёрига берилган материалларни ойдинлаштиришга ҳаракат қиласи. Эксперт қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги фикрни экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинган вақтда ҳам, шунингдек уни ўтказиш давомида ҳам билдириши мумкин, бу оғзаки баённомага киритилади ёки ёзма равищда билдирилиши мумкин. Эксперт айнан қандай қўшимча материаллар ва тафтиш ўтказишида унга қандай материаллар кераклигини кўрсатиши зарур.

Эксперт материалларни йиғиб хулоса бериш имконияти бўлмаган вақтда экспертиза тайинлаган органларга хабар беради. Агар қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги тавсиянома муносабати билан тергов, суд ҳаракатлари ўтказилиши зарур бўлса, эксперт уларда иштироқ этиш учун чақарилиши мумкин.

Жиноий ишлар кодексида бухгалтерия экспертизасининг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш фақатгина бухгалтерия фанини билимларига асосланади. Эксперт ўз хулосасида бухгалтерия ҳисоби билимидан ташқари бошқа соҳа мутахассисларининг фикри ва хулосаларидан фойдаланиш хукуқига эга. Бухгалтер экспертизинг ваколати, унинг олдига қўйилган масалалар, хужжатлар, саволлар билан чегараланган, ўз хулосасида фақат шу хужжатларга асосланиши лозим. Эксперт бухгалтерлик ишига таклиф килинган шахс маълум талабларга жавоб бериши лозим..

Эксперт-бухгалтер эксперт ишларидан бош тортса ёки ўзини олиб қочганлиги учун терговчи ва судни таклифига келмаса, қалбаки ёлғон хулосалар бергани учун дастлабки тергов материалларини терговчининг рухсатисиз ошкор этса жиноий жавогарликка тортилади.

Терговчи экспертиза ўтказиши зарур деб топса, бу ҳолда қарор ёзади. қарорда экспертиза ўтказиш қандай ҳолларда зарур бўлиб қолганлиги, экспертиза ўтказиш топширилаётган экспертизинг ёки муассасанинг номи курсатилади. Эксперт ўз фикрини бериши лозим бўлган саволлар ва экспертга тақдим этилган материалларнинг рўйхати калинади. Экспертиза ўтказиш экспертиза билан шуғулланувчи тегишли муассасага топширилгандан кейин терговчи шу муассасага ўзининг қарорини ва экспертиза ўтказиш учун зуур материалларни юборади.

Терговчининг экспертиза чоғида ҳозир бўлишига ҳақи бор, лекин шу чиқарилган қонун қоидага асосланган ҳолда фармонларга мувофиқ ўтказилиши лозим. Экспертиза ўтказиш учун ажратилган эксперталар ўз фикрини беради ва шу берган фикрлари учун шахсан жавобгар бўладилар. Тегишли экспертиза ўтказувчи муассасининг раҳбари экспертиза ўтказишни топширганда ҳар бир иш бўйича эксперт билан, яъни нотугри ёлғон фикрлар бергани учун жавобгарликка тортилиши туғрисида тилхат олишга мажбур ва бу тилхат берилган фикр билан бирга терговчига юборилади.

Терговчи экспертиза ўтказиш хақида қарор чиқаргандан кейин шу экспертизани ўттказиш топширилган шахсни ўз хузурига чақиради ва экспертнинг ўзи эканлигига ишонч ҳосил қиласди, унинг айбланувчи билан ҳамда жабрланувчига бўлган муносабатини белгилаб олади.

Терговчи экспертга экспертиза тайёрлаш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини беради ва унинг ўз ихтиёрига берилган материалларига ҳамда ўзининг берган фикрларини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорида қайд қилинади. Дастлабки терговда эксперт зарур текширишларни ўтказгандан кейин ўз фикрини ёзади. Экспертнинг бу фикрида экспертизани қаерда қачон ва ким ўтказганлиги, қандай нарса экспертиза предмети бўлганлиги, экспертиза қандай усуслар билан ўтказилганлиги ва қандай материаллардан фойдаланганлиги, экспертиза ўтказиш чоғида кимлар қатнашганлиги кўрсатиши лозим. Бундан ташқари эксперт ўз олдига қўйилган саволларга берган жавобларини ва қандай асосларга кўра шу хulosаларга келганлиги баён қилинади. Экспертизанинг ёзиб берган фикри билан танишиб чиқгач, терговчи шу эксперт берган фикрини аниқлаб олиши ёки унга қўшимча киритиш мақсадида уни сўроқ қилишга ҳақлидир. Эксперт бу саволлар учун ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равища бериши мумкин. Экспертнинг фикри айбланувчига тақдим этилганлиги тўғрисида терговчи баённома тузади, бу баённомада айбланувчининг изоҳлари, эътиrozлари ва илтимослари баён қилинади, эътиrozлар билдирилгандан сунг, шунингдек экспертга қўшимча саволлар беришни ёки такрор экспертиза тўплашни терговчидан илтимос қилиши мумкин. Айбланувчининг эътиrozлари ва қайта экспертиза тайинлаш илтимослари бўлмаган ҳолда терговчининг хужжатлари ва суд-бухгалтерия экспертининг хulosалари судга юборилади.

Судда эса дастлабки тергов суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилганлиги, терговчининг берган саволлари ва материаллардан фойдаланилганлиги ва суд-бухгалтерия экспертизаси экспертининг хulosаси тўлиқлиги кўриб чиқилади. Шу мақсадда қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

- экспертиза ўтказиш ёки тайинлаш ҳақидаги прокурорнинг қарори;
- терговчи томонидан берилган саволлар бўйича хulosанинг тўлиқлиги;

- айбланувчига ушбу қарорни тақдим этилганлиги, айбланувчининг эътиroz билдирганим йўқми, эътиroz билдирган бўлса, уни талаби қондирилганлига ёки йўқлиги;
- терговчига эксперт томонидан тақдим этишга материаллар учун ёзма ариза берилганми йўқми, agar берилган бўлса, терговчи томонидан ушбу ариза қониқтирилганми;
- эксперт томонидан суд-бухгалтерия хулосасини ёзишга қийналаётганлиги ҳақадаги ҳабарномаси.

Агар айбланувчи томонидан суд-бухгалтер экспертига тақдим этилган тушунтиришлар ва қўшимча материаллар берилган бўлса, бу ҳолда;

- баённома ва хулосаларда ўз аксини топганлиги ва айбланувчи бу хулосалар билан танишганлиги ёки танишмаганлиги;
- эксперт хамма саволлар тўлиқ жавоб излагангигини хулосада акс эттирилиши;
- агар баъзи бир саволлар ёритилмаган бўлса, нима сабабдан ёритилмаганлиги;
- эксперт мутахассис хулосаси билан айбланувчи савол жавоб килинганлиги.

Ушбу материаллар, суд-бухгалтерия экспертининг хулосаси билан танишиб, суд - бухгалтерия экспертизаси ходимлари томонидан тузилган хулоса, суд томонидан тўғри деб хисобланади.

Суд қарорига биноан суд-бухгалтерия экспертлари суд залларига фактгина зарур ҳоллардан чақирилишлари лозим. Лекин амалиётда, эксперт-бухгалтер қоидага биноан суд залларига таклиф қилинадилар.

Таклиф қилинишдан мақсад суд-экспертизаси тайинлаш ва ўтказиш бўйича қонунга тўғри келадими йўқми, хулосада ҳамма саволлар ойдинлашганми ва тўлиқилиги тўғрисида суд экспертиза ўтказган экспертни таклиф қиласи.

Эксперт судга, дастлабки терговда катнашиб хулоса бергани учун чақирилади. Эксперт бухгалтер ҳам айбланувчига саволлар бериш хукуқига эга, хулоса бериш учун ва шу билан бир қаторда суд, айбланувчи, айловчи, ҳимояловчилар ёзма равишда мутахассис экспертчига мурожаат қилишлари мумкин.

Суд жараёнида хужжатлар, тикилган янги ҳужжатлар ва суд қатнашчилари томонидан қилинган таклифлар эксперт бухгалтерга ўрганиб чиқиш учун тақдим этилади. Агар қилинган таклифлар ва берилган материаллар бўйича қўшимча изланишлар керак бўлиб қолса, бу ҳолда суд вақтинча танаффус эълон қиласи ҳар бир қўйилган саволлар бўйича эксперт бухгалтер ўз хулосасида, қисқа, яхлит ва хужжатларга асосланган ҳолда суд ҳайъатига жавоб бериш керак Агар бир неча экспертчилар томонидан хулосалар берилган бўлса, у ҳолда ҳамма бухгалтерлар билан келишилган ҳолда хулоса берилиб ҳамма мутахассислар томонидан имзоланади. Агар ҳар бир экспертчи ўз

хулосаси билан келиша олмаса, у ҳолда ҳар бири ўз фикри бўйича хулоса беришга хақлидир.

Ҳар бир экспертчи мутахассис томонидан берилган хулосалар суд ҳайъатига танишиш учун берилади ва яна суд ҳайъати мутахассис бухгалтерларга саволлар беришини давом эттиради.

Мутахассис бухгалтер томонидан берилган оғзаки жавоблари суд мажлиси баённомасида ёзib борилади.

Экспертчи бухгалтерлар суд залларидан фақат суд раисининг руҳсати билан чиқиб кетишлари мумкин.

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Суд бухгалтерия экспертизасини ташкилий шакллари қандай?
2. Суд бухгалтерия экспертизаси бюроси ва унинг ишлари қандай ташкил этилади?
3. Бухгалтер-экспертнинг бурч ва хуқуқларини санаб беринг.
4. Бухгалтер-экспертнинг вазифалари қандай ташкил этилади?

### Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

**Бухгалтер-эксперт** - жиноий иш жараёни субъекти хисобланиб, жиноий иш ахамиятига эга булган масалалар бўйича хулоса бериш учун жалб килинади.

**Мутахассис бухгалтер-экспертчи** тергов ва суд ишларига таклиф қилинган бўлиб, консультация бериш учун чақириладиган шахс;

**«Хўжалик хисоби»** - бу иқтисодиётнинг турли бўғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларни натижаларини соний ва сифат жиҳатдан характерловчи ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гурӯхлаш ва узатиш тизимиdir.

**Оператив-техник хисоб** - бу хўжалик бўлимлари томонидан у ёки бу мақсадда юритиладиган тезкор ҳисоб.

**Статистика ҳисоби** - бу жамиятда юз берган ва бераётган ёппа ҳодиса ва **жараёнларни** соний акс эттирадиган ва сифат жиҳатдан изоҳлайдиган ҳисоб тизими.

### Мавзу бўйича тест саволлари

1. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари “Ҳаракатлар стратегияси”нинг қайси бўлимида акс эттирилган?

- А) Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.
- Б) Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари.
- В) Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасидаги устувор йўналишлар.
- Г) Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.

**2. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Конун неча моддадан иборат?**

- А) 30
- Б) 33
- В) 31
- Г) 32

**3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома қачон қабул қилинган?**

- А) 2011 йил 2-мартда.
- Б) 2009 йил 2-мартда.
- В) 2010 йил 12-мартда.
- Г) 2013 йил 22-мартда.

**4. Экспертиза қатнашчиларининг экспертизага келмаслиги уни тўхтатиб туришга асос бўла оладими?**

- А) Ха...
- Б) Сабабидан қатъи назар, уларнинг йўқлиги суд экспертизасини ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.
- В) Баъзи ҳолларда;
- Г) Суд раиси рухсати билан экспертиза давом эттирилиши мумкин.

**Маъруза режаси:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидағи Суд-бухгалтерия илмий текшириш институти ва лабараториясининг ҳамда бошқа Республика, вилоятлар суд-бухгалтерия экспертизаси тизимидағи институтларнинг вазифалари.

2. Бухгалтер-экспертнинг бурчи, хуқуқи ва мажбуриятлари.

**1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидағи Суд-бухгалтерия илмий текшириш институти ва лабараториясининг ҳамда бошқа Республика, вилоятлар суд-бухгалтерия экспертизаси тизимидағи институтларнинг вазифалари.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертиза тизимининг барча муассасаларида ўтказилган суд-экспертизасининг ҳажми ва турларини, шунингдек илмий-методик жиҳатдан қўшимча бўйсундирилишини ҳисобга олган ҳолда *уч турга* бўлинади:

1. Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлигининг суд-бухгалтерлик илмий текшириш института тизимидағи бош институт сифатида такрорий бухгалтерлик экспертизаларини ўгказади;

2. Республика суд-бухгалтерия экспертизалари;

3. Вилоят суд-бухгалтери экспертизаларининг филиал (бўлинма)лари.

Уларда барча турдаги суд-бухгалтерлик экспертизалари ўтказилади.

Хозирда қатор вазирликлар ва бошқармалар қошида ташкил қилинган эксперт муассасалари турли хил экспертиза ўтказиш мақсадида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Криминалистика экспертизасини ўтказиш учун қўйидаги қриминалистик муассасалари тузилган:

-адлия вазирлиги қошидаги суд-экспертизалари илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялари;

-жумхурият ички ишлар вазирлиги бўлинмаларидағи оператив-техник бўлимлар;

-ҳарбий округдаги суд тиббий муассасаларидағи ҳарбий суд лабораториялар.

Ушбу муассасалар нафақат криминалистик экспертиза турларини бажариши балки экспертиза тайинлаш хуқуқига эга бўлган таалукли органларнинг топширитага кўра, кўпроқ экспертиза ўтказишлари ҳам бир-биридан фарқ қиласи.

Адлия вазирлиги тизимидағи суд экспертизаси муассасаларида суд-бухгалтерлик ва суд-автотехник экспертизалар ўтказилиши тайинланган.

Хозирда эксперт бўлмаган муассасаларда ўтказилган эксперт текширишлар сони ошиб бораяпти. Суд ва тергов ходимлари тармоқларидағи ва академик илмий тадқиқот институтларига, саноат конструкторлик бюроларига ҳамда маҳсуслаштирилган лабораторияларга тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Экспертиза муассасалари фаолияти мақсадли ва белгиланган режага асосланади.

Турли вазирликлар ва идоралардаги экспертиза муассасалари ташкилий методик жиҳатдан муайян тизимни тузади. Улар устидан умумий раҳбарлик қилиш учун вазирликларда бўлимлар ташкил қилинган:

1. Адлия вазирлигига суд-экспертизалари муассасалари;
2. Соғлиқни сақлаш вазирлигига суд тиббий бош эксперти ва бошқалар.

Суд-экспертизалари муассасалари иш фаолияти суд тергов амалиётидаги талаблар ва эҳтиёжлар билан белгиланади. Суд-экспертизаси илмий текшириш институти ва лабораторияларига қўйидаги асосии вазифаларни бажариш юқлатилган:

1. Тергов ва суд органлари топширифи билан жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича суд-экспертизалари ўтказиш;
2. Экспертизанинг назарий асослари ва янада мукаммал усулларини ишлаб чиқиши мақсадида илмий тадқиқот ишларини юритиш;
3. Экспертиза материаллари ва маҳсус билимлар асосида қонун бузилишларини огоҳлантириш бўйича ташкилий ҳамда илмий-техникавий таклифларни тузиш;
4. Тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишда терговчи ва судга илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш;
5. Прокурор текширув сабабли экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масалалари бўйича ёзма, оғзаки маслаҳатлар бериш.

Эксперт-бухгалтернинг вазифаси суд-бухгалтерия экспертизаси предмети билан бевосита алоқадордир. Ўзбекистон жиноят-процессуал кодексининг 65-моддасига мувофиқ маҳсус билимлар эксперт-бухгалтерлар олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қиласи, унинг бухгалтерия ҳисобидаги билимларини белгилайди. Эксперт ўз хulosаларига асосланиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги фанга боғлик бўлган илмий қоидаларни четлаб ўтишга ҳақли эмасдир.

Эксперт-бухгалтернинг вазифаси унинг хulosса ясаётган материали ҳажмига ҳам боғлик.

Эксперт ўз хulosаларида терговчи томонидан ишга киритилмаган хужжатларга асосланмаслиги керак.

Агар эксперт ўз олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган тақдим хужжатларининг барчасини ҳисобга олмаса, хulosалар ҳам юзаки бўлиб қолади

Эксперт жиноят таркибининг салбий томонларини аниқлаш масалалари бўйича, яъни умуман жиноий-хуқуқи масалалар бўйича хulosалар беришга ҳам ҳакли эмас. Шу билан бирга эксперт илмий-техникавий мазмунли хукуқ

нормаларини қўллаши мумкин. Бу билан у ҳаракатнинг салбий томонларига баҳо беришга берилиб кетмасдан,. субъектнинг ҳукуқи техник нормаларига мувофиқ ёки номувофиқ томонларини аниклади.

Иқтисодий жиноят билан бошқа ишни кўриб чиқишида эксперт бухгалтернинг маҳсус билимларидан аниқ фойдаланиш унинг рухсати билан масаланинг моҳиятига қараб аниқданади. Унинг тўғри қўйилиши бухгалтер-экспертнинг предмети ва вазифаси ҳамда экспертнинг вазифасига боғлиқ. Ўз навбатида эксперт-бухгалтернинг иши натижаси кўпинча қўйилган масаланинг моҳиятига қараб белгиланади. Шу боис уни муфассал кўриб чиқиш зарурдир.

## **2. Бухгалтер-экспертнинг бурчи, ҳукуқи ва мажбуриятлари**

Суд-бухгалтерия эксперти жиноий иш жараён субъекти хисобланиб, жиноий иш аҳамиятига эга бўлган масалалар бўйича хulosса бериш учун жалб қилинади.

Бунда эксперт фақат унга топширилган экспертиза предметига тааллуқли бўлган ва хulosса бериш учун аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича иш вазиятларини тадқиқ этишида ўз ваколатлари доирасида қатнашади. Суд ва суд жараёнида қатнашаётган томонлар экспертга фақат унга топширилган экспертиза ва у берган хulosса юзасидан мурожаат қилишлари мумкин.

Жиноий ишлар кодекси экспертга қўйиладиган қўйидага бурчларни белгилайди:

- у терговчини чақириғига биноан келиши ва раҳбарнинг рухсати олинган ҳолда ишга объектив ёндашган бўлиши керақ;
- Эксперт мутахассис берилган материалларни етарлича эмаслигини тезликда хабар бериши, берилган саволлардан четга чиқмаслиги лозим;
- бухгалтер-эксперт штатда турса-турмаса экспертизани фақат раҳбарнинг буйруғига асосан бошлайди. Эксперт бухгалтер ўз ваколати, хоҳиши билан ўзини четга олиши мумкин.
- бухгалтер-эксперт, экспертиза ўтказиш предметига тегишли материаллар билан танишиб чиқиши лозим;
- ариза билан унга хulosса учун қўшимча. материал талаб қилиш ҳукуқига эга;
- терговчининг рухсати билан терговда иштирок этиши;
- эксперт-бухгалтер бошқа мутахассислар билан фикр алмашиши, биргалиқда хulosса ёзиш ёки турли фикрлаш ҳукуқига эга;
- бухгалтер-экспертчи прокуроррга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Жиноий процессуал қонунчиликда эксперт жиноий ишни қўришда қатнаша олмайдиган талабларни белгилайди. Жумладан, қўйидаги ҳолларда ишни қўриб чиқишида қатнаша олмайди:

-агар эксперт жабрланган, фуқаро жавобгари, гувоҳ бўлса, шунингдек у ушбу ишда таржимон, терговчи, қораловчи, химояловчи, айбланувчининг қонуний вакили, жабрланувчининг вакили фуқаро давогари ёки фуқаро жавобгари сифатида қатнашган бўлса;

-агар эксперт жабрланувчининг, фуқаро давогар, фуқаро жавобгари ёки уларнинг вакилларининг қариндоши бўлса, қораловчи, химоячи, терговчининг қариндоши бўлса;

-агар эксперт хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан қораланувчи, жабрланувчи, фуқаро даволари ёки фуқаро жавобгари қарам бўлган бўлса;

-агар эксперт ушбу ишдан тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан манфаатдор деб ҳисоблаш учун асослаб берадиган бошқа вазиятлар бўлса;

-агар ушбу иш бўйича тафтиш (солиқ қонунчилигига амал қилишни хужжатли текшириш) ўтказган бўлса ва бу тафтиш материаллар жиноий иш кузгатиш учун асос бўлиб хизмат қилган бўлса;

-агар эксперт ишда мутахассис сифатида қатнашган бўлса;

-экспертнинг ўз вазифасини билмаслиги аниқланса.

Юқорида санаб ўтилган асослар мавжуд бўлганида эксперт айбланувчи, ҳимоячи, қораловчи, суд (судья), шунингдек жабрланувчи унинг вакили фуқаро даъволари, фуқаро жавобгари ёки уларнинг вакиллари томонидан ишдан четлаштириш мумкин.

Экспертнинг ишда бундан олдин эксперт сифатида қатнашиши мумкинлиги уни четлантириш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Суд эксперти қўйидаги хуқуқларга эга:

-экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни кўчириб олиш ёки нусха олиш;

-экспертизани тайинланган орган ёки шахсга экспертиза ўтказишга рухсат бериш масалаларини қўйиш юзасидан таклифлар бериш;

-хулоса бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва объектларнинг тақдим этилишини талаб қилиш;

-экспертизани тайинланган орган ёки шахснинг рухсати билан тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишда қатнашиш, агар бу экспертиза предметига таалуқли маълумотларни аниқлаш учун зарур бўлса;

-судда кўриб чиқиши жараёнида иш вазиятларини ўрганишда қатнашиш;

-комиссия ёки комплекс экспертизасини тайинлашни сўраш;

-тергов ҳаракатлари ёки суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим бўлган суд жараёни иштирокчилари томонидан унинг хулосасини нотуғри талқин этишга оид баёнотлар бериш;

қўйидаги ҳолларда экспертизани амалга оширишдан бош тортиш:

а) экспертизани тайинлашнинг процессуал тартиби бузилганда ва бу экспертиза ўтказишни кийинлаштирилганда ёки экспертиза ўтказишда имкон қолдирмаганда;

б) қўйилган масалалар эксперт ваколатлари (махсус аниқлашлар) доирасидан чиқиб кетганида.

Ваколатлар доирасидан чиқиб кетиши деганда қўйидагилар тушунилади:

-бошқа билимлар соҳасига ўтиб кетиши;

-хуқуқ соҳасига ўтиб кетиши, махсус тадқиқларни иш бўйича тўпланган далилларни таништириш ва баҳолаш билан алмаштириш;

в) хulosа бериш учун зарур бўлган тадқиқ обьектларида иш материаллари етарли бўлмаганда ва уларга қўшимча равишда обьектлар ва хужжатлар тақдим этишдан бош тортилганда;

г) тадқиқотни ўтказиш ва хulosа бериш учун зарур бўлган шартшароитлар, методик восита ва асбоб-ускуналар бўлганида.

Суд экспертининг қўйидагиларга ҳаққи йук;

-экспертизани ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича унинг иш якунидан номанфаатдорлигини шубҳа остига қуядиган иш -жараёни иштирокчилари билан шахсий мулоқотларга киришиш;

-экспертизани ўтказиш учун материалларни мустақил тўплаш;

-экспертизани тайинланган орган ёки шахснинг рухсатисиз (ёзма равишда) экспертиза обьектларини йўқ ва қилиш ёки уларни хусусиятларини ўзгартириш (хужжат ва предметларга ёзувларни амалга ошириш, хужжатларни қирқиши, ҳисоб регистрларига ўзгартиришлар киритиш ва ҳоказо).

Суд экспертининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

-узининг суд - эксперти сифатида четлаштирилиш учун қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганида зудлик билан бу ҳақда экспертизани тайинлаган органга ёки шахсга ёки бўлмаса суд - экспертиза муассаса раҳбарига хабар қилиши шарт;

-четлаштирилиш учун асослар мавжуд бўлмаганида ёки бу ҳақдаги сўров қондирилмаганда унта тоширилган экспертизани бажаришга қабул қилиш;

-унга тақдим этилган иш обьектлари ва материалларини тўлиқ тадқиқ этиши ва ўз олдига қўйилган масалалар бўйича асосли ва холис хulosа бериш;

-танитишни амалга оширадиган шахс, терговчи, прокурор ва суд чақирганда келиш ва унинг олдига қўйилган масалалар бўйича холис хulosа бериш;

-дастлабки терговда ва судда ўтказилган экспертизани берилган хulosа билан боғлиқ масалалар бўйича курсатмалар бериш;

-экспертизани ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлганда бу ҳақда экспертизани тайинланган органга ёки шахсга маълум қилиш;

-иш ва вазиятлари туғрисида маълумотларни ёки экспертизани ўтказиш муносабати билан унга маълум бўлган бошқа маълумотларни ошкор этмаслиқ ўтказилган экспертиза натижаларини экспертизани тайинлаган органлар шахсдан бошқа хеч кимга маълум қилмаслик;

-такдим этилган иш объектлари ва материалларни сақланишини таъминлаш.

Шуни тақидлаш лозимки, эксперт ва мутахассиснинг хукуқ ҳамда мажбуриятларини фарқлаш лозим. Эксперт тўпланиб бўлинган далиллар билан ишлайди, уларни ўрганиш ва маҳсус кўрсатмалар ёрдамида уларни тушунтириш натижасида янги факт ва маълумотларни (олдин терговчига маълум булмаган) олади.

Мутахассис терговчига далил исботларини аниклашда, биритиришда ва олиб кўйишда ёрдам беради. *Тергов ҳаракатларини амалга оширишида қатнашган мутахассис ишида эксперт сифатида иштирок эта олмайди.*

Эксперт хulosаси қонунчиликка мувофиқ далилларнинг турларидан бири ҳисобланиб, амалга оширилган тадқиқотлар асосида берилади.

Эксперт олдига мутахассис ваколатлари доирасига кирадиган масалалар қўйилиши мумкин. Мутахассис олдига эксперт доирасига кирадиган масалаларни қўйишга йул қўйилмайди. Мутахассиснинг фикри эксперт хulosасига тенглаша олмайди.

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Суд бухгалтерия экспертизасини ташкилий шакллари қандай?
2. Суд бухгалтерия экспертизаси бюроси ва унинг ишлари қандай ташкил этилади?
3. Бухгалтер-экспертнинг бурч ва хуқуқларини санаб беринг.
4. Бухгалтер-экспертнинг вазифалари кандай ташкил этилади?

## Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

**Криминалистик экспертизага:** излар юзасидан ўтказиладиган текшириш, ўқ отиш қуроллари, яъни суд-баллистика текширишлари, суд-медицина, суд-психиатрия, суд-биология, суд-бухгалтерия, автотехника, ёнгин техникаси экспертизалари, суд-товаршунослик суд-агротехника, суд-ветеринария хужжатларини текшириш ва бошқа турдаги экспертизалар киради.

**Криминалистик экспертиза** - Адлия вазирлиги қошидаги маҳсус суд экспертизалари илмий-текшириш институтида ёки лабораторияларида, ички ишлар вазирлигининг илмий-техника бўлинмаларида, Вазирликлар кенгаши қошидаги Давлат хавфсизлиги қўмитасининг экспертиза муассасаларида, вилоят ички ишлар бошқариш қошидаги криминалистик экспертиза бўлинмаларида

ўтказилади.

**Тергов ва суддаги бухгалтерия экспертизаси** - ишдаги материалларнинг мутахассис бухгалтер томонидан текширилиши ва унинг маҳсус билимлари сўроқда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган хўжалик ҳаёти ҳодисаларига таалукли бўлган ҳамда суд терговчи қўйган саволларга жавоб-хулоса бериш ҳисобланади.

### **Мавзу бўйича тест саволлари**

**1. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш масалалари “Ҳаракатлар стратегияси”нинг қайси бўлимида акс эттирилган?**

- А) 2 –бўлимда.      Б) 4- бўлимда.      В) 3- бўлимда.      Г) 5- бўлимда.

**2. Кўшимча суд экспертизаси қачон тайиланди?**

- А) Экспертизани ўтказиш муддати узайтирилганда.  
Б) Айбланувчи суд ажримидан норози бўлганда.  
В) Айбловчи суд ажримидан норози бўлганда.  
Г) Кўшимча суд-экспертизаси суд жараёнида аниқланган хulosадаги бўшлиқларни тўлдириш талаб қилинганда.

**3. Кайси ҳолатларда иккиласми суд бухгалтерия экспертизаси ўтказиш мумкин?**

- А) Экспертиза ўтказиш муддати икки соат кечикканда.  
Б) Экспертиза ўтказиш муддати икки соат олдин тугаганда.  
В) Экспертиза хulosаси кечикиб топширилганда.  
Г) Экспертиза ўтказиш тартиб-қоидалари бузилганда ёки биринчи экспертиза материалларига қарама-қарши материаллар тақдим этилганда.

**4. “Маҳсус бухгалтер” ким ва қандай суд-бухгалтерия экспертизасига жалб этилади?**

- А) Маҳсус бухгалтер экспертчи тергов ва суд ишларига таклиф қилинган бўлиб, консультация бериш учун чақирилади  
Б) Маҳсус бухгалтер терговчига ёрдам беради.  
В) Маҳсус бухгалтер айборрга ёрдам беради.  
Г) Маҳсус бухгалтер экспертизасини ўтказиш жараёнида суд райисига ёрдам кўрсатади.

**5. Текшириш ҳажмига қараб экспертиза...**

- А) Асосий ва қўшимча экспертизаларга бўлинади;  
Б) Бош ва иккинчи даражали экспертизаларга бўлинади.  
В) Дастребаки ва сўнгги экспертизаларга бўлинади.  
Г) Тўлиқ ва чала экспертизаларга бўлинади.

**Маъруза режаси:**

1. Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш тартиби.
- 2."Жиноят процессуал" ва "Фуқаролик процессуал" кодекслари ҳақида тушунча.
3. Судларда иш кўриб чиқишида қўшимча ва иккиламчи суд-бухгалтерия экспертизалари ўтказиш тартиби.

**1. Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш тартиби**

Бухгалтерия экспертизасини тайинлаш асоси терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланади. Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш учун зарур бўлган қатор ҳолатлар қўйидагилардан иборат:

- тафтиш ва тергов материаллари мос келмагандан;
- айбланувчи тақдим этган хужжатлар тафтишчи томонидан қабул қилинмаган ҳолларда;
- маълум масалаларни хал этиш бухгалтерия ҳисобидаги махсус билимлар талаб қилиниши тўғрисида айбланувчининг асосланган тафтишномаси мавжуд бўлганда;
- дастлабки ва тақрорий тафтишлар хulosаларида зиддиятлар мавжудлиги;
- алоҳида масалаларни бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассис ҳал қилиши тўғрисида бошқа мутахассисдаги экспертнинг хulosаси мавжудлиги, тафтишчи томонидан моддий зарарни аниклашда қўлланган методларни нотуғрилиги аникланганда:
- сустеъмол ва товар моддий бойликларни топишда тафтишчи томонидан қўлланган услуг ва методларни тўғрилиги ва тўла эканлигига ҳамда тафтиш хulosасига терговчининг гумони тўғрисида;
- кўрсатмалар ёки терговнинг бошқа материаллари билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларига тўғри келишини текшириш зарурияти тўғилганда;
- моддий жавобгар шахс келтирган зарарнинг миқдори ва даврини ташкилот бухгалтерияси тўғри аникланганлигини текшириш зарурияти;
- моддий жавобгар бўлган шахсларни аниқлаш зарурияти;
- камомадларни яшириш имкониятлари бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва назоратдаги камчиликлар, мавжуд қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида бўлганда уларни аниқлаш;
- хужжатли тафтиш тартиби тўғри ўтказилиб ва тафтишчининг нотуғри харакатлари тафтишчининг тафтиш қилинаётган корхона ходимлари билан

ишга тааллукли бўлмаган алоқалари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган холда.

Суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланишига умумий асос суд, терговчи томонидан қабул қилинган материалларни текшириш натижаси бўлади.

Хўжалик ҳисоби амалиёти ва назариясига доир бухгалтериянинг маҳсус билимларини қўллашни талаб қилиши аникланганда бўлади. Юқорида келтирилган вазиятлар бухгалтерия экспертизасини тайинлаш учун асос бўлиши мумкин.

Терговчи ёки суд ишидаги аниқ бир вазият оқибатида келиб чиқадиган саволларни ўрганиб, уларни характерига қараб, бу саволни ҳал қилиш учун экспертиза ўтказилиш кераклиги ёки керак эмаслигини ҳал килади.

## **2. ”Жиноят процессуал” ва “Фуқаролик процессуал” кодекслари ҳақида тушунча.**

Ўзбекистон Республикаси худудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади.

Жиноят ишларини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

Жиноят-процессуал қонун хужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбордорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексида белгилаб қўйилганидек ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун хужжатларидан иборатdir.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун хужжатлари буйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.

Ўзбекистон жиноят-процессуал қонуни асосида тергов ва суд муҳкамаси даврида жиноий иш юзасидан аниқланиши лозим бўлган қўйидаги ҳолларда суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланади:

- иш ҳолати билан тафтишни маълумотлари ўртасида қарама-каршилик мавжуд бўлса;

- бошлангич ва тақоорий тафтишни далолатномалари ўртасида қарама-каршилик келиб чиқса;

-текшириш жараёнида тафтишчилар томонидан нотўғри метод қўлланилгани ҳақида ёки уларнинг якунларининг нотўғрилиги ҳақида объектив маълумотлар мавжуд бўлса;

- мансабдор шахснинг тафтиш якунидан норозилиги етарли даражада асосланган бўлса;

- ҳисоб ва ҳисобот ишлари билан боғлиқ бошқа жанжалли масалалар келиб чиқса.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан бирор ахборот, яъни гувоҳларнинг кўрсатуви ёки бошқа маълумотлар бўлса ҳам экспертиза тайинлаб эксперт фикрини олиш зарур.

Бошқа ҳолларда экспертиза жиноий иш юзасидан олиб борилаётган тергов даврида ёки суд муҳокамасида маҳсус билим талаб қилиниб қолгандагина тайинланиши мумкин.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишнинг асоси жиноий ишларни аниқ вазиятлари билан белгиланади.

Кабул қилинган жиноий ишларда келиб чиқсан саволларга терговчи бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги маҳсус билимлардан фойдаланилмасдан туриб жавоб олинмаса, суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланади.

Терговчи бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги маълум назарий билимларга ва амалий тажрибага эга бўлиб, бундан терговчининг фаолиятларида фойдаланади. Масалан, терговчи жиноий ишга қўшимча бухгалтерия хужжатлари, регистрларини ўрганиш жараёнида янги фактларни аникдайди. Лекин мазкур жиноий ишни чуқурроқ ўрганиб, қўйилган саволга аниқ жавоб беришда терговчи эксперт-бухгалтер ўрнини боса олмайди.

Агар қўрилаётган иш материалларидан мураккаб бўлмаган ҳисоб-китоблар, яъни моддий заарни корхона кассири келтирган камомад суммасини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда бухгалтерия.экспертизаси тайинланмайди.

Бундай ҳисоб-китобларни терговчи ёки унинг топшириғи билан мазкур ташкилот тафтишчиси ёки бухгалтерия бажаради.

Бухгалтерия экспертизаси тафтиш материаллари ҳамда ташкилотлар томонидан терговчига тақдим этилган хужжатлар ва ҳисобдаги ёзувлар бўйича ҳам тайинланиши мумкин.

Баъзан эксперт-бухгалтер олдига бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тафтишчилар томонидан текшириш методлари, Қанчалик тўғрилиги, шунингдек топшириқни бажаришда тафтишчи барча имкониятлардан фойдаланганлиги тўғрисида саволлар қўйилади.

Бундай саволлар бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси тафтиш материалларини терговчи томонидан атрофлича ўргангандан кейин тайинланади. Агар айбланувчи тафтиш жараёнида нотўғри услулар қулланилганлиги тўғрисида ахборот бериб мурожаат қиласа, терговчи бундай баённи қанчалик асосли эканлигини текшириши лозим.

Тафтишда йўл қўйилган хато ва умумий тартибга риоя қилмаслик ҳоллари бухгалтерия ҳисоби материалларини текширишда қўлланувчи тафтишнинг умумий методлари ва алоҳида услубларида содир бўлиши мумкин.

Мазкур ҳолларда тафтишчи хамма услублардан фойдаланганлиги, қўлланилган услубларнинг тўғри эканлигига эксперт хulosasiz ишонч ҳосил қилинмайди.

Жиноий иш судга келиб тушгандан сунг айбланувчини судга топшириш масаласи ҳал қилинади. Агар дастлабки терговда ушбу иш бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилган бўлса, унинг тайинланиш асоси, жиноий процессуал нормаларга бўлган талабларнинг риоя қилиниши, эксперт-бухгалтер хulosasi етарли эканлиги аниқланади. Бунинг учун қўйидаги масалалар текширилади:

- терговда экспертиза ёрдамида жиноий ишни тўғри тушуниш учун бухгалтерия ҳисоби соҳасида маҳсус билимлар зарурлиги;
- терговчи фармойишида экспертиза тайинланиш асоси кўрсатилганлиги;
- хулоса бериш учун эксперт-бухгалтерия саволлари тузилганлиги;
- экспертиза тайинланиши тўғрисидаги фармойиш айбланувчига тақдим этилганлиги;
- эксперт-бухгалтер қўшимча материаллар сўраб, мурожаат қиллганми, агар шундай муржаатнома бўлса, у қаноатлантирганми?
- эксперт-бухгалтернинг текширилган материаллар бўйича хулоса туза олмаслиги тўғрисида маълумотнома тузилмаганми?
- эксперт-бухгалтер хамма саволлар бўйича хулоса берганми, хулосада баъзи бир саволларга жавоб бўлмаса, унинг сабаблари кўрсатилганми?

Эксперт-бухгалтер ёрдамида ҳал қилинувчи масалалар мумкинлиги аниқланиб, лекин тергов жараёнида суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилмаган бўлса, ўтказиш учун иши қўшимча экспертизага тавсия қилинади ёки суд мажлисига эксперт-бухгалтер чақирилади.

Суд томонидан тайинланган бухгалтер судда масала кўрилишидан бир неча кун олдин чақирилиб олинади ва унга суднинг тавсияномаси суд иши ҳамда хулоса беришда зарур бўлган хамма материаллар тақдим этилади.

Суд мажлисига чақирилган эксперт-бухгалтер шахси текширилиб, уни ҳуқук ва вазифалари билан таништиради. \

Эксперт-бухгалтер экспертиза масалаларига тааллуқли бўлган иш тафсилотларини текширишда қатнашади.

Текшириш якунларида тайёрланган жавоб- хulosса суд мажлисига тақдим этилган ҳужжатлар ва ишнинг варақаларига илова қилинган ҳолда аниқ ва қисқа бўлиши керак

Бухгалтерия-экспертизаси тайинланганидан олдин терговчи жиноий ишдаги материалларни, айниқса, тафтиш ишларини чуқур ўрганиб, ундан кейин гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилиш масалаларини ҳал қиласди. Агар шу ташкилотда тафтиш ўтказилмаган бўлса, уни ўтказиш масаласи муҳокама қилиниши тавсия қўлинади. Баъзи ҳолларда эксперт хulosса бериши учун ҳамма зарур ҳужжатлар, қайси материаллар етишмаганлиги кўрсатиб терговчига мурожаат киласди.

Экспертиза ўтказиш зарур деб топилгандан сўнг терговчи қуйидаги бир қатор тайёргарлик ишларини бажаради:

- экспертиза текширишга тақдим этиладиган обьектларни тўплаш, танлаш, сақлаш ва жўнатиш учун талабга жавоб берадиган шароитда ишга(делога) жойлаши;

- экспертиза ўтказувчи муассасани ёки экспертни танлаши;

тайин этилаётган экспертизани процессуал жойлаштириш, расмийлаштириш, яъни экспертизани тайин қилиш ҳақида маҳсус қарор чиқариши ва қарор билан айборни ва жараённинг бошқа иштирокчиларини таништириш. Экспертизага юбориладиган обьект материални, далилий ашё ёки таққослаб кўрилувчи нусха, процессуал расмийлаштирилган бўлиши шарт. Шундагина эксперт хulosаси далилий кучга эга бўлиши мумкин.

Экспертиза материалларини тайёрлаш даврида тўпланган материалларни терговчининг ўзи тахминий равишда текшириб кўриши керак Экспертиза муассасаларини ёки экспертларни танлаш терговчининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Эксперт-бухгалтер ишининг хусусиятига кўра текширишда турли услублардан фойдаланади. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам ҳўжалик операцияларини текширади, яъни у ҳужжатларни ҳисоб регистрларидаги ёзувларни, айрим ҳолатларда эса ҳужжатли тафтишни далолатномаларини, ҳисботлар, айбланувчи ва гувоҳаарнинг кўрсатмалари ва бошқа соҳадаги экспертлар хulosасини тегишлича таҳилилдан ўтказади.

Эксперт-бухгалтер ишда бўлган мавжуд ҳужжатлар бўйича операцияларни ўрганади ва хulosса беради. Терговчи ва суд тақдим этган барча ҳужжатларни экспер-бухгалтер текширади.

Бухгалтерлик маълумотлари билан тасдиқланмаган айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланган хulosалар текшириш жараёнида эксперт-бухгалтер ҳуқук доирасини ошириб юборганлигидан далолат беради, чунки кўрсатмаларни баҳолаш тергов ва судга таалуқлидир.

Агар хужалик операцияларини хужжатли маълумотларда нотўғри акс эттирилса, айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини ҳисобга олиб эксперт бухгалтер баъзан шартли ёки альтернатив хulosаса тузади. Масалан, товар-моддий бойликлар ҳаракатини текширишда инвентаризация комиссияси аъзолари ва моддий

жавобгар шахс ўртасида инвентаризациянинг тўғри ўтказилганлиги тўғрисида низо келиб чиқса эксперт-бухгалтер текшириш натижаларига кўра шартли хulosаса ва бухгалтерия хужжатларига асосан қатъий хulosаса беради.

Эксперт-бухгалтер текширишда норасмий бухгалтерлик хужжатлари ва оператив ҳисоби ҳам учраб туради.

Бухгалтерлик ҳисобида қайд этилмаган ва мазкур корхонада расман белгиланмаган хужжатлар норасмий ҳисоб хужжатлари деб тушунилади. Буларга моддий жавобгар шахслар томонидан олинган тилхатлар, хомаки хужжатга, кўчирилмаган ёзувлар ва бошқалар мисол бўла олади. Бундай хужжатлар савдо ходимлари ташаббуси билан юритилиб операция, товар номлари моддий жавобгар шахслар номлари тўла кўрсатилмайди ва бухгалтерлик назоратидан четда қолади. Ҳисобни соддалаштириш мақсадида баъзан оператив ва бухгалтерлик ҳисобини қўшиш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолларда ҳам оператив бухгалтерлик ёзувлари бир ҳил далилий аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари, қатор ҳолатларда айрим моддий жавобгар шахсларнинг, оператив ёзувлари ва норасмий материаллари ҳам далилий аҳамиятга эгадир.

Юқорида айтилган материаллар асосида содир этилган сустеъмол, моддий заарни ўлчами, моддий заарага жавобгарлар ва уларнинг ҳар бирининг жавобгарлик даражаси аниқланиши мумкинлиги сабабли эксперт-бухгалтерига чуқур ўрганиш тавсия қилинади.

### **3. Судларда иш кўриб чиқиша қўшимча ва иккиласиҳи ўтказиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси процессуал кодексининг 143 -моддасига асосан терговда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш терговчи экспертиза ўтказишини зарур деб топса, бу ҳолда қарор ёзади. Қарорда экспертиза ўтказиш қандай ҳолатларга кўра зарур бўлиб қолганлигини экспертиза ўтказиш топширилаётган экспертнинг ёки муассасанинг номи кўрсатилади. Эксперт ўз фикрини бериш лозим бўлган саволлар ва экспертизагача тақдим этиладиган материалларнинг рўйхати баён қилинади.

Экспертиза ўтказиш экспертиза билан шуғулланувчи тегишли муассасага, тоширилганда терговчи шу муассасага ўзининг қарорини ва экспертиза ўтказиш учун зарур материалларни юборади. Терговчининг экспертиза чоғида ҳозир бўлишига ҳукуки бор, лекин шу чиқарилган қонун - қоидаларга мувофиқ ўтказилиши лозим.

Экспертиза муассасасида экспертиза ўтказилганда терговчининг қарорини олгач экспертиза ўтказиш муассасанинг бир нечта ходимлари билан ўтказилиши мумкин.

Эксперт ўтказилиши учун ажратилган эксперталар ўз фикрини билдиради ва берган фикри учун жавобгардир. Тегишли экспертиза ўтказувчи муассасанинг раҳбари экспертиза ўтказишни топширганда ҳар бир иш бўйича экспертиза нотугри ёки ёлғон берилган фикр учун жавобгарликка тортилиши ҳакида тилхат олади ва фикрлар билан терговчига тилхат юборади. Агар эксперт экспертиза ўтказаётганида иш учун аҳамияти бор бўлган лекин бу тўғрида унинг олдига масала қўйилмаган ҳолатларини мавжудлигини аниқласа уз фикрларини беришга ҳаклидир.

Терговчи экспертиза ўтказиш ҳакида қарор чиқаргандан кейин шу экспертизани ўтказиш топширилган шахсни олдига чақириб, унинг айбланувчи ва жавобгарланувчига нисбатан муносабатини белгилаб олади.

Экспертнинг ихтисоси ва ишга лаёқатлилиги ҳакида зарур маълумотларни аниқлаб олади.

Шу экспертиза Ўзбекистон Республикаси ЖПҚда кўзда тутилган хуқуқ ва бурчларни тушунтиради ҳамда унинг фикрини аниклайди. Терговчи экспертга экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор нусхасини беради ва уни ўз ихтиёрига берилган материалларга ҳамда ўзининг берган фикрини экспертиза тайёрланган қарорга тикиб қўяди. Шундан сунг эксперт ўз олдига қўйилган саволларга қўйилган жавобларни ва қандай асосларга кўра шу холосага келганлиги баён қилинади.

Эксперт ёзиб берган фикри билан танишиб чиқсан терговчи, шу эксперт берган фикри аниқлаб олишни ёки қўшимча киритилгани учун уни сўроқ қилишга ҳаклидир.

Эксперт бу саволларга ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда бериши мумкин. Айбланувчининг фикри экспертга тақдим этилганлиги тўғрисида терговчи баённома тузади, бу баённомада айбланувчининг изохлари, эътиrozлари ва илтимослари баён қилинади. Эътиrozлар билдирилгандан сўнг экспертга қўшимча саволлар беришни ёки тақрор экспертиза тайинлашни терговчидан илтимос қилиши мумкин.

Жиноий иш судга келиб тушгандан сўнг айбланувчини судга топшириш масаласи ҳал қилинади. Агар дастлабки терговда ушбу иш бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилган бўлса, унинг тайинланиш асоси, жиноий процессуал нормаларга бўлган талабларга риоя қилиниши, эски бухгалтер холосаси етарли эканлиги аникланади. Бунинг учун кўйидаги масалалар текширилади:

- терговда экспертиза ёрдамида жиноий ишни тўғри тушуниш учун бухгалтерия ҳисоби соҳасида маҳсус билимлари зарурлиги;
- терговчи фармойишида экспертиза тайинлаш асоси кўрсатилгани;
- холоса бериш учун эксперт-бухгалтер саволи тузилганлиги;

- экспертиза тайинланиши түғри фармойиш айланувчига тақдим этилганлиги;
- айланувчи томонидан олинган тавсифнома қаноатлантирганлиги, агар қаноатлантирмаса бу түғрисида фармойиш чиқарилғанми?
- эксперт-бухгалтер қўшимча материал сўраб мурожаат қилғанми, агар шундай мурожаатнома булса, у қаноатлантирилғанми?
- эксперт-бухгалтер томонидан текширилган материаллар бўйича хulosа туза олмаслиги түғрисида маълумотнома тузилғанми?
- агар айланувчи эксперт-бухгалтерга тушунтириш хати бериб, қўшимча материаллар тақдим этса бу баённомада расмийлаштириш мумкинми? Эксперт хulosасида айланувчи билдиригандан ҳамда тақдим этган қўшимча материаллари акс эттирилғанми?
- эксперт-бухгалтер хамма саволлар бўйича хulosа берганми, хulosада баъзи бир саволларга жавоб бўлмаса, унинг сабаблари кўрсатилғанми?
- агар хulosа бир неча эксперт-бухгалтер томонидан тузилған бўлса, уларнинг фикрлари бир хилми? Агар фикрларда келишмовчилик бўлса, терговчи томонидан қўшимча экспертиза тайинланғанми?
- эксперт-бухгалтер ёрдамида ҳал қилинувчи масалалар мумкинлиги аниқланиб, лекин тергов жараёнида бухгалтер экспертизаси ўтказиладиган бўлса, ўтказиш учун иш қўшимча экспертизага тавсия қилинади ёки суд мажлисига эксперт-бухгалтер чақирилади.

Суд томонидан тайинланған эксперт-бухгалтер ишни судда кўрилганидан бир неча кун олдин чақирилиб олинади ва унга суднинг тавсифномаси суд иши ҳамда хulosа беришда зарур бўлган хамма материаллар тақдим этилади.

Суд мажлисига чақирилган эксперт-бухгалтер шахси текширилиб уни хукуқ ва вазифалари билан таништирилади. Ёлгон хulosа берганлиги учун жиной жавобгарликка тортилиши туғрисида огоҳлантирилғандан сўнг иш материалларни текширишга рухсат берилади.

Эксперт-бухгалтер экспертиза масалаларига тааллуқдор бўлган иш тавсияларни текширишда қатнашади.

Текшириш якунлари, тайёрланған жавоб-хulosа суд мажлисига тақдим этилган хужжат ва ишнинг варақаларига илова қилинган ҳолда аниқ ва қисқа бўлиши керақ

Агар ишда бир неча бухгалтер мутахассислар қатнашса, умумий хulosа тузишади ҳамда бунга улар имзо чекишиади.

Қўшимча СБЭ ўтказиш учун терговчи СБЭ ни хulosаси билан танишиб чиқиб тушунтириш ва қўшимча қилиш мақсадида қўишимча СБЭ белгилаш мумкин. Қўшимча СБЭ ўтказиши терговчи ёки айборни тавсияномаси асосида белгилаш мумкин.

Қўшимча СБЭ ни биринчи хulosа берган экспертга топшириш анча вақтни ютишга олиб келади.

Иккиламчи СБЭ ни ўтказиш, агар биринчи эксперт хulosасига шубҳаланса ёки у сифатсиз бўлса иккиламчи СБЭ белгиланади.

Иккиламчи СБЭ қўйидаги ҳолларда белгиланади:

1. Хулоса берган эксперт малакасиз бўлса;
2. Эксперт экспертиза вақтида берилган материаллардан яхши фойдаланмаган бўлса;
3. Эксперт керакли изланишни ўтказмаган бўлса;
4. Экспертиза ўтказиш тартиб-қоидалари бузилганда;
5. Биринчи экспертиза ўз ишини тугатганда терговчига материаллар келтирганда, ундаги материалларга карама-қарши бўлса.

### **ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Суд бугалтерия экспертизасини ўтказиш тартиби қандай?
2. Қўшимча суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш қандай олиб борилади?
3. Иккиламчи суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш қандай олиб борилади?
4. Суд бухгалтерия экспертизаси қандай белгиланади?

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар**

**Фуқаролик процессуал кодекс-** Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари буйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди.

**Жиноят процессуал кодекс-** Ўзбекистон Республикаси худудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Жиноят ишларини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, сурештирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

**Назорат турлари-** назорат турларига қўйидагилар киради давлат назорати, маъмурий назорат, ички назорат, ташки назорат, дастлабки назорат, жорий назорат, мавсумий (тасдиқловчи) назорат, аудиторлик назорати, бошқа назорат турлари

**Солик** — давлат томонидан белгиланган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган мажбурий тўловлар. Соликлар давлат бюджети даромадининг асосий манбаси хисобланади.

**Солик сиёсати** — солик, тўловчиларнинг ва давлат манфаатларини мувофиқлаштирувчи сиёsat. Солик сиёсати солик тўловчилар ва давлат манфаатларига мос келиши керақ

**Солик кодекси** — соликларнинг тури, ўндирилиши ва тўланишини мувофиқлаштирувчи ҳужжат. Солик Кодекси 1998 йилдан татбиқ этилган.

## **Мазу бўйича тест саволлари**

### **1. Текшириш ҳажмига қараб экспертиза:**

- A) Асосий ва қўшимча экспертизаларга бўлинади;
- B) Бош ва иккинчи даражали экспертизаларга бўлинади.
- B) Дастребки ва сўнгги экспертизаларга бўлинади.
- G) Тўлиқ в чала экспертизаларга бўлинади.

### **2. Дастреб бухгалтерлик ҳисобини ташкил қилиш ишини эксперт-бухгалтер томонидан текширганда энг аввало қуйидагилардан қайси бири қўриб чиқилади?**

- A) Моддий бойликлар, хом ашё ва таёр маҳсулотлар харакатини акс эттирувчи хужжатларнинг расмийлаштириш тартиби.
- B) Катъий ҳисобдаги бланкалардан фойдаланиш ва сақлаш тартиби.
- B) Инвентаризация ўтказиш шароитлари
- G) Барча жавоблар тўғри.

### **3. Кайси ҳолатларда иккиласи суд бухгалтерия экспертизаси ўтказиш мумкин?**

- A) Хулоса берган эксперт малакасиз деб топилганда ёки эксперт терговчи томонидан барча материаллар тўлиқ ишлатмаган хамда ўз устида изланишларни олиб бормаганда.
- B) Экспертиза ўтказиш тартиб қоидалари бузилганда.
- B) Биринчи экспертиза материалларига қарама-қарши материаллар тақдим этилганда.
- G) Барча жавоблар тўғри.

### **4. Комиссиявий суд экспертизаси:**

А) Комиссиявий суд экспертизаси ўтказилаётганда суд эксперталарининг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказади ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қиласди.

Б) Суд эксперталари умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги хужжатни тузади ва имзолайди.

В) Суд эксперталари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқсан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиқсан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Г) Юқоридаги барча жавоблар тўғри.

### **6. Суд-бухгалтерия экспертизасида “Сифатсиз материаллар” гурӯхига қуйидагиларни қайси бири киради?**

- A) Тафтиш хулосаларининг асослизлиги;
- B) Тафтиш ўтказишида моддий жавобгар шахс иштирок этмаслиги;

- В) Тафтиш ёки инвентаризация хulosасида комиссия имзоларининг тушунарсиз ёки қалбаки ёки умуман йўқлиги ва хоказолар.
- Г) Юқоридаги жавобларни барчаси киради.

**7. Экспертиза неча босқичда амалга оширилади?**

- А) Текшириш, хulosса чиқариш, амалга ошириш ва якунлаш.
- Б) Амалга ошириш, хulosса ва ижро этиш.
- В) Тайёргарлик кўриш, текшириш, хulosса.
- Г) Тузатиш, йифиш ва тақдим этиш.

**Маъруза режаси:**

1. Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш тартиби.
2. Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш хусусиятлари
3. Суд-бухгалтерия экспертизаси мутахассисининг иштироқи ва унинг бошқа экспертизалар билан боғликлиги

**1. Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш тартиби.**

Ўзбекистон Республикасининг “Суд-экспертизаси тўғрисида”ги Конунчилик палатаси томонидан 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган Конуннинг *27-моддасида белгилаб қўйилганидек, “Давлат суд-экспертиза муассасаларининг суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлаши” дейилган бандида* Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма сўровига кўра суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши шарт. Бунда давлат суд-экспертиза муассасалари давлат сирларини ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи олинган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

Эксперт-бухгалтер ишнинг хусусиятига кўра текширишда турли услублардан фойдаланади. Ленин ҳар қандай ҳолда хам хўжалик операцияларини текширади, яъни у хужжатларни, ҳисоб регистрларидағи ёзувларни, ҳисоботларни, айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари бошқа соҳадаги эксперталар хulosасини тегишлича таҳлилдан ўтказади.

Хужжатлар далиллар манбасига киритилган (масалан, инвентаризация қайдномаси далил хужжати ҳисобланиб, унинг ёрдамида товар-модий бойликларнинг ҳақиқий қолдиғи аниқланади) ушбу бойликларнинг талонтарож қилинганлиги тўғрисидаги жиноий ишни тергов қилишда маълум аҳамият касб этади. Агар хужжат жиноятномаларга ошириш воситаси ёки ўзида жиноят изини сақлаб қолган бўлса, яъни жиноят обьекти бўлса, бу ҳолда у ашёвий далил сифатида тасаввур этилади. Масалан, камомадни ёпиш учун кирим қилинмаган товарларни инвентаризация қайдномасига киритиш ёки қалбаки ишончнома хужжатни терговчи томонидан ашёвий далил деб тан олиниши қарор билан расмийлаштирилади ва текшириб

чиқиши баёнида қайд этилади. Шундан кейин хужжат тергов юритилган ишга илова қилиниши ёки корхонада сақлашга қолдирилиши мумкин.

Эксперт-бухгалтер ишда мавжуд бўлган хужжатлар бўйича операцияларни ўрганади ва хулоса беради. Терговчи томонидан қўрилмаган хужжатлар билан эксперт-бухгалтернинг ишлаши мумкин эмас, чунки терговчи ва суд далилларининг моҳияти бўйича текшира туриб эксперт-бухгалтернинг хужжатлар бўйича хулосаси ҳақиқий ва асосий эканлигини аниқлай олмаслиги мумкин. Терговчи ва суд тақдим этган барча экспертиза қилинадиган хужжатларни эксперт-бухгалтер текширади. Хужжатларнинг иккинчи ва кейинги нусхаларини (кўпайтирувчи қоғоз билан ёзилган) хамиша ҳам биринчи нусхадан кўчирма деб қараш мумкин эмас. Улар мустақил хужжат ҳисобланиб, эксперт-бухгалтер текшириш натижасида ушбу хужжатларга асосланниб хулоса беришга

Экспертиза амалиётида текшириш учун мутахассисга хужжатнинг фотонусхаси (расми) тақдим этилган, ҳолатлар ҳам учраб туради. Эксперт-бухгалтер учун бундай материаллар фақат қуидаги ҳолатларда шубҳасиз булади:

-иш материаларида расм-нусха (фотокопия) каерданлиги маълум бўлиши керак;

- расм нусхадан хужжатнинг барча мазмуни тушунарли ва қийинчиликсиз ўқий олишга имкон мавжуудлиги;

Суд жараёнида хужжатларга тикилган янги хужжатлар ва суд қатнашчилари томонидан қилинган таклифлар эксперт терговчи бухгалтерга ўрганиб ишлаб чиқиши учун тақдим этилади. Агар қилинган таклифлар ва берилган материаллар бўйича қўшимча изланишлар керак бўлиб қолса, у ҳолда суд вақтинча танаффус эълон қиласи. ҳар бир қўйилган саволлар бўйича эксперт бухгалтер ўз хулосасида қисқа, яхлит ва хужжатларга асосланган ҳолларда суд ҳайъатига жавоб бериши керак. Агар бир нечта экспертчилар томонидан хулосалар берилган бўлса, у ҳолда ҳамма бухгалтерлар билан келишилган ҳолда хулоса берилиб ҳамма мутахассислар томонидан имзоланади. Агар ҳар бир экспертчи бошқаларнинг хулосаси билан келиша олмаса, у ҳолда ҳар бири ўз фикри бўйича хулоса беришга ҳақлидир. Ҳар бир экспертчи мутахассис томонидан берилган хулосалар суд ҳайъатига танишиш учун берилади ва яна суд ҳайъати мутахассис бухгалтерга саволлар беришни давом эттиради. Мутахассис бухгалтерлар томонидан берилган оғзаки жавоблар суд мажлиси баённомаларида ёзиб борилади. Экспертчи бухгалтерлар суд залларидан фақат суд раисини рухсати билан чиқиб кетиши мумкин. Саволлар беришни ёки такрор экспертиза тайинлашни терговчидан илтимос қилиши мумкин. Айбланувчининг эътиrozлари ва қайта экспертиза тайинлаш илтимослари бўлмаган ҳолда терговчининг

хужжатлари ва суд бухгалтерия экспертигининг хulosалари судга юборилади.

Судда эса дастлабки суд бухгалтерия ўтказганлиги, терговчининг берган саволларидан ва материалларидан фойдаланганлиги ва суд бухгалтерия экспертизаси экспертигининг хulosаси тўлиқлиги кўриб чиқилади. Шу мақсадда куйидаги саволлар қўриб чиқилади:

- экспертиза ўтказиш ёки тайинлаш хақидаги прокурорнинг карори;
- терговчи томонидан саволлар бўйича хulosанинг тўлиқлиги.

-айбланувчига ушбу қарорни тақдим этилганлиги, айбланувчи эътиroz билдирган бўлса унинг талаби қондирилганлиги ёки йўқлиги;

- терговчи эксперт томонидан қўшимча материаллар учун ёзма ариза берилганми йўқми, агар берилган бўлса терговчи томонидан ушбу ариза қониқтирилганми;

- экспертчи томонидан суд бухгалтерия экспертизаси хulosасининг ёзилиши.

Агар айбланувчи томонидан суд бухгалтер экспертга тушунтиришлар ва қўшимча материаллар берилган бўлса, у ҳолда баённома ва хulosаларда айбланувчининг бу хulosалар билан танишганлиги ёки танишмаганлиги аниқланади.

Эксперт хамма саволларга тўлиқ жавоб изланганлиги хulosада акс эттирилади. Агар баъзи бир саволлар ёритилмаган бўлса, нима сабабдан ёритилмаганлиги кўрсатилади.

Суд қарорига биноан суд бухгалтер-экспертлари суд залига фақатгина зарур ҳолларда чакирилишлари лозим. Лекин, амалиётда эксперт-бухгалтер қоидага биноан суд залларига зарур вақтда таклиф қилинадилар.

Таклиф қилинишидан мақсад, суд экспертизаси ўтказиш бўйича қонун тўғри келадими йўқми, хulosада хамма саволлар ойдинлашганми ва тулуклиги аниқланади.

Экспертчини судга дастлабки терговда қатнашиб хulosа бергани учун чакирилади. Экспертчи бухгалтер (суд томонидан сайланган) ишлаб чиқариш якунлари ўқилмасидан бир неча кун илгари чакирилиши керақ. Экспертчи бухгалтер ҳам айбланувчига саволлар бериш хукуқига эга. Хulosа бериш учун ва шу билан бир қаторда суд, айбланувчи, айловчи, ҳимояловчилар ёзма равишда терговчининг рухсатисиз ошкор этса жиноий жавобгарликка тортилади.

Терговчи экспертиза ўтказишни зарур деб топса, у қарор ёзади. Карорда экспертиза ўтказиш қандай ҳолларда зарур бўлиб қолганлиги, экспертиза ўтказиш топширилаётган экспертигининг ёки мутахассиснинг номи кўрсатилади. Эксперт ўз фикрини бериш лозим бўлган саволлар ва экспертга тақдим этилган материалларнинг рўйхати баён қилинади. Экспертиза ўтказиш учун экспертиза билан шуғулланувчи тегишли муассасага терговчи ўзининг қарорини, ва экспертиза ўтказиш учун зарур материалларни юборади.

Терговчининг экспертиза чоғида ҳозир бўлишга ҳаки бор, лекин шу чиқарилган қонун - қоидага асосланган ҳолда чиқарилган фармонларга мувофиқ ўтказилиши лозим. Экспертиза ўтказиш учун ажратилган эксперторлар ўз фикрини беради ва шу берган фикрлари учун шахсан жавобгар бўладилар. Тегишли экспертиза ўтказувчи муассасанинг раҳбари экспертиза ўтказишни топширишганда ҳар бир ишлаб чиқариш бўйича эксперт билан яъни нотўғри, ёлғон фикрлар бергани учун жавобгарликка тортилиш тўғрисида тилхат олишга мажбур ва бу тилхат берилилган фикрлар билан бирга терговчига юборилади.

Терговчи экспертиза ўтказиш ҳакида қарор чиқаргандан кейин шу экспертизани ўтказиш топширилган шахсни ўз хузурига чақиради ва экспертнинг ўзи эканлигига ишонч ҳосил қиласди, унинг айбланувчи билан сұхбатлашган ҳолда айбланувчига бўлган муносабатини белгилаб олади. Терговчи эксперторга экспертиза тайёрлаш тўғрисидаги қарорни нусхасини беради ва унинг ўз ихтиёрига берилилган материалларга ҳамда ўзининг берган фикрларини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорида қайд қилинади. Дастребаки терговда эксперт зарур текширишни ўтказгандан кейин ўз фикрини ёзади. Экспертнинг ўз фикрида экспертизани каерда, қачон ва ким ўтказганлиги, қандай нарса экспертиза предмети бўлганлиги, экспертиза қандай усууллар билан ўтказилганлиги ва материаллардан фойдаланганлиги, экспертиза ўтказиш чоғида кимлар қатнашганлиги кўрсатилиши лозим. Шундан кейин эксперт ўз олдига қўйилган саволларга берган жавобларини ва қонунан асосларга кўра шу хуносаларга келганлиги баён қилинади.

Экспертнинг ёзиб берган фикри билан танишиб чиқкан терговчи шу эксперт берган фикрни аниқлаб олиши ёки унга қўшимча киритиш мақсадида уни суроқ қилишга хақлидир. Эксперт бухгалтер саволлар учун ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда бериши мумкин.

Экспертнинг фикри айбланувчига тақдим этилганлиги тўғрисида терговчи баённома тузади. Баённомада айбланувчининг изоҳлари, эътиrozлари ва илтимослари баён қилинади. Эътиrozлар билдирилгандан сўнг, шунингдек эксперторга тақдим этиш тўғрисидаги тавсиянома муносабати билан тергов, суд харакатлари ўтказилиши мумкин.

Суд бухгалтерия экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги қарорни буйруқда юборади, улар ўз йўли билан ўзларининг ходимларини ёки хисобда турган малакали билимга эга бўлган шахс тайинланади. Суд - бухгалтерия экспертизасининг олдига қўйилган вазифаларини ҳал этиш фақатгина бухгалтерия фанини билимларига асосланади. Эксперт ўз хуносасида бухгалтерия ҳисоби билимидан ташқари илмий шакллардан фойдаланиш хукуқўга эга. Бухгалтер-экспертнинг ваколатида, унинг олдига қўйилган масалалар, хужжатларга асосланиши лозим. Эксперт-бухгалтер (ишга таклиф қилинган шахс) маълум талабларга жавоб бериши лозим.

Энг аввалам бор, у малакали мутахассис ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган объектив усулда ёндашган ҳолда хulosса берувчи шахс бўлиши лозим. Жиноий ишлар кодекси экспертга қўйиладиган қуидаги бурчларни белгилайди:

-у терговчи чақириғига биноан келиши ва раҳбарнинг рухсати олинган ҳолда ишга объектив ёндашган бўлиши керак Эксперт мутахассис берилган материалларнинг етарлича эмаслигини тезликда хабар бериши лозим.

-бухгалтер эксперт экспертизани фақат раҳбарнинг буйруғига асосан бошлайди.

Эксперт бухгалтер ўз ваколати, хоҳиши билан ўзини четга олиши мумкин:

- а) ўзи айбдор билан боғлиқ бўлса;
- б) илгари тафтиш ўтказган бўлса;
- в)агар ўзининг шу ишда иштироқи малум бўлса.

Жиноий ишлар бўйича бухгалтер-экспертнинг хукуқлари қуидагилардан иборат:

-бухгалтер-эксперт, эксперт ўтказиш объектига тегишли материаллар билан танишиб чиқиши лозим;

- хulosса ёзиш учун зарур бўлгар қушимча материал талаб қилиш ҳиуқукига эга;

-терговчининг рухсати билан терговда иштироқ этиши, эксперт-бухгалтер бошқа мутахассислар билан фикр алмashiши, биргалиқда хulosса ёзишлари ёки турлича фикрлашга эга бўлишган тақдирда ҳар хил хulosалар ёзишлари мумкин;

-бухгалтер-экспертчи терговчи харакатидан прокурорга шикоят билан мурожат қилиши мумкин.

Эксперт-бухгалтер хulosса беришдан бош тортса, суд ва терговчининг таклифи бўйича келмаганлиги, қалбаки ёлғон хulosса бергани учун ва ниҳоят прокурор ёки терговчининг рухсатисиз бошлангич тергов ёки тадқиқотга халақит берганлиги учун жиноий жавобгардир.

Бухгалтер мутахассис амалий ёрдам берганда қуидагиларни аниқлаши лозим:

-керакли хўжалик операциясини таҳлил қилишда қайси бухгалтерия хужжатлари ва ҳисоб регистрлари ахборотларига эга эканлигини аниқлаш;

-белгиланган хужжатларни асл нусхаларини қаердан топиш мумкинлигини белгилаш. Бухгалтер мутахассис терговчига ортиқча кераксиз хужжатларни олиб келишга йул қўймаслик керақ. Олиб кетилган хужжатларнинг мазмуни тушунарли, керакли ахборотларга эътибор берилган ҳолда олиб келинади. Мутахассис бухгалтер

терговчига иқтисодий иборалардан фойдаланишга ёрдам бериши лозим ҳамда хужжатларнинг сифатли-сифатсизлигига хulosса беради.

Мутахассис масалаҳат берганда ҳужаликда содир булаётган операциялар, бухгалтерия ишларини ташкил этилиши ҳакида аниқ равон қилиб масалаҳат бериши лозим. Терговчига инвентаризация ўтказиш тартибини, ўзаро қоплаш тартиби, молни кредитга сотиш тартиби, табиий камайишни қандай ҳисоблаш тартибларини кўрсатиши лозим.

Суд экспертизаси амалиётида суд бухгалтерия экспертизаси ниҳоятда кенг тарқалган турларидан бўлиб ҳисобланади, уни ўтказиш вақтида суриштирув, тергов ёки суд тергови давомида бухгалтерия соҳасида маҳсус билимлар қўлланилиши талаб этилади. Экспертиза бухгалтернинг ўзи олдига қўйилган масалалар бўйича маълум фикр чиқариш учун зарур бўлган материалларни тўплаш хуқуқига эга эмас, у дастлабки берилган материалларни ойдинлаштиришга ҳаракат қиласи. Агар материаллар хulosса бериш учун етарли бўлмаса эксперт-бухгалтер Ўбекистон Республикаси Жиноий Кодексининг тегишли талабларига мувофиқ бу ҳақда экспертиза тайинлаган органларга хабар беради. Эксперт қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги қарор эълон қилинган вақтда ҳам, шунингдек уни ўтказиш давомида, бухгалтер хulosаси оғзаки ёки ёзма равища билдирилиши мумкин. Эксперт айнан қандай қўшимча материаллар ва тафтиш ўтказишда унга қандай материаллар кераклигини кўрсатиш зарур.

Экспертнинг фикри рад этилган вақтда материалларни йиғиб хulosса бериш имконияти бўлмаган вақтда эса экспертиза тайинлаган органларга хабар беради. Агар қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги тавсиянома муносабати билан тергов, суд ҳаракатлари:

а) экспертиза ишларига тааллуқли бўлган хужжатлар (тергов далолатномалари, бошқа соҳа мутахассисларини хulosалари);

б) далил сифатидаги ашёвий материаллар фото нусхалари, бухгалтерлик хужжатлари терговчи томонидан эксперт учун бутун экспертиза ўтказиш даврига берилиши мумкин. Бошқа хужжатлар билан терговчи экспертни иш бошлиши арафасида ёки янги хужжат ва материаллар топилган заҳоти таништиради.

Агар эксперт-бухгалтер учун зарур бўлган хужжат йўқ бўлса ёки айбланувчи томонидан атайлаб, йўқ қилинган бўлса, у ҳолда терговчи эксперт-бухгалтер билан биргалиқда бундай хужжатга тенг бўлган бошқа алмаштирувчи хужжат қидирилади.

## **2. Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш хусусиятлари**

Суд-бухгалтерия экспертизаси шундай ҳолатларда белгиланадики, унда кузатилган жиноий ишнинг терговини олиб борувчи терговчи, ишни сифатли ва қонунан тўғри боришида албатта чуқур ва юқори савияли бухгалтерлик билимлар лозим деб топса. Албатта ишни олиб борувчи терговчи ҳам маълум бир бухгалтерлик билимларга эга бўлишида оддий ҳисобларни ўзи бажариши ёки тергов вактида айбланувчини ёхуд таҳилил этиши мумкин. Хусусан иш юзасидан жиноий ишга қўл урган шахслар моддий жавобгар шахслар юритган хар бир хужжат ва материалларни таҳлил қилиб, янги фактларни очиши ҳам мумкин. Лекин, бундай ҳолатларда терговчи суд-бухгалтерия экспертизининг ёрдамисиз кўзланган ютуқقا эриша олмайди.

Эксперт-бухгалтернинг хулосасиз терговчи иш юзасидан қуидаги масала ва саволларни ҳал этишга хақ-хуқуқи бор. Бунда у бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидлари билан таниш бўлгани учун қуидаги саволларни ҳал этиши мумкин:

- жиноий иш юзасидан йигилган материалларда бухгалтерия-арифметик ҳисоб-китоблар, ушбу ҳисоб-китоблар камомадни аниқлаш, кассирдаги ортиқча ёки етишмайдиган пул суммасини аниқлаш ваҳоказолардир. Бу ҳолларда бухгалтерия-экспертизаси белгиланмайди.

Терговчига тафтиш хулосалари ва якуний ҳисоб-китоблар хужжати тақдим этилса, ёки корхонанинг ҳисоб ёзувлар терговчи шахсан ўзи текширса бухгалтерия экспертизаси тайинлаш мумкин. Баъзан эксперт-бухгалтер олдига ўтказилган тафтиш маълумотларини текшириш таҳлил этиб хулоса бериш, тафтишнинг сифатига баҳо бериш каби саволлар ҳам қўйилади. Бундай кўринишдаги суд-бухгалтерия экспертизасида терговчи томонидан йигилган материалларни обдон кўздан кечириб, танишиб текширади. Бундай хужжатлар савдо ходимлари ташабbusи билан юритилиб муомалада товар номлари моддий жавобгар шахслар номларини тўла кўрсатмайди ва бухгалтерлик назоратидан четда қолади. ҳисобни соддалаштириш мақсадида баъзан оператив ва бухгалтерлик ёзувлари бир хил далилий аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари, қатор ҳолларда ҳам айrim моддий жавобгар шахсларни оператив хужжатлари, оператив ёзувлари ва бошқа норасмий материаллар ҳам далилий аҳамиятга эгадир.

Эксперт-криминалистнинг расмга олишда бир неча хужжатларнинг айrim қисмлари эмас, балки яхлит хужжат фойдаланилганлигини тасдиқловчи хулоса бўлиши шарт.

Текширишда хужжатнинг расм нусхаси асос қилинса, эксперт-бухгалтер ўз хулосасида бу тўғрида айтиши керак Эксперт-

бухгалтер баъзан шундай фактларга дуч келадики, бунда бирламчи бухгалтерия хужжатлари, ҳисоб регистрлари жамловчи ва гурухли қайдномаларни йўқотилганлиги сабабли тафтишчи ёки ҳисоб ходимлари томонидан бухгалтерия операциялари тикланади.

Тикланган маълумотларга асосан мутахассис-бухгалтер одатдаги эксперт-текширишдаги масалаларни ҳал қиласди. Текширишда бўлмаган хужжатларни тиклаш тартиби бухгалтерия ҳисобининг юритиш шаклига (мемориал-ордер ёки журнал-ордер шакли) тақдим этилган, хужжатларнинг қанчалик тўлалигига боғлиқ Мутахассис-бухгалтер иш фаолиятида бухгалтерия хужжатларидан ташқари ҳам турли иш материалларини ўрганишга тўғри келади. Айбланувчи ва гувоҳларни сўроқлаш баёнлари, тушунтириш хатларида у ёки бу хужжатнинг тузилиши ҳамда ушбу хужжатда акс эттирилган операцияни бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, моддий заарларнинг вужудга келиш сабаблари, ҳисобдаги хатолар тўғрисида маълумотлар, хужжатли тафтиш далолатномалар, моддий заарнинг ўлчамини аниқлашда моддий жавобгар шахснинг эътирозини тушунтирувчи маълумотлар мавжуд.

Ишнинг бошқа материалларини текширишда айбланувчи ва гувоҳларнинг қўрсатмалари хужжатли маълумотлар билан тасдиқланиши аниқланади.

Бухгалтерлик маълумотлари билан тасдиқланмаган айбланувчи ва гувоҳларнинг қўрсатмаларига асосланган хulosалар текшириш жараёнида эксперт-бухгалтер хукуқ доирасини ошириб юборганлигидан далолат беради, чунки қўрсатмаларни баҳолаш тергов ва судга тааллуқлидир.

Агар хужалик операциялари хужжатли маълумотларда нотўғри акс эттирилса, айбланувчи ва гувоҳларнинг қўрсатмаларини ҳисобга олиб эксперт-бухгалтер баъзан шартли ёки альтернатив хulosha тузади. Масалан, товар-моддий бойликлар харакатини текширишда инвентаризация комиссияси аъзолари ва моддий жавобгар шахс ўртасида инвентаризациянинг тўғри ўтказилганлиги тўғрисида низо келиб чиқса эксперт-бухгалтер текшириш натижаларига кўра шартли хulosha ва бухгалтерия хужжатларига асосан катъий хulosha беради.

Эксперт-бухгалтер текширишда норасмий бухгалтерлик хужжатлари ва оператив ҳисоби ҳам учраб туради.

Бухгалтерлик ҳисобида қайд этилмаган ва мазкур корхонада расман белгиланмаган хужжатлар норасмий ҳисоб хужжатлари деб тушунилади. Буларга моддий жавобгар шахслар томонидан олинган тилхатлар хомаки хужжатга кўчирилмаган ёзувлар ва ҳоказолар мисол бўла олади. Бундай хужжатлар савдо ходимлари ташабbusi билан юритилади ва товар номларини, моддий жавобгар шахслар

номларини тўла кўрсатмайди ва бухгалтерлик назоратидан четда қолади.

Юкорида айтилган материаллар асосида содир этилган сувистеъмол, моддий заарнинг ўлчами, моддий заарга жавобгарлар ва уларнинг ҳар бирининг жавобгарлик даражаси аниқланиши мумкинлиги сабабли эксперт-бухгалтерга чукур ўрганиш тавсия қилинади. Оператив ва норасмий материаллар ўзига хос ва бухгалтерия ҳисобига ёрдамчи характерга эга бўлганлиги учун эксперт-бухгалтер улардан ёрдамчи материал сифатида фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Оператив ва норасмий ёзувларнинг расмий хужжатларга ва бухгалтерия ҳисоби регистрларига бўлган муносабатига кўра уларни қуидаги гурухларига ажратиш мумкин:

1.Тегишли йўрикномаларда белгиланган, лекин бухгалтерия ҳисобида бевосита қўлланмайдиган хужжатлар, масалан, касса паттаси (чек).

2.Мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан ихтиёрий равишда тузилувчи хужжатлар. Бундай хужжатлар моддий заар ўлчамини ёки моддий жавобгар шахслар доирасини аниқлашга асос бўлмаса ҳам, лекин эксперт-бухгалтерга ҳисоб регистрларидағи ёзувлар ва расмий хужжатларга асосан аниқланган фактларни тўла тушуниришига ёрдам беради. (Масалан, камомад аниқланганда моддий жавобгар шахслар тақдим этган тилхатлар).

3.Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тўлдирувчи ва тушунирувчи, ёки мустақил аҳамиятли оператив ҳисоби регистрлари, Оператив ҳисоби регистрларига омборларда юритилувчи товар моддий бойликларнинг сонли ҳисоб карточкаси ва қолдиқли қайдномасини мисол келтириш мумкин.

4 Мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг норасмий ёзувлари. Эксперт текшириш амалиётида хужалик операцияларида қатнашган шахслар имзо чеккан ва чекмаган норасмий ёзувларини учратиш мумкин.

Агар мазкур ёзувлар (тилхатлар) моддий бойликларни ўзидан чиқарган ва кабул қилган шахслар томонидан имзо чекилган бўлса ҳамда бухгалтерлик ҳисоби маълумотларига мувофиқ келса, унда эксперт текширилган материаллар товар моддий бойликларнинг камомади мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида катъиян хulosаси беришга етарли деб ҳисоблайди.

Бошқа билим соҳасидаги эксперт-мутахассисларнинг хulosаларини текшириш. Бошқа билим соҳасидаги мутахассислар хulosasi эксперт-бухгалтер томонидан текширилиб, тааллукли хulosаси учун асос бўлиши мумкин.

Бунда албатта мутахассис бухгалтер хulosадаги рақамли маълумотларни тўғри ҳисобланганлигига ишонч ҳосил қилинади. Агар рақамли маълумотларда хатога йўл қўйилганлиги аниқланса, терговчига (судга) маълум қилинади. Терговчи ўз навбатида қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинлайди. эксперт-бухгалтернинг бошқа билим соҳасидаги хulosаларини текшириш жараёнида уларда қайд этилган дастлабки ва якуний маълумотларини ўзаро маслаҳат ва ўзаро текширишларни қўллаш мақсадга мувофикдир.

### **3. Суд-бухгалтерия экспертизаси мутахассисининг иштироки ва унинг бошқа экспертизалар билан боғликлиги**

Давлатнинг ижтимоий мулкини муҳофаза қилиш борасида мамлакатдаги жиноий ишларга қарши курашда фақатгина юридик билимлар эмас, балки маҳсус иқтисодий билимлар ҳам зарурдир. Бундай билимлар жиноий ишларни тўхтатишида, олдини олишда ўз самарасини қўрсатади. Хужалик жиноятларини ва мансабдор шахсларни ўғирликлари билан боғлик ишларни кўриб чиқиши, ўрганишда маҳсус бухгалтерия ва бошқа иқтисодий билимлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Жиноятларни тезда ва тўлиқ аниқлашда хужаликда ҳар бир жиноятчини тўғри аниқлаш ва қонун билан жазолаш адолатли қарорлар қабул қилиш ва ҳеч бир айбиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги лозим.

Шунинг учун, бухгалтерия ва иқтисодий билимларга эга бўлиш, суд-бухгалтерия ва иқтисодий экспертизани аниқ ўтказиш, хужжатли тафтишлар ва шунга ўхшаш фанлардан фойдаланилган ҳолда яъни суд-бухгалтерия экспертизаси турли қиррали фан бўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан бухгалтерия ва иқтисодий ахборотларни аниқ юридик амалиётда ишлатишга қаратилган. Суд бухгалтерия экспертизасининг мақсади, юридик ишларни ҳал этишда бухгалгерия ва иқтисодий билимларга асосан қўшимча маълумотлар, ахборотлар, фактлар тўплашдир. Жиноий ишларни юридик ва терговчилар томонидан очишда маҳсус мутахассис бухгалтерлардан фойдаланилади.

Мутахассис бухгалтер-экспертчи тергов ва суд ишларига таклиф қилинган бўлиб, консультация бериш учун чақиради. Ўзбекистон Республикасининг жиноий ишлар кодексида 263-моддаси; суд ишларини ҳал этишда мутахассис-бухгалтер-экспертчи таклиф этилиши мумкинлиги қўрсатилган.

Суд тергов ишларида мутахассис бухгалтернинг ишлари қуйидагилардан келиб чиқади.

- аниқлаб топиш, текширувлар далолатномаларига асосланган ҳолда жиноий иш содир қилинган даври ёки текширувларда текшириш методлари тулақонлигича олиб борганини аниқлаш;

-тафтишчилар хулосасига таяниб ушбу хулоса ва бошқа хужжатлар түгри текширилганми?

-инвентаризация ўтказилғанлиги түғрисидаги акт ва бошқа хужжатлар бухгалтерия, омбор ҳужжатлари билан фарқ қиласидими (санаси, имзоси, номланиши, ва ҳоказолар). Шундай мураккаб ва чалкаш жиноий ишлар бўлиши мумкинки, бундай ҳолларда терговчи эксперт олдига қўйилган саволларни маслаҳатчи-бухгалтер билан биргаликда тузиши керак бўлади. Бундай саволлар материалини тайёрлашда терговчи маслаҳатчи-бухгалтер сифатида таклиф этилган экспертини ишга жалб қилиш хукуқига эга. Агар эксперт-бухгалтер юқори малакали бўлса, у ҳолда терговчининг ҳохиши билан у ҳам маслаҳатчи-бухгалтер, ҳам эксперт-бухгалтер вазифасини бажариши мумкин. Бу эса ўз навбатида терговчининг ҳисботида ва баённомасида қайд этилади. Терговчи суд бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан олдин шу хақда карор чиқаради ва шу қарор тасдиқланади. Терговчи қарорда қўйидагиларни кўрсатади:

- а) экспертиза ўтказиш учун асос;
- б) экспертиза ўтказувчи корхонанинг номи, манзилгохи, экспертнинг фамилияси ва мансаби;
- в) эксперт олдига қўйилаётган саволлар тўплами;
- г) эксперт ихтиёрига материаллар руйхати;

Амалиётда эса терговчилар ҳар вақт ҳам экспертиза ўтказгани учун асосни кўрсатавермайдилар. Баъзи ҳолларда эса чиқарган қарорида ҳам экспертнинг ихтиёрига тақдим этилган материаллар рўйхатини кўрсатмайдилар. Улар "Эксперт ихтиёрига қўйидаги иш материали берилди" деб чегараланиб қоладилар. Бу эса нотуғри. Бундай ҳоллар экспертни чалғитади, материаллар билан танишиб чиққунга қадар вақтини олади, аниқ бир хулоса айттолмайди, натижада экспертиза муддати чўзилиб кетади. Терговчи иш юзасидан йиғилган материалларни экспертга тақдим этаётиб у билан шахсан танишади. Агар материаллар тўплами жуда катта ёки бухгалтерлик материаллар бўлмаган бошқа аралаш ҳолда бир "иш"га тикилган бўлса, у ҳолда эксперт терговчи ҳузурида ўтириб материаллар билан танишиб экспертиза ўтказади. Карорда шу юзасидан очилган "иш"даги тегишли варақлар рақамланганлиги кўрсатилади. Бундай ҳол экспертни адашмасликка ва чалғитмасликка ёрдам беради.

Эксперт бухгалтерга терговчи томонидан қўйидаги материаллар ҳажми тақдим этилиши лозим:

- а) хулоса бериш учун асос бўлиб, хизмат қилувчи ҳужжатлар (бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари, китоб ва журнал ордер ва терговчи томонидан йиғилган бошқа материаллар);
- б) моддий бойликларнинг ёки пул маблағларининг ортикча экани ёки камомад бор эканини тасдиқловчи ҳужжатлар; (қайсиким уларни

тафтиш орқали аниқлашнинг имкони бўлмаса). Агар моддий зарар кўрилган бўлса заарарнинг ўлчамлари, пайдо бўлган вақти ва жавобгар шахслар доираси ҳақида хужжат ва маълумотлар. Бунинг учун бирламчи бухгалтерия хужжатлари, бухгалтерия проводжаларидағи ёзувлар, оператив-техник хужжатлар ва баъзи ҳолларда статистик жадваллар;

в) хужжатларни олиб қўйиш далолатномаси ва уларни ишга тикилганлиги тўғрисидаги қарор, тинтуб ватопиб олиш далолатномаси ва бошқа шунга тегишли бўлган хужжатлар;

г) айбланувчи ёки шубҳа остидаги шахсларни тергов қилингани ҳакидаги далолатномаси, гувохларни тергов қилингандаги туғрисидаги далолатнома, мисол учун инвентаризация ўтказган комиссия аъзоларини суроқ килиниб, улар ўртасида юзлаштириш хулосалари;

д) ишга алоқаси бўлмаган, лекин далилий ашё сифатида терговчи томонидан ишга тикилган хужжатларнинг текширув далолатномаси;

е) эксперт бухгалтернинг хулосаси бошқа соҳа мутахассисининг хулосасига таяниш лозим бўлган мураккаб холатларда, эксперт бухгалтерга шу соҳа мутахассисининг хулосалари тақдим этилиши лозим. Масалан, товаршунос-экспертнинг хулосаси.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш шарт деб топилган ва бунинг учун хужжатлар етарли даражада йиғилгандан сўнг, экспертизани тезкорлик билан бошлаб юбориш керақ Чунки, экспертиза кўп ҳолларда жуда чўзилиб кетиши мумкин. Бу эса терговда салбий ҳарактерга эга.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш муддатини тайинлашдан олдин, терговчи эксперт олдига қўйиладиган саволлар тўпламини тайёрлайди. Бундай саволларни тайёрлаб экспертга тақдим этиши учун терговчига иш юзасидан йиғилган материаллар етарли бўлиши, қисман бўлса ҳам иқтисодий билимларга эга бўлиши, у ёки бу корхонанинг юритилаётган ҳисоб-китоби асослари билан танишган бўлиши керақ. Агар терговчи тафтиш материалларидан ва бошқа материаллардан шубхаланса, "Тафтиш нотўғри ёки бирор бир методдан фойдаланилмай ўтказилди" -деган даъво юритилса терговчи бундай маълумотни, албатта, бухгалтер-эксперт билан биргаликда текшириб чиқиши лозим.

Суд бухгалтерия экспертизаси сифатли ва қисқа муддат ичida якунланишига иш юзасидан йиғилган материалларнинг (текширув материаллари, тафтиш материаллари ва инвентаризация) тулақонлилиги ва сифатлилиги ҳам таъсир кўрсатади. Сифатсиз материалларга куйидагилар киради:

-тафтиш хулосаларининг асоссизлиги;

-тафтиш ўтказишида моддий жавобгар шахс  
этмаслиги;

иштирок

-тафтиш ёки инвентаризация хulosасида комиссия имзоларининг тушунарсиз ёки қалбаки ёки умуман йўқлиги ва ҳоказолар.

Суд бухгалтерия эксперизасини ўтказишини белгилашда ва экспертга материаллар тақдим этишдан аввал, терговчи йиғилган материаллар билан яқиндан танишиб чиқиши лозим. Шу билан бир каторда эксперт бухгалтерниң ёзма аризаси ёки талабномасига асосан қўшимча материаллар йиғиши ва ниҳоят содир этилган тизимдаги барча хужжатларни сақлаб қолиши керақ Акс ҳолда жиноят содир этган шахс ёки моддий жавобгар шахс қалбаки хужжат ва ёзувларни йўқ қилишлари мумкин.

Агар тафтиш ўтказилмаган бўлса, у ҳолда тафтиш ўтказишини тавсия этиб, хulosаларни сифатли ёзилганлигини текшириб чиқиши лозим. Материаллар тайёрлаш жараёнида шундай бир тергов ҳаракатларини амалга оиириш керак бўлиб қоладики, унинг натижасида материалларнинг қаердан келиб чиққанлиги, жойи ва сақланиш жойлари маълум бўлади. Бундай тергов ҳаракатларини бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан олдин ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, иш юзасидан ҳамма хужжат ва материаллар йиғилиб, айбдор ёки шубҳаланувчи гувоҳлар сўроқ қилиниб булгачгина суд-бухгалтерия экспертизасини тайинланади.

Шундай ҳоллар бўладики, уларда эксперт-бухгалтер хulosса чиқариш учун материаллар етмай қолиши мумкин. Бундай ҳолларда эксперт терговчига ариза ёки талабнома ёзиб қандай материаллар иш юритиш учун зарурлигини курсатиб беради. Терговчи экспертизага талабини қондириши лозим. Жиноий иш юзасидан материаллар экспертизага берилишидан олдин терговчи улар билан яқиндан танишиб чиқиши лозим, деб юқорида таъкидлаб ўтган эдик Танишиш вақтида терговчи хужжатлар қалбаки эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керақ Суд бухгалтер-экспертига қўшимча равишида иш юзасидан материалларни айбланувчининг ўзи ҳам тўлдириши мумкин. Бу ҳақда терговчига бошқа билим соҳасидаги мутахассислар хulosаси эксперт-бухгалтер томонидан текширилиб, тааллуқли хulosса учун асос бўлиши мумкин. Бунда, албатта мутахассис-бухгалтер хulosадаги рақамли маълумотларни тўғри ҳисоблаганлигига ишонч ҳосил қиласди. Агар рақамли маълумотларда хатога йул қўйилганлиги аникланса, терговчига (судга) маълум қилинади. Терговчи ўз навбатида қўшимча ёки тақрорий экспертиза тайинлайди. Эксперт-бухгалтерларниң бошқа билим соҳасидаги хulosаларини текшириш жараёнида уларда қайд этилган дастлабки ва якуний маълумотларни узаро маслаҳат ва узаро текширишларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Эксперт -бухгалтер текширув жараёнида қандай услублардан фойдаланиши мумкин?
2. Терговчи томонидан кўрилмаган хужжатлар билан эксперт бухгалтернинг ишлаш ҳуқуқи йуклигини изоҳлаб беринг.
3. Оператив ва норасмий ёзувларни неча гурухга ажратиш мумкин? Уларни изоҳлаб беринг.
4. Бошқа билим соҳасидаги эксперт-мутахассисларнинг хулосаларини текшириш тўғрисида тушунча беринг.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар**

**Суд-экспертиза муассасаларини фаолиятини ахборот билан таъминлаш** - Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма сўровига кўра суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши шарт.

**Суд экспертизасига материаллар тақдим этиш тартиби бузилганда**- суд эксперти бу тўғрида экспертиза муассасаси раҳбарини хабардор қиласди, суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, экспертиза муассасаси раҳбари ўттиз кун ўтгач унга материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтаради.

**Қўшимча суд экспертизаси-** хулосадаги бўшлиқларнининг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) томонидан ўтказилади.

**Қайта суд экспертизаси-** Хулоса асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки суд экспертизасини ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта суд экспертизаси тайинланади.

### **Мазу бўйича тест саволлари**

**1. Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосини аниқланг?**

- А) Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни.
- Б) Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни.
- В) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.
- Г) Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни.

**2. Экспертиза ўтказиш учун талаб қилинган қўшимча материаллар тақдим этилмаса...**

- А) Экспертиза тўхтатилади.
- Б) Экспертиза кечикирилади.
- В) Қўшимча материаллар 30 кун мобайнида тушмаган тақдирда эксперт текширишни мавжуд материаллар бўйича ўтказади.
- Г) Қайта экспертиза тайинланади.

**3. Терговчи томонидан кўрилмаган ҳужжатлар билан эксперт-бухгалтернинг ишлаши мумкинми?**

- А) Мумкин, суд райиси розилик берганда.
- Б) Мумкин, айбланувчи талаб қилганда.
- В) Мумкин, эксперт-бухгалтернинг шахсий ташаббусига биноан.
- Г) Мумкин эмас, Узбекистон Республикасининг ЖПК асосан Эксперт-бухгалтер ишда мавжуд бўлган ҳужжатлар бўйича операцияларни ўрганади ва хуносада беради.

**4. Экспертнинг фикри айбланувчига тақдим этилганда қандай ҳужжат тузилади?**

- А) Тушунтириш хати.
- Б) Баённома.
- В) Далолатнома.
- Г) Ариза.

**5. Суд-бухгалтерия экспертизасини қандай ҳужжатга асосан ва ким тайинлади?**

- А) Прокуратура органининг қарорига асосан прокурор.
- Б) Суд органининг қарорига ососан суд райиси.
- В) Маҳаллий ҳокимият органларнинг қарорларига асосан ҳокимлар.
- Г) Суд-прокуратура органлари терговчиларининг қарорлари ва суд ажримига асосан.

**6. Суд бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан олдин....**

- А) Терговчи буйруқ чиқаради.
- Б) Терговчи фармойиш қабул қиласи.
- В) Терговчи қарор чиқаради.
- Г) Терговчи эълон беради.

**З-мавзу.  
АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ- ХҮЖАЛИК  
ОПЕРАЦИЯЛАРИ БҮЙИЧА СУД-БУХГАЛТЕРИЯ  
ЭКСПЕРТИЗАСИННИНГ ФАОЛИЯТИ**

**1-маъруза.** Касса ва банк операциялари бўйича  
суд-бухгалтерия экспертизаси

**2-маъруза.** Товар моддий бойликлар юзасидан  
суд-бухгалтерия экспертизаси.

**Маъруза режаси:**

1. Корхоналарда касса хўжалигини ташкил этиш
2. Банкдаги ҳисоб-китоб ва бошқа счетлардаги пул маблағларини ишлатилишини суд бухгалтерия экспертизаси
3. Савдо, умумий овқатланиш корхоналарида касса ва банк операциялари бўйича суд бухгалтерия экспертизаси

**1. Корхоналарда касса хўжалигини ташкил этиш**

Суд-бухгалтерия экспертизаси услуби ва муентазамлиги кассадаги пул маблағларининг қай тарзда ва қай усулда сустеъмол қилинганига, касса муомалалари характеристига ва уларнинг формасига ҳам боғлиқ бўлади. Касса муомалаларини юритиш Марказий Банк бошқармасининг «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари» билан тартибга солинади. Касса муомалаларини юритишда содир булган вазиятга мувофиқ касса муомалаларини текшириш накд пул маблағлари, қатъий ҳисбот қофозлари ва бошқа бойликларни инвентаризациядан ўтказиш билан амалга оширилади. Инвентаризация 19 - бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (1.5 моддаси)га мувофиқ ўтказилади.

Корхонада касса хўжалигини тўғри ташкил этиш қўйидагиларга боғлиқ бўлади:

-текширилаётган корхонада битта ёки бир нечта кассир (ёки шунга ваколатли шахслар) ишлашини;

-кассирнинг фақат текширилаётган корхонада ишлаши ёки ўриндошлик асосида бошқа корхоналарга ҳам хизмат қўрсатиши;

-кассирнинг касса муомалаларини юритиш қоидалари билан танишганлиги;

Кассадаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишда корхона **бош бухгалтери** ва **кассири** иштирокида амалга оширилади, **текшириш пайтида бошқа шахслар қатнашиши мумкин эмас**.

Корхонада бир нечта касса бўлганда уларнинг барчаси бухгалтер-эксперт томонидан томонидан мухрланади.

Шунингдек, кассадаги пул маблағларини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда кассада сақланаётган қимматли қофозлар (акциялар, облигациялар, сертификатлар ва бошқалар), ЁММ талонлари, қатъий ҳисбот бланкалари, санатория ва дам олиш уйлари йўлланмалари, авиачипталар ва бошқа қимматли қофозлар ҳам текширилиб, уларнинг мавжудлиги далолатномада кўрсатилади.

Эксперт кассадаги пул маблағларини текшириш билан бирга айни пайтда сейфлар (ўтда ёнмайдиган шкафлар), кассанинг жиҳозланиши, иш кунининг

охирида касса эшиклари ва сейфлар (шкафлар) муҳрланиши, сигнализация ўрнатилганлиги ва унинг ишлаши, кассани қўриқлашнинг ташкил этилиши, кассир «олинди», «тўланди» деган штамплар билан таъминланганлиги ҳам текширилади. Бутун текширилаётган даврга тегишли барча касса хужжатлари ёппасига текширилиши шарт.

Пул маблағларидан нотўғри фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш билан боғлик хатоларга йўл қўйилган бўлиб, буни бухгалтер билмаслиги мумкин. Шунингдек кассадаги нақд пулларнинг ҳисоб қолдиқларига мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин. Бундай тафовутларнинг асосий сабаблари кассага келиб тушган пулларнинг ўз вақтида кирим қилинмаганлиги ёки харажат қилинган пулларни ҳисобдан чиқарилмаганлиги бўлади. Экспертиза ўтказаётган бухгалтер, камомад, уларнинг миқдорини ва сабабларини ҳам аниқлаши керақ. Хужжатлар ва ёзувлар билан боғлик камомад ва ортиқча чиқишилар сабаблари бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги маълумотларни текширишда аникданади. Хужжат ва ёзувларда акс эттирилган касса муомалаларини эксперт текширишга киришаркан, бухгалтер касса дафтарида бошланғич хужжатларнинг ҳаммаси қайд эттирилганлигига ишонч ҳосил қиласди. Касса ҳисботларининг тўғрилигини қўриб чиқади, сўнг муомалаларнинг якунини ҳисблайди. Экспертнинг навбатдаги ҳаракати тўлов қайдномаларга қўшиб ёзиш йўли билан кассадан тўланган ҳамма пуллар якун суммаларига тузилган проводкаларни текширишдан иборат. Баъзан кассадан чиқим қилинган пулнинг миқдорини кўпайтириб, проводка тузишлар ҳам учрайди. Тўлов қайдномалардаги сустеъмоллар ҳар доим ҳам таққослаш усули билан топилавермайди. Касса муомалалари бўйича алоҳида счёtlардаги ёзувларнинг асослилиги текширилиб чиқиласди. Бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрларидаги ёзувларнинг асосли эканлиги касса ҳисботига илова қилинган хужжатларга асосан аниқланади.

Тергов амалиётида бухгалтерия проводкаларининг бошланғич тасдиқдовчи хужжатларга тўғри келмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Масалан, кассир билан бухгалтер келишиб касса ҳисботи чиқим устунидаги умумий якунни ошириб кўрсатади ва пул қолдиқларини ўша кунга ёки ҳисбот даврига камайтиради. Чиқим устунидаги пуллар йириндисини ҳар хил счёtlарга, масалан, ҳар хил қарздорлар ва бокимандалар ҳисоб-китоб счётига (4000, 6000) ҳисобдан чиқиласди. Бундай харажатлар текшириш муддати ўтган кредитор қарзлар ҳисобидан кассадан чиқим қилинади. Кассадан берилган пуллар бухгалтерия, томонидан ҳар хил счёtlарга, яъни бу счёtlарнинг дебетига олиб борилиши (4010, 6960, 6710) мумкин. Бунинг учун кассадан сарфланган пуллар қаёққа, қайси тўлов счёtlарига кирим қилинганлигига ишонч ҳосил қилинади. Агар кредитор қарзга пул қўйилса унинг сабаблари, ҳўжалик муомалаларининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Касса муомалаларини текшираётганда ўзаро назорат текшириш ва арифметик ҳисоблаш билан ҳисоботлардаги ёзувлар касса дафтаридағи ёзувлар билан мувофиқлигини текширади. Ушбу усуллар билан кассадаги пулларни түлиқ кирим құлмаслик ёки сарф қилинган пулларни ҳисобдан түлиқ чиқармаслик билан боғлиқ бўлган хатоликлар, сунстеъмол қилишнинг вазият-ҳолатлари аниқданади.

## **2. Банкдаги ҳисоб-китоб ва бошқа счетлардаги пул маблағларини ишлатилишини суд бухгалтерия экспертизаси**

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида банкдаги счёtlарга доир муомалаларни суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишда эксперт банкдаги миллий ва чет эл валютасидаги пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда уларга илова қилинган солиқ ҳисоботини текширишдан бошлайди. Бунда даставвал банкда очилган счёtlар сони ва раками ҳамда қайси банкда очилганини аниқланади. Бу маълумотлар экспертга барча счёtlар бўйича банк кўчирмаларини ва ҳар бир счёт бўйича ҳисоб регистрларини текшириш учун керак бўлади.

Сўнгра эксперт корхона ва банк ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг юридик асосларини аниқлайди, банк хизмати қўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси нормалариға мувофиқлигини текширади.

Банкдаги счёtlар бўйича пул маблағлари кирими ва чиқимиға доир муомалалар банкда тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Ушбу дастлабки ҳужжатларнинг шакллари ва тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки йўриқномаларида белгиланган. Бундай ҳужжатларга қўйидагилар киради:

- \* банк кўчирмалари (банк томонидан тасдиқланиб илова қилинган ҳисоб-китоб тўлов ҳужжатларининг шакллари билан); тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, тўлов топшириқнома-талабномаси, тўлов ордери, инкасса топшириқномаси (фармойиши), ҳисоб-китоб счётига нақд пул топшириш учун ариза, валютани мажбурий сотиш учун топшириқнома, валюта сотиб олиш учун топшириқнома, резидентнинг сотиб олинган валютани сўмга айлантириш тўғрисидаги фармойиши ва бошқалар;
- \* банк ҳисоб-китоб ҳужжатларига илова қилинадиган ва амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлигини асословчи дастлабки ҳужжатлар.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш пайтида ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини текширади, ҳужжатларни арифметик текширув ва банкдаги счёtlар бўйича амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлигини текширувдан ўтказилади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш пайтида банкдаги счёtlардан акцептсиз (розиликсиз) ҳисобдан чиқаришга доир муомалаларни текширишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундай ҳолатлар фақат суд қарори, бевосита қонун қўрсатмалари, мижознинг банк шартномаси асосида амалга оширилиши

мумкин.

Банкдаги счёtlар бўйича муомалалар Ўзбекистон Республикаси Солик қонунчилигига мувофиқ солиқлар ёки йигимларни ундириш тўғрисидаги қарорни таъминлаш учун тўхтатилиши мумкин. Ушбу чеклашлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига мувофиқ ижро қилиш навбати солик тўлашга доир мажбуриятлардан олдин тўланадиган тўловларга тааллукли эмас. Банкдаги муомалаларни тўхтатиш солик органидан бундай муомалаларни тўхтатиш тўғрисидаги қарор олинган пайтдан то ушбу қарор бекор қилингунга қадар амал қилади.

Бухгалтерия ҳисботининг ишончлилигини тасдиқлаш учун ундаги кўрсаткичларнинг синтетик ва аналитик ҳисоб, банк кўчирмаси маълумотларига мослигини текшириш керак.

Шундай қилиб, банкдаги 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» бўйича амалга оширилган банк муомалаларини текширишда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

\* корхонада ҳисоб-китоб счёти, валюта счёти ва маҳсус счёти борлиги, шунингдек улар қайси банк муассасаларида очилганлигини аниқлаш;

\* счёtlар сонини аниқлаб, баланснинг «Ҳисоб-китоб счёти» бўйича қолдиқлар ва бу счёtlар бўйича банк кўчирмаларидағи ушбу баланс санасига бўлган қолдиқларни солиштириш, шунингдек, банк кўчирмаларида акс эттирилган суммаларни илова қилинган дастлабки хужжатларда акс эттирилган суммалар билан таққослаш лозим;

\* амалга оширилган муомалаларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ва меъёрий хужжатларга мувофиқлигини текшириш;

\* банкдаги счёtlардан олинган кўчирмалар ва кўчирмаларга илова қилинган, муомулаларни тасдиқловчи хужжатларнинг тўғри расмийлаштиришини текшириш;

\* банк кўчирмаларида ва банкдаги пул маблағлари ҳисобга олинадиган регистрларда пул маблағларининг кирими ва чиқими бўйича оборотларни жамлашни ва кун охирига қолдиқ чиқаришнинг тўғрилигини арифметик текшириш;

\* банк кўчирмаларидағи, бухгалтерия ҳисоби регистрларидағи ва Бош дафтардаги ёзувларни ҳамда Бош дафтардаги қолдиқлар ва баланс моддаларининг мослигини текшириш;

\* банк муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби счёtlарида тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш зарур. (Масалан: кассага олинган накд пулларни 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти дебетида акс эттириш ўрнига бошқа счёtlарга олиб бориши ҳолларига йўл қўйилмаганлигини аниқлаш);

\* банк кўчирмасида акс эттирилган ҳар бир муомала тегишли дастлабки хужжатлар (счёtlар, тўлов топшириқлари, тўлов талабномалари, шартномалар, акт процентовкалар ва бошқалар) билан тасдиқланиши лозим. Банк кўчирмаларига илова қилинган

\* дастлабки хужжатлар қуйидаги тартибда гурухланади; олдин банк кўчирмалариға кирим хужжатлари, улардан кейин эса барча чиқим хужжатлари

кетма-кет илова қилинади;

\* банк кўчирмаларини бундай тартибда текшириш банк хужжатларини амалга оширилган муомалаларнинг моҳиятига кўра текшириш билан бирга амалга оширилиши керак. Бунда қуидагиларни аниқлаши лозим:

\* товарсиз счёtlар ва бошқа ноқонуний муомалалар бўйича бўнаклар (аванслар) ва тўловларнинг нотўғри ўтказилишига йўл қўйилмаётганлиги (текширилаётган корхонага алоқадор бўлмаган, бошқа корхоналар ҳаридлари ва сарфларига доир счёtlарни тўлаш ва х. к. );

\* Товар-материал қийматликларни мавсумий жамғариш, бажарилган ишлар учун буюртмачилар томонидан тақдим қилинган счёtlарни тўлаш мақсадида олинган банк ссудаларидан ўз вақтида ва тўғри фойдаланиш ва х. к., ссуда олиш учун тақдим қилинган хужжатларнинг тўғрилиги;

\* банкдан олинган лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчаларининг ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги ва қонуний фойдаланилаётганлиги (уларнинг қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар сифатида ҳисобга олиниши), улар ҳисобдор шахсларга тилхат бўйича берилаётганлиги;

\* ҳисобдор шахслар томонидан чек дафтарчаларининг ишлатилиши тўғрисида ҳисбот тузилиши, ҳисобдор шахслар ҳисботларидаги қолдиқ ва оборотларнинг маҳсус ссуда счёti бўйича қолдиқ ва оборотларга мос келиши;

\* чекларнинг номерлари, саналари ва суммаларнинг транспорт хужжатларида кўрсатилиши ва х. к. ;

\* аккредитивлар оркали амалга ошириладиган муомалаларнинг тўғрилиги ва қонунийлиги, шу билан бирга бундай ҳисоб-китобларни ҳам аниқлаш зарур;

Булардан ташқари, корхонанинг тўловга лаёқатсизлиги юзага келмаётганлиги ва бундай ҳолда корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш борасида қандай чоралар кўрилганлиги ҳам аниқланади.

Банк муомалаларини экспертиза қилиш чоғида эксперт 5710-«Йўлдаги пул жўнатмали» счётида акс эттирилган суммаларнинг хаққонийлигини ҳам текшириш лозим. Кўпчилик ҳолларда буюртмачилар бажарилган ишлар учун олдиндан ўтказилган тўловлар муддати ўтиб кетганида дебитор қарзларни ҳисботда камайтириб кўрсатиш мақсадида суммаларни 5710 счёtgа олиб борадилар.

Амалдаги тартибга кўра 5710 счёtdа банк муассасаси кассасига ёки почтага топширилиб, бироқ корхонанинг 5110 «Ҳисоб-китоб счёti» ёки маҳсус счётига келиб тушмаган пуллар (даромадлар) шунингдек, текширилаётган корхонага бошқа корхона ёки юқори ташкилотдан ўтказилган, лекин текширилаётган корхонанинг ҳисоб-китоб счётига ҳисбот ойида келиб тушмаган, яъни ой охирига йўлда бўлган суммалар акс эттирилиши лозим. Бухгалтерлик ҳисобида 5710-счёtgа доир муомалаларни акс эттириш учун қуидаги хужжатлар асос бўлади; даромад топширилганда банк муассасаси кассаси ёки почта томонидан берилган, пул топширилганлиги ҳақидаги патта; пул муомалаларини ўтказишида эса пулни қабул қилиб олган банк муассасаси ёки почта бўлимининг номи, номери, санаси ва сумма кўрсатилган корхона авизоси.

5110 -«Ҳисоб-китоб счёti» га келиб тушган пул маблағларини текширишда,

уларни кирим қилишнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги аниқланади. Чунончи, касса муомалаларини текшириш жараенида барча банк кўчирмаларида банкка топширилган нақд пул бадаллари алоҳида белгилаб қўйилиши лозим.

Ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш бўйича банкдан олинган нақд пулларнинг ўз вақтида тўлиқ қабул қилиниши ҳамда мақсадга мувофиқ ишлатилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Пул маблағларини ўтказиши, мол етказиб берувчиларга қарзларнинг қопланиши, улардан фойдаланишнинг ҳаққонийлиги ва асослиигини таъминлаш мақсадида ушбу счёtlар текширилади.

Эксперт акцептланган топшириқлар билан алоқа бўлими орқали пул ўтказилганда хатога йўл қўйилмаганлигини ҳам текшириши лозим. Бунда жорий ва депонентланган иш ҳақи, ижро варақалари бўйича ушланган суммалар еки ҳисобдор суммалар ва х. к. текширилади.

Пул ўтказилаётган вақтда ўтказилиш хусусиятлари ва ўтказилаётган сумма тўғрилиги (дастлабки ҳисоб ҳужжатларига солишиши йўли билан) шунингдек, ўтказишларни оладиган шахслар рўйхатининг ишончлииги текширилиши лозим.

Корхона ва фирмалар хорижий валюталардаги пул маблағларининг тўлиқ киримга олинишини аниқлаш ва валюта муомалаларининг ҳисобда тўғри акс эттирилишини текшириш муҳим масала ҳисобланади.

Корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида маҳсулот (иш, хизмат) экспортидан даромад оладилар, импорт товарлар бўйича тўловларни амалга оширадилар, хорижга хизмат сафарлари бўйича сарфларни тўлайдилар ва Ўзбекистонда ҳамда чет эллардаги банкларда очилган валюта счёtlари орқали бошқа муомалаларни амалга оширадилар. Банкларда валюта счёtlарини очиш тартиби ва улар бўйича муомалаларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилиги ҳамда Марказий Банкининг меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банк ҳужжатларида халқаро ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқлар ва муомалалар миллий валюта ва чет эл валюталари турлари: АҚШ доллари, евро, немис маркаси, инглиз фунт стерлинги ва х. к. бўйича кўрсатилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик шахс-резидентлар қуидаги валюта счёtlарига эга бўлишлари мумкин:

\* транзит валюта счёти - экспортдан олинган валюта тушумини тўлиқ ҳажмда ҳисобга олиш учун мўлжалланган;

\* маҳсус транзит валюта счёти - Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида чет эл валютасини сўмга сотиб олиш ва уни яна сотишга доир муомалаларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган;

Жорий валюта счёти юридик шахс маблағларни ва валюта қонунчилигига мувофиқ счёtgа доир бошқа муомалаларни амалга ошириш учун мўлжалланган хориждаги валюта счёти Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг Маҳсус рухсатномасига мувофиқ хорижда ваколатхоналарига эга ташкилотлар учун очилади.

Банкдаги валюта счёtlари бўйича муомалаларни суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишида эксперт қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

- \* жорий валюта муомалалари ва капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ валюта муомалалари хуқуқий режимига риоя қилиниши;
- \* валюта муомалаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг лицензиясига эга бўлган, ваколатли банклар орқали валюта муомалаларини амалга ошириш;
- \* ваколатли банкларда айрим валюта муомалаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан бериладиган рухсатномалар ва лицензияларнинг мавжудлиги;
- \* юридик шахс-резидентлар томонидан улар ихтиёрида мавжуд бўлган, легал келиб чиқишига эга валюта маблағлари чегарасида чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- \* 5210-«Мамлакатимиздаги валюта счёtlари» счёti бўйича очилган «Транзит валюта счёtlари», «Махсус транзит валюта счёtlари», «Жорий валюта счёtlари», «Хориждаги валюта счетлари» субсчёtlаридаги валюта маблағларига доир муомалалар ҳисоби.

Валюта счёtlари бўйича муомалаларни экспертизадан ўтказиш пайтида эксперт текширувидан ўтказиш банкда очилган, шу жумладан чет эллардаги ҳам, ҳар бир валюта счёti бўйича амалга оширилади.

Бунда шуни эътиборга олиш керакки, агар Ўзбекистон корхонасининг хорижий банкда, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки лицензияси бўйича очилган счёti бўлса, бу лицензия унга валюта тушумини қабул қилиш учун асос бўла олмайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида хорижий банкдаги счёtgа валютани ҳар бир кирими учун маҳсус рухсатнома бўлиши лозим.

Резидент бўлиб ҳисобланган, экспорт қилувчи ташкилотлар валюта тушуми қабул қилинишининг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширишда, ваколатли банклардаги уларнинг валюта счёtlари бўйича қуидагиларни аниқлаш керак:

- \* ташкилот валюта тушумини чет эллик ҳамкорининг рекламациясини қониқтириш ҳисобига жарима тўлаш ёки зарарларни қоплаш, яъни ўзаро талабларни ҳисобга олиш тўғрисидаги талабларни;
- \* экспорт контрактлари каби, импорт контрактларини бажариш чоғида ҳам ўзаро қарз суришиш ҳолларига йўл қўйилмаганлиги;
- \* Ўзбекистон Республикасига ўтказилиши лозим бўлган ва хориждаги резидентнинг ихтиёрига ёки мулки қаторига ўтган тушумдан тўловлар амалга оширилмаганлиги. Олинган даромад пул ўтказиш амалга оширилгунга қадар фақат ушбу даромад олинган ташки иқтисодий муомала билан бевосита боғлиқ бўлган банк комиссиялари ва чиқимларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин.

Валюта тушумининг тўлиқ кирим қилинишини текшириш учун йил давомида тушган валюта суммаси экспорт қилинган товар қиймати билан таққосланади.

Валюта счётига доир муомалаларини текшириш чоғида валюта сотиш ва

сотиб олишга доир муомалаларнинг тўғри акс эттирилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки корхоналар бухгалтерлари кўп ҳолларда ҳисобга олиш услубиётида ҳам, курс фарқларини ҳисоб-китоб қилишда ҳам валютани сўмга ҳисоблаб ўтказишида кўплаб хатоларга йўл қўядилар.

Валютани сотиб олишга доир муомалаларнинг валюта қонунчилигига ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибига мувофиқлигини текшириш алоҳида аҳамиятга эга.

2017 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғричида”ги ПФ-5177-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига биноан, шунингдек валютага оид тартибига солишининг бозор механизмини жорий этиш, мамлакатимизни экспорт сиёсатини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, ички ва ташқи бозорда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақоботдошлигини ошириш, республикада инвестицион иқлим ва ишбилармонлик мұхитини яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Бу фармон валюта бозорини янда эркинлаштиришга қаратилган бўлиб, унда:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютани эркин сотиб олиш, ўзининг валюта маблағларини ўз хоҳишига қараб тасарруф этиш хукуқини беради;

- хорижий валютага нисбатан миллий валюта курсини белгилашда фақат бозор механизмидан фойдаланиш имконини беради;

- ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатлами ҳаёт даражасида валюта сиёсатини эркинлаштириш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни камайиш юзасидан ижтимоий кўмак чораларини амалга оширади.

Ушбу Фармонга биноан юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибаги тадбиркорлар, шунингдек, хорижий валютада даромадга эга бўлган фермер хўжаликларига ўзларининг банқдаги ҳисобварағиданнақд валюта олишга рухсат берилади.

Валюта қонунчилигига мувофиқ валюта сотишнинг фақат эркин сотиш ва қайтариб сотиш турлари сақланиб қолди.

Валютани қайтариб сотиш ички бозорда сотиб олинган ва маҳсус транзит счётга қабул қилинган валюталарни сотишни ўз ичига олади. Бу агар сотиб олинган валюта ҳамда маҳсус транзит счётига қабул қилинган ва резидент томонидан хизмат сафари харажатларини тўлаш учун ишлатилмаган валюталар маҳсус транзит счётдан мақсадли тайинланиши бўйича белгиланган муддатларда ҳисобдан ўчирилмаган ҳолларда.

Валютани ихтиёрий сотиш валюта тушумининг мажбурий сотиладиган суммасидан ошган суммасини ва жорий валюта счётидан валюта сотишни ўз ичига олади.

Валютани мажбурий ва қайтариб сотиш чоғида қонунчиликда белгиланган, сотиш тартибининг мажбурий шартлари каби, бу муомалаларни бухгалтерия

ҳисобида акс эттириш ҳам текширилиши лозим. Валютани ихтиёрий сотища эса асосан ушбу муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириши текширилади.

### **3. Савдо, умумий овқатланиш корхоналарида касса ва банк операциялари бўйича суд бухгалтерия экспертизаси**

Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш корхоналарини ташкил этиш, уларда овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва шахсларни рўйхатдан ўtkазиш ва улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора тартиблари тўғрисида» 2002 йил 16 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўtkазиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом», шунингдек 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидлари» билан тартибга солинади.

Савдо, умумий овқатланиш ва моддий-техника таъминотида касса операцияларини юритиша умумий ўхшашликлар бўлсада, лекин уларни ҳар бирида фаолият турларидан келиб чиқсан ҳолда кассада содир бўлаётган кирим-чиқим ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳужжатлар айланмасида фарқлар мавжуд бўлади. Уларни барчаси учун умумий бўлган ҳолатлар қуидагилар:

-касса хўжалигини юритиша асосан “Касса кирим ордери” ва “Касса чиқим ордери” бўлиб, улардаги маълумотлар “Касса кирим, чиқим ордерларини қайд этиш журнали” да қайд этилади. Бу журналда кирим ва чиқим алоҳида рўйхатга олинади.

-кассадаги пул маблағларини кунлик кирими ва чиқимини ҳисобга олиш учун “касса китоби” юритилади. Касса китобига операциялар тизимли равишда кирими ва чиқими бўйича алоҳида ёзиб борилади. Касса бўйича пул ҳаракати умумий маълумотлар № 50 синтетик счетда олиб борилади.

Касса бўйича пул маблағларини ўзлаштириш икки гурӯхга бўлинади:

-касса китобида (аналитик ҳисоб маълумотларида) ёширган сохталаштириш;

-касса китоби билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардаги сохталаштириш.

Касса китобидаги сохталаштириш одатда уч турдан иборат:

-касса китобининг чиқим қисмига ҳужжатсиз ёзув киритиш;

-мавжуд бўлмаган тўлов қайдномаси ёки касса ордери қўшиш;

-касса ҳисботидан кейинги ҳисботга касса қолдигин нотўғри қўчириш).

Юқорида зикр этилган учала ҳолатда ҳам корхона бош бухгалтерининг сохталаштиришда иштироки мавжуд бўлади.

Касса китоби ичидаги хужжатсиз ёзувлар тезда кўзга ташланадиган ҳолат бўлиб, бухгалтерия ходимлари бундан кўра бошқа ҳолатларга яъни сохта хужжатлар (тўғридан-тўғри назорат қилинмайдиган) бадал, кредит учунг тўлов, меҳмонхона тўловлари ва бошқалар учун сохта хужжатлар илова қилиш ҳоллари учраб туради.

Масалан. Корхона ишчисига унинг аризасига биноан омбордан материаллар олиш учун рухсат берилди. Икки нусхада ёзилган “талабнома”ни бир нусхаси материал олувчига берилди. Шу вақтнинг ўзида “талабнома” суммасига касса кирим ордери расмийлаштирилади. Кассага пул тўлангандан сўнг касса кирим ордери касса китобида қайд этилади ва талабнома эса материал олувчининг имзоси билан ҳисботга илова қилинади. Ушбу жараёнда энг камида учта бухгалтерия синтетик счет-“Касса” “Материаллар” ва “Турли кредиторлар” счетлари иштирок этади; Шу боис бу жараёнда иккита актив ва битта пассив счетлар иштирокида бухгалтерия ёзувлари(проводкалар) амалга оширилади. Бухгалтерия методларидан “Счетлар” ва “иккиёқлама ёзув” услуби талабларидан келиб чиқсан ҳолда биз биламизки кассага кирим қилинган пул миқдорида омбордан материаллар чиқим бўлиши шарт. Бу тенгликни бузилиши эса сохталаштирилган ёки била туриб нотуғри ёзув киритилганлигидан дарак беради.

Одатда амалиётда хужжатларни сохталаштириш, ўғирлик, ўзлаштиришлар биринчи, иккинчи ва учинчи томонларнинг иштирокида амалга оширилади. Мавжуд қонунбузарликлар характеристига караб;

-келиб тушган тушум суммаларин камайтириш(хужжатларни солиштириш” йўли билан аниқланади);

-олдинги тузилган хужжатни атайлаб йўқотиш кабиларга бўлинади.

Бухгалтерия хужжатлари ва ҳисботини хужжатли текширув (аудит)йўли билан юқоридаги барча ўзлаштириш, ўғирлик ва бошқа ҳоллар аниқланади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва ФПК кўзда тутилганидек хужжатларни сохталаштиришда ва бухгалтерия ҳисобини юритишдаги барча четлашувларнинг асл ҳоллари суд-бухгалтерия эксперtlари томонидан қайта тикланади ва бунда жавобгар шахслар одилона жазоланади.

Умумий овқатланиш корхоналарига келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини нав (сорт) ва категорияларига қараб турли хил чакана баҳоларига эга. Бу маҳсулотлардан тайёрланадиган таомлар нарҳи ҳам турлича бўлади. Корхоналарда тайёрланадиган таомлар баҳосининг барқарорлигини таъминлаш, хом ашё ва масалликларни ҳисобга олиб бориш ишларини енгиллаштириш мақсадида бу корхоналарда хом ашё учун ўртача салмоқли баҳолар қўлланилади.

Масалан, ўртача салмоқли баҳолар гўшт, парранда, балиқ, ўсимлик ва чорва мойлари, сут, ун, макарон ва макарон маҳсулотлари, сабзавот, картошка ва шу каби озиқ-овқат товарлари бўйича аниқланади.

Савдо бирлашмасига қарашли умумий овқатланиш корхоналари хили, жиҳозланиши, жойлашган ери, сарф қилинадиган ҳаражатлари ва устама нархлар қўйиш даражасига қараб бешта; "Люкс", "Олий", "Биринчи", "Иккинчи" ва "Учинчи" категорияларга бўлинади.

Хом ашё ва масалликларга энг юқори устама нархлар юқори категориядаги корхоналарга қўйилса, паст даражадаги устама нарх эса учинчи категориядаги ошхоналарга қўйилади, чунки бу ошхоналар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмолни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларнинг айрим турларидан холидирлар. Корхона ва муассаса маъмурияти ўз ходимларининг овқатланишини ва уларга хизмат кўрсатишини ташкил этиш учун ошхоналарга бепул бино ва асбоб ускуналар ажратиб беради, ёқилғи ва электр куввати, транспорт ва шунга ўхшаш ҳаражатларни тўлайди.

### **ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Кассага пул маблағларини кирими ва уларнинг тўғрилигини суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш кандай амалга оширилади?
2. Кассадан пул маблағларини чиқими ва уларнинг тўғрилигини суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш кандай амалга оширилади?
3. Савдо корхоналарида касса операцияларини суд-бухгалтерия экспертизасидан ўтказиш тартиби қандай?

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар**

**Кассадаги пул маблағлари** – бу корхонанинг кунлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган, турли мақсадлар ва манбалардан келиб тушган, белгиланган муддатлар ва миқдорларгача сақланадиган кассадаги пул маблағлари.

**Йўлдаги пул маблағлари** – бу корхона кассасидан банкга турли йўллар билан топширилган, масалан инкассаторлар орқали, алоқа бўлими орқали, банкнинг кечки кассалари орқали, лекинда ойнинг охирида ҳали ҳисоб-китоб счётига кирим қилинганлиги банк кўчирмаси билан тасдиқланмаган пул маблағлари.

**Бухгалтерия** – бу корхонанинг бухгалтерия ҳисобини юритувчи бўлими.

**Штат жадвали** - бу бухгалтерия аппаратида ишловчи ходимларнинг лавозим ставкалари ва сонлари, уларнинг разрядлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган разряд таърифини ўзида мужассамлаштирувчи ҳужжат.

**Бош бухгалтер** – корхона раҳбари томонидан ҳисоб хизматига раҳбарликга тайинланган шахс.

**Бухгалтер** – бу корхонада ҳисоб ва ҳисботнининг у ёки бу бўлимини юритиши бўйича раҳбар томонидан лавозимга тайинланган шахс;

## **Мавзу бўйича тест саволлари**

### **1. Касса муомалаларини текшириш қандай ҳужжатлар асосида бўлади?**

- А) Юк хати товар-транспорт накладнойи, банк кўчирмаси.
- Б) 2-журнал-ордер, материалларни қабул қилиш далолатномаси.
- В) Депонентлар тўлови қайдномаси.
- Г) Касса кирим, чиқим ордерлари, касса дафтари, чек дафтарчаси, иш ҳақи тарқатиш қайдномаси, тўлов квитанциялар.

### **2. Савдо пуллари магазин кассасига тўла қабул қилинганлигини қайси ҳужжатларда тасдиқланади?**

- А) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги товар жўнатувчи ва банк ҳужжатига асосан тасдиқланади.
- Б) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги товар сотиб олувчи ҳамда пудратчининг ҳужжатларига асосан тасдиқланади.
- В) Бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилган савдо пули магазин кассасига тўла қабул қилинганлиги товар ва касса ҳисботлари билан тасдиқланади.
- Г) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги ҳисобдор шахс ва ишлаб чиқариш ҳисботлари билан тасдиқланади.

### **3. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш: «Ҳаракатлар стратегияси»нинг қайси бўлимига оид?**

- А) 4- бўлим.
- Б) 3- бўлим.
- В) 2- бўлим.
- Г) 1- бўлим.

### **4. Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом қачон қабул қилинган?**

- А) 2011 йил 5 январь.
- Б) 2010 йил 5 январь
- В) 2009 йил 5 январь
- Г) 2008 йил 5 январь

### **5. Корхона нечта ҳисоб-китоб рақамига эга бўлиши мумкин?**

- А) 4
- Б) 3
- В) 2
- Г) 1

### **6. Чек дафтарчалари каерда сақланади?**

- А) Банкда сақланади.
- Б) Архивда сақланади.
- В) Бухгалтерияда сақланади.
- Г) Ички аудиторда сақланади.

### **7. Корхонада банкдаги ҳисоб-китоб рақамидан накд пул олишда қандай ҳужжат расмийлаштирилади?**

- А) Тўлов топшириқномаси.
- Б) Тўлов талабномаси.
- В) Чек.
- Г) Реестр.

**8. Валюта счётидаги пул маблағлари ҳисобга олинади...**

- А) Чет эл валютасида.      Б) Миллий ва чет эл валютасида.  
В) Миллий валютада.      Г) Фақат АҚШ долларида.

**9. Аккредитивнинг турлари нечта?**

- А) 4      Б) 2      В) 3      Г) 1

**10. Банкларда маҳсус счётлар нима мақсадларда очилади?**

- А) Манзилли мақсадлар учун ижтимоий объектларни молиялаштириш учун очилади.  
Б) Манзилли мақсадлар (ижтимоий объектларни молиялаштириш, ҳукумат органларининг субсидиялари ва грантларини ҳисобини юритиш) учун очилади.  
В) Хўжалик операциялари учун пул кўчириш мақсадида.  
Г) Чет мамлакатлар билан ҳисоб-китоблар олиб бориш учун.

**11. Пул эквивалентлари счётида қандай маблағлар ҳисобга олинади?**

- А) Кредит счетидаги пул маблағлари.  
Б) Вақтинча банкка қўйилган омонатлар.  
В) Маркалар, билетлар, йўлланмалар ва бошқа пул эквивалентлари.  
Г) Касса лимитидан ортиқча пул маблағлари.

**12. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш «Ҳаракатлар стратегияси»нинг қайси бўлимiga оид?**

- А) 4- бўлим.      Б) 3- бўлим.      В) 2- бўлим.      Г) 1- бўлим.

**Маъруза режаси:**

- Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товар моддий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш.
- Саноат ва қурилиш ҳамда бошқа тармоқларда суд бухгалтерия экспертизаси ўтказиш

**1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товар-моддий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш**

Суд экспертизасида текширилувчи ишлар орасида савдо корхоналаридаги ўтириклар ва сунистеъмоллар бўйича суд-бухгалтерия экспертиза ишлари анча қисмини ташкил қилиб мухим хусусиятлари билан фарқ килади. Бу хусусият қуйидаги сабаблардан келиб чиқади:

- савдо корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритиш ва бошлангич ҳисоб хужжатларини расмийлаштиришда ўзига хос хусусиятдан;
- товар муомаласида улгуржи ва чакана савдо, корхоналари, тайёрлов ва ишлаб чиқариш фаолияти, умумий овқатланиш корхоналарида содир бўлувчи хужалик муомалаларининг хусусиятларидан;
- ушбу корхоналардаги турлича моддий жавобгарликлар ва уларни ташкиллаштириш шаклларидан фойдаланишдан.

Товар моддий заҳиралари 4-БҲМС «Товар моддий заҳиралари»га мувофиқ ҳисобга олинади ҳамда ушбу стандартга мувофиқ моддий заҳираларнинг таннархини ҳисоблаш ва уларни харажатларга киритиш тартиби белгиланади. Корхоналардаги бойликларга бўлган мулкчиликнинг турли шаклда мавжуд бўлганлигидан савдодаги товар-моддий бойликлар улгуржи базаларда, чакана савдо корхоналарнинг тақсимловчи омборларида жойлашган.

Савдонинг ушбу бўғинларидағи товар муомалалари бўйича эксперт-бухгалтер ечит учун қуйидаги масалаларни қўпроқ қўяди:

- товар моддай бойликлар камомадининг ташкил топиш даври ва жойи, моддий жавобгар шахслар давраси;
- товарларни тўла ва тўғри ўабул қилишни аниқлаш;
- товар муомалаларининг асосли ва тўғри бўлишини текшириш;
- товар нобудгарчиликларининг ҳисобдан тўғри чиқарилганлигини аниқлаш;
- товарларни қайта баҳолашни нотўғри қурилганлигидан олинган моддий зарарларни аниқлаш;

- товар-моддий бойликлар тўғрисида норасмий ҳужжатлар ва тергов ишининг бокқа материалларини инобатга олган ҳолда моддий заарларни аниқлаш;

инвентаризация натижаларининг тўғри чиқарилганлигини аниқлаш;

бухгалтерия ҳисобини ва ҳисботини ташкиллаштириш ҳамда юритишдаги камчиликларни аниқлаш.

Эксперт-бухгалтер олдига савдо корхоналаридаги товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши бўйича бошқа масалалар ҳам қуиилиши мумкин бўлиб, улар маълум жиной ишларнинг вазиятидан ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида маҳсус билимларга бўлган заруриятдан келиб чиқади.

Улгуржи ва чакана савдо муомалалари бўйича суд-тергов ишлари ўтказилганда мутахассис томонидан эксперт текширишнинг, умумий ва хусусий методлари қўлланилади.

Улгуржи, савдода товар ҳаракати жараёнида товар-моддий бойликларнинг угиrlаниши ва камомадини ҳисоблаш мақсадида мутахассис амалиётида тез-тез учраб турувчи суиистеъмоллар қўйидагилардан иборатdir:

- келиб тушган товар-моддий бойликларни ҳисобда тўла ёки қисман киrim қилмаслик;

хужисатлар ва моддий жавобгар шахсларнинг ҳисботида товарсиз-муомалаларни акс эттириш;

- товар ҳаракати муомалалари бўйича бошлангич ҳужжатларда товар нархига ўзgartiriш киритиш;

- турли товар нобудгарчилигини асоссиз ҳисобдан чиқариш;

товарларнинг ҳисобга олинмаган ортиқасини тузиш, инвентаризация бошланишига товар ва идишларнинг ҳисобдаги қолдигини камайтириш, инвентаризация фарқларини (товарлар камомадини) асоссиз қоплаш;

инвентаризация рўйхатидаги товар ва идишларнинг қолдиги тўғрисидаги маълумотларни бузиб курсатиш;

- харидорларга жунатилаётган товарларни контейнерларга ҳужжатда курсатилгандан кам миқдорда солиш;

бухгалтерия ҳисобида инвентаризация натижаларини кўрсатмаслик;

бухгалтерия ҳисоби счётларида товар ҳаракати бўйича муомалаларни нотуғри кўрсатиш ва хоказо.

Улгуржи савдо базасида товар ҳаракати муомалаларини эксперт текшириш учун қўйидаги материаллардан фойдаланилади:

- ҳужжатли тафтиш далолатномалари;

моддий жавобгар шахсларнинг ҳисботлари, товар-моддий бойликларнинг қабул қилинишига расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлар;

- ишончномаларни қайд қилиш дафтари, кам товар жўнатилганлиги сабаблари харидорларнинг тўловига тўла ва қисман эътиrozлари;

- харидорлар номига жўнатилган товарлар сифати ва нархлардаги бузилишларни нотўғри кўрсатишлар;
- инвентаризация материаллари (инвентаризация руйхати, таққослаш қайдномаси, табиий камайиш ҳисоблари, моддий жавобгар шахсларнинг камомад сабаблари тўғрисида тушунтириш хатлари);
- товарларнинг омбордаги хисобининг карточкалари қолдиқли ва оборот қайдномалари;

юк ташувчи ташкилотларнинг юкларининг турадиган жойи тўғрисида хабарномаси ва товарларнинг маъсул сақлашга қабул қилганлиги тўғрисидаги харидорларнинг хабарномаси;

товар ва идишлар савдо устамаси, жунатилган товарлар, бажарилган иш ва хизматлар, харидор ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб ва бошқа счёtlар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари;

бошқа турдаги экспертиза (товаршунослиқ иқтисодий) хулосалари;

жиноий ишнинг бошқа материаллари, моддий жавобгар шахсларнинг нормасмий ёзувлари, норматив ва бошқа хужжатлар.

Улгуржи савдо корхоналарининг товар муомалалари бўйича аниқ жиноий ишлар вазияти ва суд — бухгалтерия экспертизаси олдига қўйилган масалаларга кўра эксперт текширишнинг қўйидаги усуллари қўлланилади:

хужжатли текшириш, бирламчи ва йигма хужжатлар маълумотлари билан ҳисоб — регистрларни таққослаш, хужжатларни муқобил (ўзаро) текшириш, товар харакати бўйича муомалаларнинг хронологик таҳлили, инвентаризациялараро даврдаги молларни микдорий пулдаги ҳисобини тиклаш, қолдиқларни назорат текшириш, товар ва идишларнинг бухгалтерия ва оператив ҳисоби маълумотларини солиштириш, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва жиноий ишларнинг бошқа материалларини солиштириш, табиий камайиш нормасига мувофиқ товар нобудгарчиликларига ҳисобли жадвал тузиш, тегишли жиноий иш бўйича суд экспертизасининг бошқа турдаги материалларини текшириш, товар муомаласи бўйича ҳисоб маълумотларини унга ҳамроҳ бўлувчи хужалик муомалаларини таққослаш.

Улгуржи савдо корхоналарида камомадлар ва талон-тарожларни беркитишининг кенг тарқалган услублари — мол етказиб берувчилардан келтирилган товар-моддий бойликларни қисман кирим қилмаслик ва ўз вақтида кирим қилмасликдир. Товар-моддий бойликларнинг тўла кирим қилинишини текширишда микдорий қиймат ва синтетик ҳисоб маълумотлари бухгалтерия муомалаларининг хужжатли текшириш, таққослаш ва муқобил текшириш услубларини қўллаш билан атрофлича ўрганилади.

Дастлабки хужжатларни текширишда (ҳисоб-тулов талабномаси, фактура накладной, ишончнома, далолатнома) аввало уларнинг тўғри расмийлаштирилиши, зарур имзоларнинг мавжудлиги арифметик ҳисобларнинг тўғрилигига ишонч хосил қилиши керак

Товар моддий бойликларнинг тўла кирим қилинганлиги текширилганда, қабул қилувчининг хужжатлари билан товар етказиб берувчиларнинг хужжатлари солиштирилади. Кирим қилинган товарларнинг миқдори, нархи ва суммаси товар етказиб берувчининг хужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ келиши аниқланади. Товар ҳисоботлари ва унга илова қилинган дастлабки хужжатларни мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб-тўлов талабномаси ҳамда " Мол - етказиб берувчилар билан ҳисоб — китоб счётидаги тегишли ёзувларни омбордаги карточка ҳисоби ёзувларини солиштириш йўли билан товарларни тўла қабул қилиниши, уларни тўлов суммаларига мувофиқ келиши, шунингдек счёtlар корреспанденциясининг тўғри тузилганлиги аниқланади.

Солиштириш барча ҳисобот даврига ўтказмасдан балки хронологик тартибда, яъни товар кирим қўлинган кунлар тартибида амалга оширилади, чунки омбор мудирлари одатда қисқа муддатдаги товарлар ҳаракатига тузатиш киргизмасдан, ҳисобот даврининг охиридаги рақамларини ўзгартиради.

Омборга товарларни уз вақтида ва тўла кирим қилинганлигини аниқлаш учун кирим хужжат маълумотлари билан товар олишда берилган ишончнома, хужжатларни қайд қилиш дафтарида ёзувлар ҳамда улгуржи базага қабул қилинган товарларни акс эттирувчи бошқа регистрларни солиштириш яхши натижা беради.

Эксперт муассасасига келиб тушган масаланинг мазмуни билан танишиб чиққандан сўнг мутахассис умумий ва аниқ усулларни қўллаш билан зиддиятларни аниқдайди. Товар муомалаларини текшириш услублари корхоналарда ҳисобнинг натурал қиймат ва қиймат ўлчов бирлигига олиб борилишига боғлиқ Баъзи улгуржи ва чакана омбор базаларидаги товарлар пул улчовида ҳисобга олиб борилади. Бухгалтерия экспертизаси товар муомалаларини текширишнинг бундай ҳолларида миқдорий ҳисобни тиклаш услугига асосланиши керак

Омборда кирим қилинмаган товарларнинг сақланишини эксперт бухгалтер унинг ҳосил бўлиш шароитини аниқ кўрсатиши керак чунки уларни улгуржи корхона бухгалтериясида ҳисобдагидан ортиқча товарлар ҳисобидан бошқа товарлар камомадини ёпади. Айрим ҳолларда товарларни ўз вақтида кирим қилмаслик ёки ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган "ортиқча" товар омборга ёки базага кирим қилинади, окибатда омборларда товарларни ўзгартириш содир бўлади. Бу икки ҳолда ҳам ушбу ўзгартиришлар инвентаризация натижасида аниқланади.

Эксперт-бухгалтер "ортиқча" товарлар манбалари ва уларнинг келишини аниқлаш учун ҳосил бўлган ортиқча товарлар ҳаракатини хужжатлар асосида кузатиш керак Агар терговчи бундай товарлар маълум бир корхонадан келганлигини илгари сурса, эксперт бухгалтер мазкур корхоналарнинг омборини ҳамда кейинги ишлаб чиқариш корхоналари билан бўлган муомалаларни ҳам солиштириш йули билан текширади. Омборга товарларни келганлигини аниқдаш учун, товар

хужжатларини, товар-транспорт ёки улгуржи корхоналарга хизмат қилувчи юк ташиш бирлашмаларининг хужжатлари билан солишириб текшириш мақсадга мувофиқдир.

Товарларни ўзлаштиришда сохталашибилган талабнома ёки ишончномалар тузилса, уларни эксперт криминалист аниқлаб беради. Текширилаётган хужжатни сифатли ва сифатсиз тузилганлиги анқланади, яъни бу ерда, эксперт-бухгалтер изланаётган муомала солишириладиган хужжат ва текширишга яроқли бўлган юк ташиш хужжатлари ва бошқа хужжатларни текшириш керак Харидорларга товар сохта хужжат билан жунатилса, эксперт-бухгалтер эълон қилиб аниқлаши мумкин.

Мисол: В базаси омборда мавжуд бўлмаган оператив сохта хужжат асосида жун газламаси қабул қиласди. Сохта хужжат асосида қабул қилинган жун газламани у ерда савдо тармоғи орқали, ҳисобсиз тайёр маҳсулот, кирим қилинмаган товар сифатида сотилади.

Хужжатларни ўзаро текшириш натижасида В. базасидан чиқарилган жун газлама, базадан чиқарилганлиги тўғрисида тузилган хужжат ва маълумотнома асосида, товар қабул қилган корхона товар бу муомала юз бермасдан илгари тугатилганлиги аниқланади.

Харидорларга товарлар омбордан чиқаришда хужжатда кўрсатилгандан кам жунатилса ёки табиий камайиш ҳисобидан товар заҳира ҳосил қилинса, бу хизматларга (ортиқчани) ўзлаштириш жиноятини ҳосил қиласди. Бундай ҳодиса юз берганлиги аниқланганда эксперт - бухгалтер хулоса чиқаришни билиш керак Хулоса далолатномада омборда табиий камайишнинг нормада ишлатилмаган ва бунинг натижасида ортиқча товарлар ҳосил қилинганлигини тасдикловчи хужжатлар билан, кўрсатиш керак

Бундай ҳодисалар база ва омбордаги товарларни нотўғри саралаш натижасида товарларни сустеъмол қилишга олиб келади.

Шундай қилиб улгуржи савдо корхоналарида ўғирлик ва сустеъмоллар тўғрисидаги жиноий ишлар бўйича суд — бухгалтерия экспертизаси текширишнинг тааллуқли объектларидаги маълумотларга асосан ўтказилиб юқорида қайд этилган тартибда амалга ошувчи методик услублар тўпламидан ташкил топган.

Чакана савдо корхоналарида ўғирликлар бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси услуби хусусиятлари қуйидаги шартлар ва сабаблардан келиб чиқади:

- чакана савдо корхоналарида бир вақтда товарлар, идишлар, пулнинг кўп миқдори мавжудлиги;
- товарларнинг муомала соҳасидан аҳолининг пул даромадига алмашуви билан шахсий истеъмолга ўтишидан;
- товарларни харидорларга нақд пулга, насияга сотиш, ҳисоб-китоб чеклари банк бўлимларидағи ҳисоб-китоб счёtlари бажарилишидан;
- реализация қилиш учун товарларни турли манбалардан, мол етказиб, берувчилардан, омборлардан, кооперативлардан, кичик корхоналардан, аҳолидан қабул қилинишидан;

- чакана савдо корхонаси ичида ва уларнинг бўлинмаларида товарланинг чиқарилиши;
- чакана савдо корхоналарида товарларнинг ҳисоби қиймати ўлчовида юритиш;
- шиша идишларнинг харидорларга қайтариб топширилиши ва уларга нақд пул ва товарлар тўланиши;
- шиша идишларни ҳам товарларнинг ва тараларнинг таркибида ҳам ҳисобга олиниши;
- чакана савдо корхоналарида ҳарид баҳоларнинг бир неча турлари амал қилинади (давлат чакана нархлари, тижорат нархлари, шартнома бўйича нархлар, мавсумий чакана нархлар);
- моддий жавобгарликнинг якка, жамоа, бригада ҳамда шахсларнинг чекланган доирада тўла турларининг қулланишидан.

Чакана савдо корхоналаридағи сунистеъмоллар, ўғирликлар тўғрисидаги ишлар текширилганда эксперт-бухгалтер юқорида баён қилинган товарларнинг чакана савдосини ташкил қилишдаги ҳисоб юритиш тартиби ва хусусиятларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Улгуржи корхоналарда товар камомади ўғирликларни беркитиш мақсадидаги сунистеъмоллар чақана савдо корхоналарда ҳам учрайди.

Булардан ташқари товар ва пул бойликларининг ўғирланишини беркитиш мақсадида тубандаги сунистеъмоллар тез-тез учраб туради:

- четдан товарларни келтириш ва сотиш;
- чакана савдо корхоналарида сотишда ва инвентаризация рўйхатида товарларнинг нархларини ошириш;
- моддий жавобгар ва ҳисобдор шахслардан савдо пулини асоссиз ҳисобдан чиқариш;
- қалбаки касса ҳужжатларига кўра савдо пулини ҳисобдан чиқариш;
- майда чакана савдо шаҳобчалари сотувчиларнинг савдо пулини тўла кирим қилмасликлари;
- дўкон мудирларнинг қалбаки ҳужжатларига кўра товарларни ҳисобдан чиқариш;
- товарсиз муомалаларни расмийлаштириш;
- касса пулини харидор томонидан топширилган бўш шиша идишлар учун тўлашга деб олиш;
- инвентаризация бошланиш олдидан харидорлар томонидан қайтарилган товарларни кирим қилмаслик;
- нархлари туширилган товарларга нархларни нотўғри
- савдо пулини олиш ва камомадларни яшириш мақсадида уйдирма шахсларга тўлов мажбуриятномасини расмийлаштириш;

- кирим ҳаражатларини инвентаризация ўтказилгандан кейин товар ҳасботига қўшиш;
- инвентаризация бошланишига мавжуд савдо пулини нотўғри кўрсатиш;
- инвентаризация бошланишига товар ва тавалар қолдиғини камайтириб кўрсатиш;
- инвентаризация рўйхатига товарларнинг мавжуд қолдиғини асосиз ошириб кўрсатиш;
- инвентаризация рўйхати якунларини нотўғри ҳисоблаш;
- ўз-ўзига хизмат қўшиш усули билан сотищдан кўрилган заарларга ва табиий камайиш нормасига товар нобудгарчилигини асосиз қўшиш ва ҳоказолар.

Чакана савдо корхоналарида қуидаги ҳолларда бухгалтерия экспертизаси изланишлари ўтказилади:

- 1) дўконда кирим қилинмаган товар бўлганда ва товар нархи ортиқча қўйилганда;
- 2) чакана савдо корхоналарида товар камомади содир бўлганда;
- 3) яширин ҳолда ўзлаштирилган товар ва товарлар муомаласи содир бўлганда;
- 4) яширин ҳолда товарсиз чиқим хужжатлари асосида товарлар у ўлаштирилганда;
- 5) яширин ҳолда бухгалтерия ҳисобида товар ва таралар ўзлаштирилганда.

Чакана савдо дўконларида камомад бўлганда, бу корхоналарда учёт қиймат ўлчовида юритилганлиги, аналитик ҳисобда товарлар номлари ёзилганлиги сабабли товарлар камомад ўлчовини эксперт-бухгалтер шартли белгилайди ва сўм кўринишида аниқлайди.

Айрим ҳаражат хужжатларидаги товарлар артикули тааллуқли бўлган кирим хужжати кўрсатишдаги артикул баҳосидан паст бўлади.

Масалан: дўконда 876-сонли артикулдаги метри 1080 сўм бўлган жун газлама келиб тушди. Аммо шу артикулдаги чиқарилган ҳаражат хужжатида кўрсатилишига 870 сўм, фарқи- 210 сўм. Бу икки ҳодиса ҳам эксперт текширишнинг ўзаро солиштириш усулини қўллашни тақозо этади.

Ўзаро солиштириб текшириш асосан ҳар бир товарнинг чакана баҳосининг текширилишини тавсия қиласи, лекин эксперт хулосасида бунгача нақд кирим қилинмаган товарлар ёки бир хил товарларни саралаш натижасида турлари бўйича чиқаришда баҳолари кам фарқ қилиши тўғрисида, баҳоларнинг кўтарилиганлиги тўғрисида хулоса қилиш учун товаршунослик экспертизаси ўтказиш зарурати тутилади. Товарларнинг ўзлаштирилиши натижасида ҳосил қилинган камомадининг яширилиши кўпроқ товарларнинг бир савдо шаҳобчасидан бошқасига ўтказишида амалга оширилади.

Савдо ташкилоти корхоналараро товарлар қабул қилиниши ва чиқарилиши муомалалари таққослаш йўли билан текширилади. Товарлар корхоналарга раҳбарлар руҳсати билан ўтказилиши мумкин лекин мавжуд руҳсатномалар ҳамма вақт ҳам мақсадга мувофиқ ва қонунга асосланган бўлавермайди.

Товарсиз муомалалар текширилганда ҳужжатларни ўзаро таққослаш услуби қўлланилади.

Жиноятчиликда бухгалтерия ходимлари иштирок этган бўлса улар қатор ҳужжатлардаги «оилалардан чекланса (чекинса), сохта муомала, тўлдирилган ҳужжатларни қатор ҳужжатлар билан мос келишини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия экспертизаси қўлланилади.

Шундай қилиб, чакана савдо корхоналаридаги, суистеъмоллар ва ўғирликлар тўғрисидаги жиноий ишлар бўйича суд бухгалтерия экспертизаси тегишли обьектларни ўрганиш ва обьектив хулоса далолатномасини тузишда қўлланувини умумий ва маҳсус услублар мажмуасидир.

## **2. Саноат ва қурилиш ҳамда бошқа тармоқларда суд бухгалтерия экспертизаси ўтказиш**

Ишлаб чиқариш жараёнининг пиравард маҳсули бўлиб тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар - бу мазкур корхонада қайтадан ишлашни талаб қилмайдиган, стандартлар ва техник шартларига тўлиқ жавоб берадиган, техник назорат бўлими (ТНБ) ёки маҳсус комиссия томонидан қабул қилинган ва корхона омборига топширилган ёки буюртмачи томонидан қабул қашпишган буюм ва маҳсулотлардир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар бозор талабини ўрганган ҳолда тузилган шартномаларга, ассортимент, сон ва сифат режа топшириқларига биноан, доимо ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишга эътибор бериб маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Бозор муносабатлари шароитида асосий эътибор мол юбориш-шартномалари бўйича мол сотишга қаратилади, чунки бу корхона фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, унинг самарадорлигини аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг ҳисоб-китоб счетига пул тушган ва тушмаганлигидан қатъи назар барча юклangan ва жўнатилган маҳсулотлар реализация ҳажмига қўшилиши мумкин.

Шундай қилиб, сотиш жараёни корхона хўжалик маблағларининг доиравий айланишини якунлайди. Бу ўз навбатида корхонага давлат бюджети, ссудалар бўйича банклар, ишчи ва хизматчилар, мол юборувчилар олдида мажбуриятларни бажариш ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини қоплаш имкониятини беради. Реализация режасини бажармаслик айланма маблағлар айланитпини секинлашига, харидорлар олдида шартнома вазифаларини

бажармаганлиги учун жарима тўлашга, тўловларни 'кечикишига, корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади.

Корхона реализация ҳажми билан бир қаторда фойда суммасини (ҳажмини) ҳам режалаштиради. Чунки, маҳсулотнинг сотиш (шартнома) нархи белгиланганда унинг таркибига маълум суммада ёки фоизда фойда (даромад) суммаси ҳам киритилади. Агар шартнома (режа) бўйича сотишга тегишли маҳсулотлар микдорини шартнома баҳосига кўпайтирса режа бўйича уларни сотиш қиймати келиб чиқади, фойда фоизига қараб эса режа фойда суммаси ҳисоблаб чиқилади. Бу бюджетга фойдадан бўнак ажратмасини тўлаш учун база бўлиб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг синтетик ҳисоби 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счетида юритилиб, у мавжуд тайёр маҳсулотлар ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счетнинг дебетида омборга тушган маҳсулотлар, кредитида эса омбордан жўнатилган маҳсулотлар акс эттирилади.

Агар маҳсулотлар ҳаракатининг жорий ҳисоби режа таннархида юритилса, 2810 счетнинг дебетида иккита кўрсаткич режа таннархи ва режа таннархидан оғишиш суммаси ҳисобга олинади. Агар жорий ҳисобда корхонанинг улгуржи баҳолари қўлланилса, 2810 счетнинг дебетида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади: ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг корхона улгуржи баҳоси ва улгуржи баҳо қиймати билан ҳақиқий таннархи орасидаги фарки.

Маҳсулот, иш ва хизматлар сотиш ҳисоби 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарлар сотишдан олинган даромадлар» ва 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счетларида юритилади. Мазкур счетлар транзит бўлиб пассив счетларга мансубдир. Бу счетлар тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотиш жараёни тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счетларнинг кредит қолдиқлари молиявий натижани аниқлаш мақсадида ҳар ойнинг охирида 9900 «Якуний молиявий натижা» счетига ўтказилиб борилади.

Шунинг учун корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр маҳсулотлар уларни юклаш ва сотиш ҳисоби алоҳида ўрин тутиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

-тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг заҳиралари ҳолати ва омборларда сақланиши, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар устидан узлуксиз назорат қилиш;

-юклangan ва жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат) ларни ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш, харидорлар- билан олиб бориладиган ҳисоб — китобларни аниқ ташкил этиш;

-сотилган маҳсулотларнинг ҳажми ва ассортименти бўйича мол жўнатиш шартнома режасини бажарилиши устидан назорат қилиш;

-сотилган маҳсулот учун олинган суммани маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ҳақиқий ҳаражатларни, фойда суммасини ўз вақтида ва аниқ ҳисоблаб

чиқиши.

Бу вазифаларни бажарилиши корхонанинг бир текисда ишлаши, сотиш ва омбор хўжалигини тўғри ташкил қилиш, хўжалик муомалалармни ўз вақтида ва тўғри хўжжатлаштиришга боғлик.

4- сонли БҲМА нинг 7- бандига биноан корхона айланма маблағининг таркибий қисми ҳисобланган тайёр маҳсулотлар энг кам баҳода баҳоланиши керак: таннархидаги ёки соғ сотилиш қийматида.

Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисобот даври (ой, чорак, йил) тугагандан сўнг аниқлаш мумкин. Лекин маҳсулотларнинг ҳаракати ҳар куни содир бўлади (қабул қилиш, жўнатиш, юклаш, сотиш), шунинг учун жорий ҳисобда маҳсулотни шартли баҳода баҳолаш керак. Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг кундалик ҳисоби ишлаб чиқариш режа таннархидаги, ёки корхонанинг шартнома баҳоларида, ёки ҳисоб баҳоси деб номланадиган чакана жўнатиш баҳоларида юритилади.

Чунончи, маҳсулот бирлигининг режа таннархи корхонада ишлаб чиқилади. У ой охирида тайёр маҳсулотларнинг гуруҳлари бўйича оғишиш суммасини ёки фоизини ҳисоблаш йўли билан ҳақиқий таннархга етказиб қўйилади. Оғишиш суммаси ва фоизи маҳсулотнинг ой бошига қолдиги ва унинг ой давомидаги киримига қараб ҳисоблаб чиқилади. Оғишиши тежалганлигини ёки корхона томонидан ортиқча ҳаражатга йўл қўйилганлигини кўрсатади ва шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнидаги унинг иш натижаларини таърифлайди. Тайёр маҳсулотлар қайси счетларда ҳисобга олинган бўлса, оғишишлар ҳам шу счетларда тежалган бўлса қизил сиёҳда сторно қилиб, ортиқча ҳаражат бўлса оддий сиёҳда акс эттирилади. Оғишиш фоизи ва жўнатилган маҳсулотнинг режа таннархи сотилган ва омбордаги ой охирига қолган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлатп имконини беради.

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига ўтиш жараёни қуйидаги дастлабки ҳўжжатларда акс эттирилади: қабул қилиш — топшириш накладнойлари, далолатномалар, режалар, карталар ва б.

Маҳсулотларни бир меъерда ишлаб чиқариш харидорларга маҳсулот жўнатиш шартнома мажбуриятларини, маҳсулотни ўз вақтида сотиш, барча ҳисоб - китоб ва тўловларни бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун ишлаб чиқармлган тайёр маҳсулотларни маҳсулотларни ҳисоби корхона бухгалтериясининг узлуксиз назорати остида туради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳўжжатлари ҳар куни бухгалтерияга тушади ва бу ерда уларнинг турлари бўйича микдор натура ҳисоби юритилади. Ой тугагандан сўнг ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами режа, сотиш нархи бўйича ва ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархи билан режа таннархини таққослаб тежалганми ёки ортиқча ҳаражат қилинганми, шунга қараб корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иш натижасига баҳо берилади. Шу ернинг ўзида маҳсулотлар

жўнатиш (сотиш, шартнома) нархидаги ҳам баҳоланади, бу эса маҳсулотлар сотилгандан сўнг олиниши мумкин бўлган тушум ва фойдани аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 10/1 журнал - ордерининг 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счетини дебети ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетини кредити бўйича акс эттирилади. 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счети актив инвентар счети бўлиб, унинг сальдоси корхонанинг омбордаги маҳсулотлар колдигининг ҳақиқий таннархини кўрсатади; дебет обороти — асосий иишаб чиқаришдан қабул қилинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини, шунингдек мол олувчилар томонидан қайтарилиган маҳсулотлар қийматини, кредит обороти ҳисобот ойда юклаб жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини кўрсатади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатини пул кўрсаткичдаги ҳисоби 16-«Тайёр буюмлар ҳаракатининг пулдаги ифодаси» ведомостида юритилади. Қуйида бу ведомостнинг шакли келтирилади 16-«Тайёр буюмлар ҳаракатининг пулдаги ифодаси» ведомостининг I бўлимидан 2810 счетнииг тўлиқ маълумотлари таърифини икки баҳода — ҳақиқий ва ҳисоб баҳода олинади.

Тайёр маҳсулотларнинг омбордаги ҳисоби оператив -бухгалтерия усулида юритилади, яъни маҳсулотларнинг ҳар бир номенклатура номерига материалларнинг омбор карточка ҳисоби (17-М шакли) очилади. Тайёр маҳсулотларни кирими ва чиқимига қараб омборчи ҳужжатларга асосан карточкаларга қийматликлар миқдорини (кирим, чиқим) ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиги чиқарилади.

Омбор ҳисобини тўғри юритилиши бухгалтернинг омбор ҳисоби карточкасига қўйилган имзоси билан тасдиқланади.

Моддий - жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкаларига асосан ҳар ойда тайёр маҳсулотлар номенклатуралари, ўлчов бирлиги, миқдорини кўрсатиб тайёр маҳсулотлар қолдигини ҳисобга олиш ведомостини тўлдиради ва уни бухгалтерияга топширади. Бухгалтерияда ҳисоб баҳоси бўйича таксировка қилинади ва бухгалтерия маълумотлари (16-ведомостнинг I-бўлими) билан солиштирилади.

Юклаб жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва қўрсатилган хизматлар — булар маҳсулот ва хизматлар учун тўлов ҳужжатлари, мол юборувчилар томонидан банкка топширилган, лекин харидорлар томонидан тўланмаган сумма. Ой охирида юклаб жўнатилгаи, лекин тўлов ҳужжатлари банкка топширилмаган маҳсулотлар балансда омбордаги тайёр маҳсулотлар билак бирга акс эттирилади ва корхонанинг айланма маблағлари таркибида кўрсатилади.

Ҳисоблаш усулида мол олувчиларга маҳсулот юклаб юборилганда қўйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

1. Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига

Д-т 9110 «Сотилган маҳсулотнинг таннархи» счети К-т 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счети

2. Юклаб жўнатилган маҳсулотнинг шартнома (сотиш)  
қийматига

Д-т 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар” счети  
К-т 9010 “Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар счети”

Юклаб жўнатилган маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби 16-ведомостнинг  
II- бўлимида юритилади.

Бу ведомостнинг иккинчи бўлимида жўнатилган, сотилган маҳсулотлар,  
материал қийматликлар, хизматлар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг  
аналитик ва синтетик ҳисоби бирлашган. Жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар  
аналитик ҳисоби уларнинг натурал қўринишдаги турлари бўйича ёки тўлов  
хужжатлари бўйича икки баҳода - ҳақиқий таннархда ва сотиш нархида ташкил  
этилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ой бошига ва ой охирига тўланмай қолган,  
ҳисобот ойида жўнатилган, харидорлар томонидан қайтарилиган ва сотилган  
маҳсулотларнинг умумий миқдори ҳам ҳисобга олинади. Ведомостнинг II- бўлимини  
тўлдириш учун олдинги ойнинг ведомости (тўланмаган маҳсулотнинг ой бошига  
қолдиги), тўлов хужжатлари, ҳисобот ойида жўнатилган маҳсулотларга буйруқ -  
накладнойлар, шунингдек корхонанинг ҳисоб - китоб счетидан олинган  
банкнинг кўчирмалари асос бўлиб ҳисобланади. Мол олувчи ҳисобидан чек  
билин тўланган темир йўл тарифи ведомостда алоҳида кўрсатилади, чунки у  
маҳсулот сотиш ҳажмига киритилмайди.

Маҳсулотларни сотиш бирқанча ҳаражатларни келтириб чиқаради.  
Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлардан фарқли ўлароқ  
маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар тижорат ҳаражатлари  
дейилади. Тижорат ҳаражатлари таркибиغا қуидагилар киради:

мол юборувчи корхона ҳисобидан преискурантларга ёки шартнома  
шартига биноан қилинган идиш ва жойлаш (қадоқлаш ва ўраш), (ўраш қоғозлари,  
тахтачалар, каноплар) ҳаражатлари;

улгуржи баҳо франко - юклаб жўнатиш бекати усулида (юклаш, етказиб  
бериш, тушириш) белгиланган ҳолларда мол юборувчи ҳисобидан маҳсулот сотиш  
бўйича қилинадиган транспорт ҳаражатлари;

корхонанинг молиявий режасида назарда тутилган маҳсулот сотиш бўйича  
бошқа (комиссион йиғим, маҳсулотни таҳлил қилиш бўйича) ҳаражатлар.

Тайёр маҳсулотлар омборга қабул қилингандан кейин қадоқланган ва  
уралган (упаковка) ҳолларда, идиш ҳаражатлари тижорат ҳаражатларига  
киритилади.

Агар қадоқлаш цехларда маҳсулотларни омборга топширишга қадар  
бажарилган бўлса, идишлар қиймати маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига  
киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан  
тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш  
ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби  
тўғрисидаги Низом» га биноан бу ҳаражатлар 9410 «Сотиш ҳаражатлари»  
счетида ҳисобга олинади. Бу счет транзит бўлиб актив счетларга мансуб, ой бошига  
унда қолдиқ бўлмайди; дебет обороти маҳсулотни жўнатиш билан боғлиқ . бўлган  
ҳаражатларни кўрсатади, кредит обороти эса ҳисобот ойида фойдани камайтиришга

ўтказилган суммаларни кўрсатади. 9410- счети бўйича очилган счетларнинг аналитик ҳисобл дебет ва кредит оборотлари бўйича ҳисобот ойи ва йил ' бошидан жамланиб келувчи ҳаражат суммаларини моддалари бўйича кўрсатган ҳолда 15-ведомостда юритилади Бу, ўз навбатида, маҳсулот сотиш ҳаражатларини таҳлил қилиш ва ҳисобот тузишни осонлаштиради. Бу счетларнинг дебет оборот суммалари 1, 2, 7, 10/1- журнал - ордерларда акс эттирилади, кредит оборот суммалари эса - 11- журнал - ордерда.

Маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалаларининг мажмуи сотиш жараёни дейилади. Маҳсулот сотиш жараёнини режалаштириш корхонани буюртма билан таъминлашдан бошланади. Унга биноан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш асоси бўлган номенклатура бўйича режа тузилади. Буюртма'ларда маҳсулотларнинг ассортименти, юклаб жўнатиш муддати, миқдори ва сифати, нари, ҳисоблашиш шакллари кўрсатилган бўлиб буюртмачи ва мол юборувчилар билан келишиб олинади.

Маҳсулот учун пул харидорлардан ҳисоб-китоб счетига келиб тушган санада сотилди деб ҳисобланади (касса усули) ёки юклаб жўнатилган, топширилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун хужжатлар банкка топширилган санада сотилди деб ҳисобланади (ҳисоблаш усули). Иккала усулда ҳам сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарлар сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олкнган даромадлар» счетларида ҳисобга олинади. Сотилган товарларни қайтарилиши ва харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар 9040 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши» ва 9050 «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» - счетларида ҳисобга олинади. Бу счетларнинг хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг дебети ва кредитида бир ҳажмда (миқдорда) ги сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар бир хил суммада акс эттирилади.

9010, 9020 ва 9030 счетларнинг кредитида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети билан корреспондентлашган ҳолда маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотишдан тушадиган соф тушум акс эттирилади. Бу счетларда харидорларга жўнатилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар бўйича ҳисобланган акциз солиғи ва КДС суммалари акс эттирилмайди,

Капитал қурилиш икки ташкилий формада-хўжалик ва пудрат услубларида амалга оширилади.

Хўжалик усулидаги қурилишда қурилиш-монтаж ишлари ташкилотларнинг ўз кучлари билан бажарилади. Пудрат усулида қурилишда обьект ва ускуна-жиҳозларни қуриш ва ўрнатиш маҳсуслаштирилган қурилиш ва монтаж ташкилотлари томонидан буюртмачилар билан келишилган лойиҳа-смета хужжатларига титул вараклари ва маблағ билан таъминлаш режаси асосида бажарилади. Қурилиш ёки унинг алоҳида босқичлари тугалланиши билан буюртмачи бажарилган ишларни далолатнома бўйича қабул қиласида ва унинг смета қийматини тўлайди. Капитал қурилишнинг пудрат усулида амалга ошириладиган барча жараёнлар 17-БҲМС «Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари»га мувофиқ ҳисобга олинади.

Қурилиш ишларида учрайдиган масалаларни экспер特 текшириш хусусиятлари хужжатлардаги алохидар белгилар ва ҳисоб ёзуви ёрдамида суюистеъмолларни амалга ошириш ҳамда беркитишнинг ўзига хос усуулларидан келиб чиқади.

Моддий ва пул бойликларининг ўғирланиши қурилишда бажарилган ишларни ошириб кўрсатиш, уларнинг таркиби ва ишлаб чиқариш усуулларини бузиб кўрсатиш, қурилиш объектларига материалларнинг қийматини ҳисобдан чиқаришнинг белгиланган тартибига амал қилмаслик бажарилган ишларга ҳақ, ишчиларга маош, мукофотни асосиз ҳисоблаш билан боғлиқдир.

Ушбу суюистеъмолларнинг содир қилиш механизмини аниқлашда кўпроқ қурувчи-муҳандислар, иқтисодчилар ва товаршуносларнинг махсус билимларидан фойдаланишини тақозо этади. Шунинг учун комплексли экспертиза ўтказиш мақсадга мувофиқдир, бунда ўзаро узлуксиз экспер特 текшириш жараёнида ҳисоб муомалаларда натурал-кўрсаткичларнинг бузиб курсатилиши, ҳисоб ёзувларида муҳандислик ва бошқа билимлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши мумкин.

Бундай суюистеъмоллар тергов қилинганда одатда муҳандислик-қурилиш экспертизаси ўтказилади ва ундан кейин бухгалтер-эксперт олдига ечиш учун масалалар тузилади. Оқибатда экспертли текшириш ўтказиш қийинлашади, эксперталар ўз ваколатларинг! ошириб юборишга ёки экспер特 масалаларини бажармасликка олиб келади. Шу сабабли экспертиза ўтказиш учун материаллар тақдим этилганда мутахассис-бухгалтер экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор мазмуни билан танишиб қуйидагиларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади:

- суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш асослари;
- қуйилган масалалар экспертнинг хукуқ доирасига мувофиқ келиши;
- ҳисоб масалаларига оид аниқ фактлар;
- хукукий ва маълумотномали тавсифдаги масалалар қуйилгани.

Капитал қурилишда ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва маблағ билан таъминлашдаги хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва суд бухгалтерия экспертизаси амалиётида тез-тез учраб турувчи бухгалтерия ҳисоб масалалари қуйидагилардан иборат:

-бажарилган иш ўлчами тўғрисидаги кўрсаткичларни ошириб ёзилиши ва унинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига қўшиб юборилган қурилиш материаллари, ҳисобланиб ёзилган иш ҳақи ва мукофотларни ортиқча ҳисобдан чиқарилган маълумотларга мувофиқ келиши;

кирим қилинган ва сарфланганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилган материалларнинг миқдори ва суммаси тўғрисидаги маълумотларни бузиб курсатиш йўли билан ҳисобга олинмаган материаллар резервини тузиш;

қурилиш-монтаж ишларининг таннархи тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш;

- фойда тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва шу асосда иқтисодий рағбатлантириш фондларини хисоблаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни нотўғри кўрсатиш.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиши жараёнида капитал қурилиш ишлари бўйича эксперт текширишлар олдига куйидаги вазифалар қўйилади:

- қурилиш-монтаж ишлари хажми тўғрисидаги маълумотлар билан ишлаб чиқаришга сарфланган ва ҳисобдан чиқарилган қурилиш материалларининг миқдори ва суммаси ишчиларга хисоблаб ёзилган ҳамда тўланган иш хақи суммаси тўғрисидаги ҳасоб маълумотлари Ўртасидаги мос (мувофиқ) келмаслик белгиларининг мавжудлиги ва Уларнинг ўлчамини аниқлаш;

- ҳисоб муомалаларини амалдаги қоидаларга риоя қилинmasдан

Белгиларини аниклаш; ҳисобдаги мос келмасликларни бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг ўлчамига ҳамда хужалик фаолиятидаги салбий ҳодисаларни ўз вақтида аниқланмаслигига қилган таъсирини

-ўғирлик ва бошқа суиистеъмол фактларини олдини олиш мақсадида ҳисобнинг маълумот бериши ва назорат қилиш Фуйкцияларини такомиллаштиришига оид профилактик тавсияномаларни ишлаб чиқиш.

Ушбу вазифаларнинг асосий турлари эксперт-бухгалтер ҳал мумкин бўлган масалалар доирасини белгилайди. Бу масалаларни ифодалаштерговчини қизиқтирган воқеаларга бевосита алоқадор бўлган ҳисоб маълумотларида қайд этилган фактларни тақозо этади.

Курилиш ишларини текширишда экспертга тақдим этилган асосан қуйидагилардан иборат: 1. Дастребки (бирламчи) ҳужжатлар - қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши тўғрисида далолатнома, товар-моддий бойликларнинг ҳаракатини акс эттирувчи кирим ва чиқим накладнойлари, иш ҳақи ҳисоблаш ва ёзишга доир ҳужжатлар ва ҳоказолар.

2. Умумлаштирувчи ва қайд этувчи ҳужжатлар-материаллар ҳаракати бўйича участка бошликлари, прорабларнинг ҳисботлари, топширилган ҳужжатларнинг рўйхати товар етказувчилардан келиб тушган юкларни қайд этиш дафтари, ишловчиларнинг шахсий счёtlари ва бошқалар.

3. Аналитик ҳисоб кайдномалари ва дафтарлари - материаллар ҳисобига асосан тузилган оборот ва қолдиқли қайдномалар, ҳисоб-китоб ва тўлов қайдномалари.

4. Синтетик ҳисоб регистрлари - бухгалтерия ёзувлари (мемориал ордерлар, журнал-ордерлар).

5. Ҳисоботлар, тафтиш далолатномалари, мұхандислик-қурилиш, режа - иқтисодий, криминалистик ва бошқа турдаги экспертиза хulosалари ва бошқалар.

Қурилиш ишларида учрайдиган суиистеъмоллар қуйидаги босқичларда текширилади:

1. Текширилувчи ҳужжатлар системасини белгиланган норматив актларга мувофиқ келишини таҳлил қилиш.
2. Ҳужжатлардаги реквизитларнинг математик ва мантикий боғланишлар.
3. Белгиланган баҳолар, нормалар, нормативлар ва чекланишларга амал қилинишини таҳлил қилиш.
4. Ҳисоб маълумотларига ишлов бериш технологияси ва ҳисоб юритиш қоидаларига риоя қилинишини таҳлил қилиш.
5. Бухгалтерия ҳисоби назорат функциясининг бажарилишини таҳилил қилиш.
6. Пировард хulosани тузиш учун ҳар бир турдаги таҳилил натижаларини умумлаштириш.

Талон-тарожлар түғрисидаги ишларни тергов қилишда вужудга келган асосий масалаларнинг эксперт амалиётида ечиш йўлларини мисолларда кўрамиз.

Вилоят матбуот уюшмасига карашли 7-сон қурилиш-монтаж бошқармасида қурилиш материалларининг ва ишчиларга асоссиз маош ҳамда мукофот тўланганлиги сабабли суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш түғрисида терговчининг қарори тайинланган. Хусусий шахс томонидан 2005 йил 05.10 да 15 минг дона ғишт сотиб олиниб қурилиш майдончасидан Газ-51 маркали юқ ташиш автомашинасида ташиб кетилганлиги сабабли иш қўзғатилган. Ҳаридор ғишт учун ҳақни машина ҳайдовчисига тўлаган, ҳеч қандай ҳужжат олмаган ва машина рақамини ёдида сакдаб қололмаган.

Терговчи томонидан тайинланган тафтиш №7- сонли қурилиш участкаси ҳўжалик фаолиятини 01.07 дан то 01.11 га қадар даврни ўрганиб чиқди. Тафтиш жараёнида 20 октябрга 1 ва 2-қурилиш участкаларида инвентаризация ўтказилиб материалларнинг ортиқчаси ва камомади қузатилмаган. Участка бошликларининг таътилдан қайтганликлари сабабли 1-июлда — 1-участкада, 1-августда — 2-участкадаги моддий бойликлар инвентаризацияси ўтказилган.

Икки қурилиш участкасида ҳам 1-октябрга режада белгиланган инвентаризация ўтказилган. Инвентаризация материаллари тўғри расмийлаштирилиб далолатномадаги бойликларнинг қолдиқлари билан ҳисобдаги қолдиқлар орасида тафовут қайд этилмаган. Назорат ўлчаш натижасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб ишларини бажариб тафтишчи қуйидаги хulosага келди:

1-участка ишчиларига август ойида 38200 сўмдан маош ҳисобланиб ёзилган, жумладан гидролиз цехи қурилишидаги ишчиларга 21220 сўмдан ва бетон қориш тугуни бўйича 16980 сўмдан. Сентябрь ойида мана шу участкада № 3

қурилиш бошқармаси рўйхатдаги таркибига кирмаган 8 шахсга ёрдамчи ишчиларнинг иш вақтини ҳисобга олиш табелига 8800 сўмдан иш ҳаки қўшиб ҳисоблаб ёзилган; № 3-курилиш бошқармасида 111-квартал учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича (ҳақиқий бажарилган ишларни ҳисобга олишга қадар ва ундан кейин) ортиқча сарфлаш фактлари содир этилган.

Банк хужжатлари ва уларни ҳисоблаш № 3-сон қурилиш бошқармасидан II-сон корхонасининг июль ойида бажарилган электромонтаж ишлари учун № 124 рақамли счёт тўлов талабномаси 34850 сўм пул (бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома счётга илова қилинмаган) тўланганлиги аниқланди, сентябрь ойида эса № II сон ПМК № 3 - қурилиш бошқармасининг аниқ обьект ва бажарилган ишлар кўрсатилмаган № 643-сон счёг-тўлов талабномасига пул кўчирган. Қурилиш ишларини бажариш учун сарфланган суммалар "Ўз кучи билан бажарилган қурилиш монтаж ишлари" 2010 счётининг "Бошқа ҳаражатлар" моддаси бўйича ҳаражатлар таркибига киритилган, жумладан 21710 сўм (643-сон счет бўйича) ҳаражатларнинг камайишига ёзилган.

Назорат ўлчов ва хужжатли тафтишда аниқланган III- квартал иш ҳажмларини ошириш, қўшиб ёзиш ва иш ҳақининг асосиз ҳисоблангандан бошқа солҳа мутахассислари ўтказган комплексли қурилиш-техникавий ва режа иқтисодиётли экспертиза тасдиқланди.

Назорат ўлчовда аниқланган ҳакиқий бажарилган ишларга норма бўйича неча сўмлик асосий қурилиш материаллари ҳисобдан чиқарилиши керак деган саволга эксперт мутахассисдан қуйидагича жавоб олинди: ҳакиқий бажарилган ишларга (иш ҳажмига қўшиб ёзиш фактлари аниқланган обьектлар бўйича) нормага мувофиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган асосий материалларнинг сони: гидролиз цехи бўйича ғишт - 152,1 минг дона, бетон қоришимаси - 36 м<sup>3</sup>. "Бетон қоришмалари тугуни" обьектида эса материалларнинг ҳисобдан чиқарилмаслиги керак чунки бу ерда ишларнинг бажарилганлиги тўғрисида маълумотлар йуқ.

Юқорида келтирилган комплексли экспертизанинг хulosалари бухгалтерия ҳисоби хужжатларидаги далиллар билан тасдиқланганлиги, қатор масалалар бўйича ҳисоб иқтисодий таҳлил ўтказилмаганлиги сабабли суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш масалаларни ечиш тайинланиб унинг олдига қўйилди:(жадвал)

1. Тақдим қилинган бухгалтерия хужжатларидан № 3-сонли қурилиш бошқармасининг I қурилиш участкасида III кварталда бажарилган ишлар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ҳисобда ошириб қўрсатиш оқибатида таштнинг ҳисобга олинмаган резерви тузилганлигини тасдиқдовчи маълумотлар борми? Агар бўлса қанча миқдорда ва ҳисобдаги баҳолар бўйича неча сўмни тузади?

2. Тақдим қилинган бухгалтерия хужжатларидан 1П-кварталда 1 ва 2-қурилиш участкаларида ғишт сарфланишини ҳисобдан чиқаришнинг белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида ғиштнинг ортиқча

резерви тузилганлигини тасдиқдовчи маълумотлар борми? Агар бўлса унинг сони қанча?

3. Сентябрь ойига I ва 2- участкаларда иш ҳақи ҳисобланишига таъсир қилувчи ва бажарилган ишларга ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган материалларнинг микдорини белгиловчи ҳисоб маълумотлари орасида мос келмасликлар учрайдими ё йўқми? Агар учраса бундай мос келмасликлар ҳужжатларининг қайси маълумотларида акс эттирилган?

4. 3-сон қурилиш бошқармаси (I қурилиш участкаси) ишчилар рўйхати таркибида бўлмаган шахсларга қайси маблағдан маош ҳисобланган. Ушбу қурилиш бошқармасида меҳнатга тўлов (истеъмол) фондидан ортиқча сарф қилинишига олиб келмадими? Агар шундай бўлса у қанча сўмни ташкил қиласди?

5. Ҳисоб ва ҳисоботда 3-қурилиш бошқармаси билан 11- қурилиш-монтаж колоннаси ўртасидаги  $124 = (11 \text{ КМК})$  ва  $643 = (3 \text{ КБ})$  счёtlари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби қоидаларига риоя қилинган ҳолда акс эттирилганми? Агар аксинча бўлса, ҳисобнинг қайси қоидаларига риоя қилинмаган ва у қурилиш-монтаж ишларига сарфланган харажатлар тўғрисида маълумотларни нотўғри кўрсатилишига қандай таъсир қиласди?

Мутахассис - эксперт юқорида қўйилган масалаларни ечишга киришар экан, моддий, молиявий маблағлар ва улар билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ҳаракати тўғрисида аниқ-тасавурга эга бўлиши учун қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш тузилса ва асосий ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг тасвирини тузади. Тасвирда ишда эслатиб ўтилган ва эксперт олдига қўйилган масалаларга тааллукли алоқалар ахборот кўринишида келтирилади.

## Текшириш учун саволлар

1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товар-моддий захиралар такиби нималардан иборат?
3. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг товар-моддий захиралар ишлатилишини бухгалтерия экспертизаси қандай ўтказилади?
4. Саноат корхоналарида материаллар ҳисобини юритилишини суд-бухгалтерия экспертизаси.
5. Саноат корхоналарида тайёр маҳсулот ҳисобини юритиш, сотиш ва молиявий натижалар ҳисобини тўғри ташкил этишнинг суд-бухгалтерия экспертизаси.
6. Хизматлар кўрсатиш ва бажарилган ишлар бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси.

## **Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар**

**Расшифровка** – тафсилотнома - баланснинг у ёки бу моддасига киритилган суммаларни очиб берилиши.

**Контр моддалар** – бу асосий счёtlарда акс эттирилган суммани камайтирилишига олиб борувчи моддалар

**Хужжат** – бу хўжалик операцияларини ҳақиқатда юз берганлигига гувоҳ берувчи ёки уларни келгусида юз беришига асос бўлувчи ёзма гувоҳнома.

**Карточкалар** - булар хўжалик операцияларини қайд этиш учун мўлжалланган ва алоҳида ҳисоб варақалари сифатида қалин қофозга ёки картон қофозга типографик усулда маълум шаклда тайёрланган регистрлар.

**Машинограммалар** - булар замонавий компьютерларда тегишли алгоритмлар ва дастурлар асосида шаклланган аналитик ва синтетик ҳисоб, шунингдек молиявий ҳисобот регистрлари.

**Штат жадвали** - бу бухгалтерия аппаратида ишловчи ходимларнинг лавозим ставкалари ва сонлари, уларнинг разрядлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган разряд таърифини ўзида мужассамлаштирувчи хужжат.

**Режали инвентаризация** – бу кассани инвентаризация қилиш режасига мувофиқ ўтқазиладиган инвентаризация;

**Режадан ташқари инвентаризация** – бу кўзда тутилмаган ҳолларда, масалан фавқулотдаги ҳодисалар юз берганда (ўгрилик, табиий оғатлар, ёнгин ва шу каби ҳодисалар содир бўлганда) ўтқазиладиган инвентаризация.

**Ишлаб чиқариш захиралари** – хом-ашё ва материаллар, ёқилғи, тара ва тара материаллари, эҳтиёт қисмлар, курилиш материаллари, хўжалик инвентарлари, боқувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар.

**Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари** – тайёр ҳолга етмаган маҳсулотларга тўғри келадиган харажатлар, яrim маҳсулотлар.

**Тайёр маҳсулотлар** – ишлаб чиқаришнинг барча босқичларидан ўтган, истеъмолга тайёр ва тегишли сифат сертификатига эга маҳсулотлар.

**Товарлар** - магазин ва омборларда сақланаётган истеъмол буюмлари.

**Олинадиган счёtlар** - бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидағи дебиторлик қарзлари.

**Хужжатлаштириш** – хўжалик операцияларини маълум бир ҳужжатлар билан расмийлаштириш усули.

## **Мавзу бўйича тест саволлари**

**1. Товар моддий заҳиралари қайси БХМСга асосан ҳисобга олинади?**

- А) № 1                    Б) № 5                    В) № 7                    Г) № 4

**2. Хўжалик процессуал кодексининг вазифалари....**

- А) Иқтисодиёт соҳасида корхона манфаатларини ҳимоя қилиш.  
Б) Иқтисодиёт соҳасида муассаса ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилиш.  
В) Иқтисодиёт соҳасида фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.  
Г) Иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган хуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш.

**3. Катта хажмда камомад ва талон-тарожларга йул қўйилганда тергов органларига тафтиш ўтказишда қандай асослар бўлади?**

- А) Жиноятнинг айрим фактлари аниқланса.  
Б) Бухгалтерия ҳисобини юритишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигидан келиб чиқиб дастлабки ҳужжатларни нотўғри тузилганлиги тўғрисида айбланувчининг тавсияномаси ҳамда дастлабки ҳужжатлардан фойдаланиш билан бўлган ўзгаришларни айбланувчилардан олинганда.  
В) Суд жараёнида айбланувчи талаб қилганда.  
Г) Бухгалтер-эксперт талаб қилганда.

**4. Товарсиз муомалаларнинг асосий хусусияти нимада акс этади?**

- А) Моддий жавобгар шахс савдога келган товарларнинг бир қисмини кирим қилмайди.  
Б) Моддий жавобгар шахс шартнома асосида бир савдо корхонасидан иккинчи савдо корхонасига товарларни ўтказиш тўғрисидаги юк хатини тузади ҳамда унда ҳисботда бўлмаган товарлар харажатини акс эттиради.  
В) Моддий жавобгар шахс товарлар қолдигини камайтириб қўрсатиш мақсадида чиқим ҳужжатларини ўзгартиради.  
Г) Моддий жавобгар шахс савдодан тушган нақд пулларни бир қисмини кассага топширмайди.

**5. Умумий овқатланиш корхоналарида қандай жараён амалга оширилади?**

- А) Савдо.                    Б) Ишлаб чиқариш.  
В) Хизмат қўрсатиш.                    Г) Юқоридаги барча жараёнлар.

**6. Умумий овқатланиш корхоналари амалиётида сунистъмолларнинг қандай усуллари мавжуд?**

- А) Ошхонада тайёрланган маҳсулотга белгиланган меъёрдан кам масаллик сарфлаш.  
Б) Ошхонада тайёрланган маҳсулотга белгиланган меъёрдан кўп масаллик сарфлаш.

- В) Ошхона буфетида маҳсулотларни паст нархларда сотиш.  
Г) Буфет учун сотиб олинган маҳсулотларни ошхона (кухня)га бериш.

**7. Умумий овқатланиш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳисобга олишни текширишда қандай хужжатлардан фойдаланилади?**

- А) Ошхона маҳсулотлари харажати тўғрисидаги мудир хисоботи, маҳсулотларнинг қабул қилиниши ва сарфланишга ёзма қайдномалардан.  
Б) Буфетни таъминлаш учун сотиб олинган маҳсулотлар хужжатларидан.  
Б) Ошхона маҳсулотларини реализацияси тўғрисидаги таомнома(меню)дан.  
Г) Буфетдан нақд пулга сотилган товарлар хужжатларидан.

**8. Қандай ҳолатларда амалдаги меъёрий хужжатларга мувофик умумий овқатланиш корхоналарида камомадни ва ортиқчаликни бир бирига қоплаш мумкин?**

- А) Умумий овқатланиш корхоналарида камомадни ва ортиқчаликни бир бирига қоплаш корхона раҳбари рухсати билан амалга оширилади.  
Б) Умумий овқатланиш корхоналарида камомадни ва ортиқчаликни бир бирига қоплаш корхона бош бухгалтери рухсати билан амалга оширилади.  
В) Умумий ҳолатда товарлар бўйича камомад ёки ортиқчалик аниқданганда уларни бир бирига қоплаш товарларнинг ташки кўринишида ўхшашлик бўлганда амалга оширилади.  
Г) Умумий овқатланиш корхоналарида товарлар бўйича камомад ёки ортиқчалик аниқданганда уларни бир бирига қоплаш мумкин эмас.

**9. Қурилиш – бу...**

- А) Иқтисодиётнинг бир тармоғи.      Б) Жараён.  
В) Фаолият тури.                                  Г) Иқтисодиёт тармоғи, бўлиб, фаолият натижасида бино, обьектлар яратилади.

**10. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби обьектлари таркибини тўлиқ ифодаловчи жавобни топинг?**

- А) Активлар.  
Б) Активлар ва мажбуриятлар.  
В) Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал.  
Г) Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал ва хўжалик фаолияти натижалари.

**11. Қурилиш ташкилотларида ҳисоб сиёсатини қайси орган тасдиқлайди?**

- А) Вазирлар Маҳкамаси.                                  Б) Молия Вазирлиги таслдиқлайди.  
В) «Ўздавархитектқурилиш» АК.      Г) Қурилиш ташкилотининг раҳбар органи.

**12. Қурилишда эксперт-бухгалтерга қўйидаги материаллардан қайсилари тақдим этилади?**

- А) Қурилиш монтаж ишларини бажариш тўғрисида далолатнома хамда киримчиқим юқ хатлари, иш хақини ёзишга дойир хужжатлар.
- Б) Қурилиш ташкилоти раҳбарининг буйруқлар китоби.
- В) “Қурилиш бўйича меъёрлар ва қоидалар” (СНиП).
- Г) Эвокуация режаси.

**13. Қурилиш ташкилотларида олиб бориладиган бухгалтерия ҳисоби ишларини эксперт-бухгалтер томонидан аниқланадиган камчиликларнинг неча турлари мавжуд?**

- А) Битта тури.
- Б) Иккита тури.
- В) Учта тури.
- Г) Тўртта тури.

**14. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”нинг қайси бўлимида кўзда тутилган?**

- А) 5- бўлим;
- Б) 2- бўлим;
- В) 3- бўлим;
- Г) 4- бўлим.

**15. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия соҳасига таъсир қилувчи алоҳида хусусиятларига киради...**

- А) Мавсумийлик.
- Б) Мавсумийлик ва давомийлик.
- В) Харажатлар даврининг мос келмаслиги.
- Г) Харажатлар даври ва маҳсулот олиш даврининг мос келмаслиги.

**16. Қишлоқ хўжалиги корхонасида ҳисоб қандай шаклда юритилиши мумкин?**

- А) Мемориал ордер шаклида.
- Б) Журнал ордер шаклида.
- В) Ихчамлаштирилган шаклда.
- Г) Ҳисоб юритиш шарт эмас.

**17. Қишлоқ хўжалиги корхонасинингўзига хос хусусиятлари қайси жавоб вариантида тўлиқ ифодаланган?**

- А) Вигитация даврининг календар йили билан тўғри келиши.
- Б) Календар йили билан ҳисобот йилининг тўғри келмаслиги.
- В) Вигитация даврининг календар йили билан тўғри келмаслиги.
- Г) Календар йили билан ҳисобот йилининг тўғри келиши.

**Маъруза режаси:**

- 1. Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг моҳияти, аҳамияти ва уни тузиш тартиби.**
- 2. Экспертиза хулосаси далолатномасини тузиш тартиби.**
- 3. Суд-тергов ишларида экспертнинг тажрибасизлиги, унга қўйилган саволларга аниқ жавоб бермаслиги ҳоллари ҳақида.**

**1. Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг моҳияти, аҳамияти ва уни тузиш тартиби**

Суд эксперти ёки суд эксперталари комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча суд эксперти ёхуд суд эксперталари комиссияси таркибиға кирувчи ҳар бир суд эксперти имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулосада:

суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой;

суд экспертизасини ўтказиш асоси;

суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар;

суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар;

суд экспертининг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг руҳсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги;

суд экспертининг олдига қўйилган саволлар;

суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари;

суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;

қўлланилган усуслар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмuni ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд эксперталари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги;

текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар;

иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертининг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада хуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қиласди.

Текширишнинг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади.

Улар суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) талабига биноан ишга кўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки суд экспертизининг маҳсус билимлари етарли эмаслиги текшириш давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборилади.

Терговчи кўрилаётган иш юзасидан экспертиза тайин қилиб, материалларни экспертга юбориш билан чегараланмасдан, мутахассис билан мунтазам алоқа боғлаб туриши лозим.

Тергов давомида экспертизага оид янги материал ёки маълумотлар топса, уни эксперт ихтиёрига ўтказиши керак Шунингдек эксперт ҳам экспертиза ўтказиш давомида унга маълум бўлиб қолган янги фактлар билан терговчини хабардор қилиши мумкин. Бу ҳолат саволларни эксперт олдига қўйишида муҳим аҳамиятга эга.

Айрим ҳолларда экспертиза текширишида айбланувчинининг иштироқи ҳам зарур бўлиб қолади. Масалан, суд-бухгалтерия, суд-товаршунослик техник автотехника, технология ва шуларга ўхшашиб экспертизалар ўтказишида айбланувчининг иштироқи керак бўлиб қолади. Эксперт-бухгалтер айбланувчидан ишга доир тушунтириш хатлари олиши ҳам мумкин.

Терговчи экспертиза ўтказишнинг асосий қоида ва методларини яхши билиши керак **ҳар қандай экспертиза ўтказиш уч босқичдан, яъни тайёргарлик кўриш, текшириш ва хулоса чиқариш босқичларидан иборат бўлади.**

Тайёргарлик кўриш босқичида эксперт экспертиза текширишлари олиб бориш учун керакли шарт-шароит яратиши лозим. Унинг ихтиёрига юборилган материаллар билан танишиб, текшириш учун етарли ва яроқлилигини аниқлаши, агар зарур бўлса, терговчидан қўшимча материаллар талаб қилиб олиши, ишдаги материаллар билан танишиб чиқиши мумкин. Текширишнинг ҳарактерига қараб керакли аппаратураларни тайёрлаш, маҳсус адабиётларни кўриб чиқиш ва шунга ўхшашиб ҳатти-харакатларни амалга ошириш экспертнинг тайёргарлик кўриш ишларини ташкил қиласди.

Суриштириш босқичида экспертиза объектлари устида текшириш ишлари олиб борилади.

Хулоса чиқариш босқичида ўтказилган текширишларнинг натижалари тўпланиб, якун ясалади ва бу якун «эксперт хулосаси» деб аталиб расмийлаштирилади.

Хулосанинг тадқиқот қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

суд экспертизаси текшируви обьектларининг ҳолати;

фойдаланилган тадқиқот усуллари ва бу усуллар қўлланишининг техник шароитлари;

суд экспертизаси таҳлилининг шароитлари, мақсади ва натижалари ҳамда намуналар олиш;

хулосани асослаш учун аҳамиятга эга тергов (суд) ҳаракатлари (сўрок, кўздан кечириш, эксперимент ва шу кабилар)нинг натижалари;

намойиш материалларига қилинган ҳаволалар, иловалар ва уларга берилган зарур изоҳлар;

олиб борилган текширув ва унинг алоҳида босқичлари натижаларига берилган суд эксперти баҳоси.

Қайта суд экспертизаси хулосасининг тадқиқот қисмида, агарда тадқиқот натижалари билан аввалги суд экспертизаси хулосасининг якунлари ўртасида тафовут мавжуд бўлса, бунинг сабаблари кўрсатилади.

Хулосанинг тадқиқот қисми маҳсус билими бўлмаган шахслар учун тушунарли тилда баён этилган бўлиши керак. Маҳсус атамалар изоҳлаб берилган бўлиши лозим.

Эксперт хулосаси аниқ ва тушунарли бўлиши, тузилиши эса изчил, маънодор ва ишонарли бўлиши шарт. Эксперт ўз хулосасида имконияти борича қийин ва мураккаб терминларни ёки чет тилларни ишлатмаслиги керақ. Эксперт хулосаси шундай тузилиши керакки, уни уқиган ҳар бир киши экспертизанинг мазмунини, ўтказилган текширишларнинг услубларини ва қилинган хулосани яхши тушунсин.

## **2. Экспертиза хулосаси далолатномасини тузиш тартиби.**

***Эксперт хулосасининг далолатномаси асосан кириши, текшириши ва хулоса қисмларидан ташкил топади.***

Агар бухгалтерия экспертизаси алоҳида давлат ташкилотларида олиб борилган бўлса, кириш қисмидан олдин, эксперт бухгалтернинг хукуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳақида ҳамда экспертизани ўтказиш ёки хулоса беришдан бош тортгани учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилганлига ҳужжат матнида берилади.

Эксперт хулосаси ҳақидаги далолатноманинг кириш қисмида бухгалтерия экспертизаси қачон, қайси ерда, ким томонидан ва нимага асосан экспертиза ўтказилганлиги кўрсатилади.

Хулосанинг кириш қисмида юқоридагилардан ташқари, яна жиноят ишининг қисқача баёни, эксперт ихтиёрига берилган текшириш

объектлари устида тўлиқ маълумот ҳамда эксперт томонидан ҳал қилиниши керак бўлган саволлар кўрсатилади.

Эксперт хulosаси ҳақидаги далолатномани текшириш қисмida текширилган объектларга мukammal равишда баён қилинади. Эксперт томонидан кулланилган текшириш усули ва методлари курсатилади.

Текшириш натижалари далолатноманинг хulosса қисмida якунланади ва унда экспертиза олдига қўйилган саволларга жавоб берилади.

Айрим сабабларга кўра текширилаётган объектнинг сифатсизлиги ёки ундаги ўхшаш белгиларнинг камлиги ёки тамоман йўклиги, таққослаб кўрилувчи материал ва нусхаларнинг камлиги ёки яроқсизлиги, текширишнинг асосий обьектида вақт ўтиши билан сон ва сифат ўзгаришилари юз берганлиги каби бир қатор ҳолатларни хulosада кўрсатиш мумкин. Суд ва тергов ишларида экспертнинг тажрибасизлиги ва унинг текшириш услублари илмий булмаганлиги учун эксперт олдига қўйилган саволларга аниқ жавоб бермаслиги каби ҳолатлар учраб туради.

Эксперт хulosасига илова қилинадиган расм-жадвалларни солишириб ва эксперт тузган далолатномаларни синчиклаб ўрганиб чиқиши зарур. Бундай таҳлил эксперт хulosаси устидан тўғри мулоҳаза юритишга ёрдам беради.

### **3. Суд-тергов ишларида экспертнинг тажрибасизлиги, унга қўйилган саволларга аниқ жавоб бермаслиги ҳоллари ҳақида.**

Суд эксперти хulosалари унинг олдига қўйилган саволларга жавоб шаклида баён қилинади ва турли талқинларга йўл қўйилмайдиган аниқ, тушунарли тилда баён қилиниши лозим.

Агар хulosани тадқиқот қисмida баён қилинган текшириш натижаларининг мukammal тавсифисиз ва қўйилган масалага тўлиқ жавобсиз шакллантириш мумкин бўлмаса, хulosанинг тадқиқот қисмига ҳавола қилишга рухсат берилади.

Суд эксперти хulosасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишининг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин.

Эксперт хulosаси икки нусхада тузилади, текширишни ўтказган суд эксперти (экспертлари) томонидан имзоланади, унинг (уларнинг) имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин хulosанинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасасида беш йил мобайнida сақланади.

Агар суд эксперти хulosасида эксперт текширилари ва натижаларини тасвирловчи фотожадваллар, диаграммалар, чизмалар ва шу каби иловалар берилса, улар ҳам суд эксперти (экспертлари) томонидан имзоланади. Суд

эксперти текширишларининг бориши, шароитлари ва натижаларини хужжатлашириш материаллари суд эксперти хулосаси нусхаси билан бирга экспертиза муассасасида сақланади. Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг талабига кўра улар йигмажилдга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар суд эксперти қўйилган саволларни унинг маҳсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қиласа, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборади.

. Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома уч қисмдан: кириш, асословчи ва якунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Кириш қисмида ушбу Йўриқноманинг 39-бандида қўрсатилган рўйхатга мувофиқ маълумотлар баён қилинади.

Асословчи қисмида хулоса бериш имкони йўқлиги сабаблари батафсил баён қилинади.

Якунловчи қисмида суд эксперти олдига қўйилган ҳар бир савол бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги кўрсатилади.

Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома икки нусхада тузилади, суд эксперти томонидан имзоланади, унинг имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин унинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчиси эса экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

Агар хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома судда кўриб чиқиши босқичида тузилган бўлса, у суд эксперти томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

Агар бир масала бўйича эксперт хулоса берса, бошқаси бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тузиш учун асос мавжуд бўлса, у ҳолда ягона ҳужжат - суд эксперти хулосаси тузилади.

Суд эксперти:

суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга;

ўзига топширилган суд экспертизасини ўтказишга бошқа шахсларни жалб қилишга;

суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга;

агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, экспертиза муассасаси раҳбаридан ташқари бевосита бошқа бирон-бир органдан (шахсдан) суд экспертизасини ўтказиш тўғрисида топшириклар қабул қилишга;

бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс сифатида суд экспертизасини ўтказишга ҳақли эмас.

Суд эксперти ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир ва унинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибга йўл қўйилмайди.

Эксперт ўзининг маҳсус билимларига мувофиқ, ўтказилган текширишлар асосида ўз номидан хulosса беради ва унинг учун жавоб беради.

Суд эксперти суд экспертизасини ўтказишга экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма топшириқномаси суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва суд экспертизасига тушган барча материаллар билан бирга олинган вақтдан бошлаб киришади.

Суд экспертизасига тақдим этилган материалларни расмийлаштириш тартибининг бузилганлиги аниқланган тақдирда суд эксперти бу тўғрида экспертиза муассасаси раҳбарини хабардор қиласди.

Экспертиза муассасаси раҳбари хulosани кўриб чиқища нотўғри хulosага олиб келиши мумкин бўлган тўлиқ бўлмаган текширишларни, текшириш ўтказиш услубиёти бузилишини ёки унинг нотўғри расмийлаштирилганлигини аниқлаган тақдирда хulosса зарур ўзгартиришлар ва аниқликлар киритиш учун суд экспертига қайтарилади.

Агар суд эксперти ўз хulosасини тўғри деб қатъий туриб олса, экспертиза муассасаси раҳбари белгиланган тартибда хulosса бериш учун текшириш ўтказишини биринчи суд эксперти иштирокидаги суд экспертлари комиссиясига топшириш хуқуқига эга.

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Суд - бухгалтерия экспертизаси хulosаси қандай тартибда тузилади?
2. Суд-бухгалтерия экспертизаси хulosаси мазмунини тушунтириб беринг.
3. Суд - бухгалтерия экспертизасини ўтказиша қандай ашёвий далиллардан фойдаланилади?
4. Суд - бухгалтерия экспертизаси хulosаси қайси органлар учун маълумот манбаси бўлиб ҳисобланади?
5. Суд - бухгалтерия экспертизаси хulosаси қандай кўриб чиқилади

## **Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар**

**Суд экспертининг хulosasi (хulosasi)** — суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма хужжат;

**Асосий экспертиза-экспертиза** тайинлаган орган (терговчи) томонидан кўйилган саволларни аниқлаш мақсадида ўтказилган дастлабки экспертиза;

**Кўшимча экспертиза-** суд-экспертизаси хulosасидаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун асосий экспертиза саволларига янги қўшимча саволлар қўшиш, ишда янги холат ва материаллар тупланиши каби пайтларда тайин килинади.

**Такrorий экспертиза** –экспертиза хulosаси асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда, суд экспертизаси ўтказиш қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза ўтказиш ҳолати;

**Комплекс экспертиза-** бир неча соҳадаги билимлар асосида текширилиб, пировард натижаларига караб умумий бир хulosha чикариш;

## **Мавзу бўйича тест саволлари**

### **1. Эксперт-бухгалтер хulosаси бу...**

- A) Хўжалик фаолиятига берилган баҳо.
- B) Тергов ёки суд томонидан хўжалик ташкилотида мавжуд бўлган хато-камчиликларни аниқлаш.
- B) Текширув ўтказилаётган корхона молия ҳисботининг объективлиги ва ишончлилигини қайта текшириш.
- Г) Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги билимига, амалий тажрибасига суюнган ҳолда унга гувоҳ сифатида маълум бўлган далилларга асосланган мутахассиснинг хulosасидир.

### **2. Суд-бухгалтерия экспертизаси хulosаси нимага асосан берилади?**

- A) Корхона раҳбарининг буйруғига. B) Бош бухгалтерининг буйруғига.
- B) Суднинг қарорига асосан. Г) Суд-бухгалтерия экспертизаси ҳисботига.

### **3. Эксперт хulosаси неча қисмдан иборат?**

- A) Тайёргарлик кўриш, суриштириш ва хulosса қисмларидан иборат.
- B) Кириш, тайёргарлик кўриш, суриштириш қисмларидан иборат.
- B) Кириш, суроқ қилиш ва хulosса қисмларидан иборат.
- Г) Кириш, суриштириш ва жамлаш қисмларидан иборат.

### **4. Терговчи эксперт-бухгалтерни суроқ қилиши мумкинми?**

- A) Терговчи эксперт-бухгалтерни истаган пайтида суроқ қилиши мумкин.
- B) Терговчи эксперт-бухгалтерни суроқ қилиши мумкин эмас.

В) Терговчи эксперт-бухгалтерни айбланувчининг талаби билан суроқ қилиши мумкин.

Г) Терговчи эксперт-бухгалтерни фақат иш бўйича зарурат туғилган пайтда баённома расмийлаштириб, суроқ қилиши мумкин.

**5. Экспертиза хulosаси экспертиза ўтказган ташкилотда неча йил сақланади?**

- А) 4 йил                    Б) 1 йил                    В) 5 йил                    Г) 3 йил

**6. Корхона, ташкилот ва муассасаларда моддий бойликларни талон-тарож қилинишини олдини олишда ва корхона молиявий ҳолатини яхшилашда суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари қайси жавобда тўлиқ ифодасини топган?**

- А) Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари ихтиёрий бажаришга мойил бўлган хужжатdir.
- Б) Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари фақатгина корхонанинг бошқарув ходимларига тегишли бўлган хужжатdir.
- В) Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари фақатгина корхонанинг моддий жавобгар шахсларига тегишли бўлган хужжатdir.
- Г) Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари корхонада ТМЗ тўлиқ сақланишида ички меҳнат тартиб қоидаларига, қонунларга амал қилишда ҳамда корхона молиявий фаолиятини яхшилашда бевосита аҳамиятга эга бўлган хужжатdir.

**7. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий таъминлашни ким амалга оширади?**

- А) Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий таъминлаш, улар қайси давлат органлари тасарруфида бўлса, ўша давлат органлари томонидан амалга оширилади.
- Б) Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.
- В) Нодавлат ташкилотлари ҳисобидан.
- Г) Прокуратура органлари ҳисобидан.

**8. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини илмий-услубий таъминотини ким амалга оширади?**

- А) Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини илмий-услубий таъминлаш, улар қайси давлат органлари тасарруфида бўлса, ўша давлат органлари томонидан амалга оширилади.
- Б) Суд экспертизаларини ўтказишни илмий-услубий таъминлаш тегишли давлат суд-экспертиза муассасаларига юклатилади.
- В) Нодавлат ташкилотлари ҳисобидан.
- Г) Прокуратура органлари ҳисобидан.

**9. Суд-хуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш «Харакатлар стратегияси”нинг қайси бўлимига оид?**

А) 1-бўлимига.      Б) 2-бўлимига.      В) 3-бўлимига.      Г) 4-бўлимига.

**10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА қачон қабул қилинган?**

А) 2011 йил 2 март.      Б) 2010 йил 2 март.  
В) 2013 йил 2 март.      Г) 2014 йил 2 март.

**11. Суд-бухгалтерия экспертизасининг таклифларини бажаришни назорат килиш кимга юқлатилган?**

А) Корхона раҳбарига.  
Б) Экспертиза ўтказган ташкилот раҳбарига.  
В) Корхона раҳбарига, экспертиза ташкилоти раҳбарларига хамда суд ва прокуратура органларига.  
Г) Барча ижтимоий ташкилотлар раҳбарларига.

**12. Суд-бухгалтерия экспертизаси иш фаолияти тугаши қандай хужжат билан расмийлаштирилади?**

А) Тугаллаш далолатномаси      Б) Баённома  
В) Экспертиза хulosаси      Г) Сўрок далолатномаси

**13. Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома неча қисмдан иборат?**

А) Икки қисмдан    Б) Тўрт қисмдан    В) Уч қисмдан    Г) Бир қисмдан

## **Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

<b>Асосий адабиётлар</b>	<b>Жойлашган жойи</b>
1. Қаймов.У.К. "Суд-бухгалтерия экспертизаси" Дарслик "Ўқитувчи" нашриёти Тошкент-1993 йил	СамИСИ АРМ
2. Тайиров А. "Суд-бухгалтерия экспертизаси фанидан маъруза матнлари Самарқанд-2005 йил	СамИСИ АРМ
3 . Ўразов К.Б. "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" ўқув қўлланма Т-Ўқитувчи 2004	СамИСИ АРМ
4. Каримов.А. ва бош. "Бухгалтерия ҳисоби" Дарслик Шарқ нашриёти 2004 й.	СамИСИ АРМ
5. Сотволдиев.А. Иткин. Ю "Бухгалтерия ҳисоби" ТПБ ва АА-2002. 1 ва 2- томлар	СамИСИ АРМ

## **Қўшимча адабиётлар рўйхати**

1. Конун	Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Конуни. 13.04.2016
2. Конун	Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги ҚОНУНИ Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган
3. Низом	“Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги (№ 54) Қарори Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ўз.Рес.ВМ 2003 йил 15 октябрдаги “ 444 сонли Қарори
4. Ўз.Р. Марказий банкининг меъёрий хужжатлари	“Юридик шахлар томонидан касса операцияларини юритиш Қоидалари” ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтган № 565
5. Ўз.Р. Марказий банкининг меъёрий хужжатлари	“Ўзбекистон Ренспубликасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисида” ги Низом ЎзР Адлия вазирлигидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтган № 1122
6. БХМС	Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари № 1-24

	Тошкент 1999-2008
7. Таълим портали	<a href="http://www.ziyonet.uz">http://www.ziyonet.uz</a>
8. Интернет	<a href="http://www.ziyonet.uz">www.ziyonet.uz</a>
9. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик портали	<a href="http://www.lex.uz">http://www.lex.uz</a>
10.СамИСИ электрон кутубхонаси	<a href="http://www.sies.uz">http://www.sies.uz</a>
11.ТДИУ электрон кутубхонаси	<a href="http://www.tdiu.uz">http://www.tdiu.uz</a>

**Илова**

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигига  
2011 йил 2 марта 2202-сон  
 билан рўйхатга олинган  
Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг  
2011 йил 2 марта  
53-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд  
экспертиза муассасаларида суд экспертизасини  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

Муқаддима

- I. Умумий қоидалар
- II. Экспертиза ўтказиш учун юбориладиган материалларни расмийлаштириш
- III. Суд экспертизасини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш
- 1-илова. Суд экспертизаси бўйича маълумотнома
- 2-илова. Назорат карточкаси

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 173-модда), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон), Фуқаролик процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон), Хўжалик процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 234-модда), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида (кейинги ўринларда экспертиза муассасаси деб юритилади) суд экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Экспертиза муассасасида суд экспертизаси фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари (шу жумладан, терговдан олдинги текшириш материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори, суд ажрими асосида ўтказилади.

2. Экспертиза муассасасида суд экспертизасининг қўйидаги турлари ўтказилади:  
суд хатшунослик экспертизаси, ҳужжатларнинг техникавий-криминалистик экспертизаси, изшунослик экспертизаси, йўқ қилинган маркировка белгиларини тиклаш экспертизаси, суд баллистик экспертизаси, портловчи моддалар экспертизаси, материаллар,

ашёлар ва буюмлар криминалистика экспертизаси, шу жумладан, толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, лок-бўёқ материаллари ва қопламалар экспертизаси, нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизаси, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар экспертизаси, доридармонлар экспертизаси, таркибида спирт бўлган суюқликлар экспертизаси, металлар, қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, шишалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, пластмасса, резина ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, елимли материаллар экспертизаси, маҳсус кукунлар ва маҳсус маркерлар экспертизаси, бошқа объектлар, улар ичидаги табиати ноаник бўлган моддаларнинг криминалистика экспертизаси, суд тупроқшунослик экспертизаси, озиқ-овқат маҳсулотларининг экспертизаси, суд-биологик экспертизаси, одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси, суд-экологик экспертизаси, суд-автотехника экспертизаси, транспорт изшунослик экспертизаси, транспорт воситаларини ва уларнинг қисмларини баҳолаш экспертизаси, ёнгин-техникавий экспертиза, суд-иктисодий экспертиза, суд-товаршунослик экспертизаси, суд курилиш-техникавий экспертизаси, суд-ер экспертизаси, суд видеофонография экспертизаси.

Экспертиза муассасасида унинг ихтисослиги бўйича бошқа турдаги суд экспертизалари ҳам ўтказилиши мумкин.

3. Олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта маҳсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд экспертизи сифатида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ давлат суд экспертизи сифатида аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси экспертиза муассасасида суд экспертизасини ўтказади.

Экспертиза муассасасида суд экспертизаси бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс томонидан ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай ходимлар ёки жисмоний шахсларни танлаш, улар таркибини тасдиқлаш ҳамда уларнинг фаолият таркибини белгилаш экспертиза муассасаси томонидан амалга оширилади.

4. Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) билан келишмасдан бошқа шахсларни суд экспертизасини ўтказиш учун жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Суд экспертизасини ўтказишида экспертнинг хуқуqlари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонун ҳужжатлари ва ушбу Йўриқнома билан белгиланади.

##### 5. Суд эксперти қўйидаги хуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд экспертизаси предметига оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;

тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ва шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга суд экспертизаси предметига оид саволлар бериш;

суд муҳокамасида суд экспертизаси предметига оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш;

ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;

ўз холосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки суд экспертизаси предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш;

унинг хulosаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилингандиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хulosатоқдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;

агар унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишни юритаётган органнинг қарорлари, шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бузатётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Суд эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 6. Суд эксперти:

суд эксперти сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиши;

ўзига тақдим этилган текшириш обьектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона хulosатоқдирда бериши;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақиравига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши;

ўзи ўтказган суд экспертизаси хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хulosани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши;

суд экспертизасини ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қиласлиги;

тақдим этилган текшириш обьектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши;

иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

Суд эксперти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### 7. Суд эксперти:

суд экспертизасини ўтказиши билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга;

суд экспертизасини ўтказиши учун мустақил равишда материаллар тўплашга;

ўзига топширилган суд экспертизасини ўтказишига бошқа шахсларни жалб қилишга;

суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга;

агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, экспертиза муассасаси раҳбаридан ташқари бевосита бошқа бирон-бир органдан (шахсдан) суд экспертизасини ўтказиши топшириклар қабул қилишга;

бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс сифатида суд экспертизасини ўтказишига ҳақли эмас.

Суд эксперти ўз фаолиятини амалга оширишда мустақиллар ва унинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди.

8. Жиноий жавобгарликка олиб келмайдиган тарзда суд экспертизаси ўтказиши тартибини бузганлиги ва суд эксперти вазифаларига вижданан муносабатда бўлмагандиги учун экспертиза муассасасининг суд эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши, бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс бўлган суд эксперти эса - суд экспертизаси ўтказишига жалб қилинадиган шахслар рўйхатидан чиқарилиши мумкин.

9. Экспертиза муассасаси раҳбарига суд экспертилик фаолиятини белгиловчи қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлариға қатый риоя қилган ҳолда суд экспертизасининг юқори илмий-техник даражада бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилади.

Экспертиза муассасаси раҳбари:

агар экспертиза муассасасида текширишларни ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёки зарур моддий-техник база ёхуд маҳсус шароитлар бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этмасдан ҳамда суд экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган текшириш обьектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариш;

суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) суд экспертилари комиссияси таркибиға мазкур ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан, хорижий давлатларнинг мутахассисларини, агар суд экспертизасини ўтказиш учун уларнинг маҳсус билимлари зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиш;

кўйилган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган текширишларни ўтказишни ўз кучлари ва воситалари билан таъминлаётган ташкилотларга суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг кўчирма нусхасини юбориш;

айрим ваколатларини ўзининг ўринбосари, лаборатория, бўлим ва бўлинмалар раҳбарлариға юклатиш;

унга берилган экспертилик мутахассислигига мувофиқ суд эксперти сифатида ҳаракат қилиш;

суд эксперти тузилган хулосадаги камчиликларни бартараф қилишдан бош тортса, суд экспертилари комиссияси иштирокида тадқиқот ўтказишни ташкил қилиш;

текшириш обьектлари суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан олинмаган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида ушбу экспертиза муассасасида сақлаш, катта хавф түғдирадиган обьектларнинг мазкур экспертиза муассасасига келиб тушиши натижасидаги заарли оқибатларни (портлаш, ёнғин ва шу кабиларни), агар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ушбу обьектлар билан муомалада бўлишнинг унга маълум бўлган маҳсус қоидалари тўғрисида раҳбарга хабар бермаган бўлса ёки улар лозим даражада ўралмаган бўлса, бартараф этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплашни суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Экспертиза муассасаси раҳбари қонун ҳужжатлариға мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Экспертиза муассасаси раҳбари:

экспертиза муассасасига суд экспертизасини ўтказиш учун юборилган материалларни қабул қилиши ва уларнинг мазкур Йўриқномага мувофиқлигини текшириши;

ўринбосари, тегишли лаборатория, бўлим ва бўлинмалар раҳбарига суд экспертизасини ўтказишни ташкил қилиш ҳақида ёзма топшириқ бериши;

мазкур Йўриқноманинг 12-бандида белгиланган суд экспертизасини ўтказиш муддатларини белгилаши ва унга риоя этилишини назорат қилиши;

суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим олинганидан сўнг суд экспертизасини ўтказишни қўйилган саволларга жавоб бериш учун талаб қилинадиган кўламда маҳсус билимларга эга бўлган суд экспертилари ёки суд экспертилари комиссиясига топшириши;

суд экспертини ишга қабул қилишда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

текшириш обьектлари суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан олинмаган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида ушбу экспертиза муассасасида сақлашни таъминлаши;

суд экспертини била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор

қилғанлиги, шунингдек хulosса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жавобгарлик тўғрисида огохлантириши, ундан тегишли тилхат олиши ва мазкур тилхатни хulosса билан бирга суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши;

ўтказилаётган текширишларнинг тўлиқлиги ва сифати устидан назоратни суд экспертигининг мустақиллиги принципини бузмаган ҳолда таъминлаши;

текшириш тугаганидан сўнг хulosани, текшириш обьектлари ва иш материалларини суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши шарт.

Экспертиза муассасаси раҳбари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### 11. Экспертиза муассасаси раҳбари:

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча текшириш обьектларини суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) қарори ёки ажримисиз талаб қилиб олишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун экспертиза муассасасида ишламайдиган шахсларни мустақил равишда жалб этишга;

суд экспертига муайян суд экспертизаси юзасидан текшириш жараёнини ва фикрлар мазмунини олдиндан белгилаб қўядиган кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

#### 12. Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари суд экспертизасининг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўттиз кун доирасида белгиланади.

Экспертиза муассасаси раҳбари, унинг ўринбосари, лаборатория, бўлим ва бўлинма бошлиғи томонидан суд экспертизасининг ҳажми ва мураккаблигига, шунингдек суд экспертигининг иш ҳажмига қараб:

кам обьектли ва мураккаб бўлмаган текширув ўтказишга доир материаллар бўйича ўн кунгача;

кўп обьектли ёки мураккаб текширувлар ўтказишга доир материаллар бўйича йигирма кунгача;

кўп обьектли ва мураккаб текширувлар ўтказишга доир материаллар бўйича ўттиз кунгача бўлган муддатларни белгилаши мумкин.

Суд экспертизасини ўтказишни ўттиз кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан уч кун олдин асосланган хulosса тузади ва бу тўғрида суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёзма равишда хабар қиласида ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

Агар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) билан келишган ҳолда суд экспертизасини ўтказиш учун қўшимча муддатни белгилашнинг имкони бўлмаса, суд экспертизаси ўтказилмаслиги сабаблари кўрсатилиб, материаллар суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) қайтарилади.

#### 13. Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари материаллар экспертиза муассасасига тушган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади ва улар экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборилган кунда тугайди.

Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари қуидаги даврларга тўхтатиб турилади:

суд экспертигининг суд экспертизасига тақдим этилган материаллардаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги илтимосномасини қондириш ёки илтимосномани қондиришнинг рад этилиши тўғрисида жавоб олиш;

суд экспертизасини ўтказишни ўттиз кунгача бўлган муддатда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш;

суд экспертигининг бошқа суд экспертизасини бажариши муносабати билан хизмат сафарида бўлиши, уни бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаган тақдирда;

суд экспертининг вақтинчалик мөхнатга лаёқатсизлиги, суд экспертизасини бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаган тақдирда.

Қонун ҳужжатларида ва ушбу Йўриқномада назарда тутилмаган асослар бўйича экспертиза ўтказиш муддатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари тўхтатиб қўйилганлиги тўғрисида суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) дарҳол хабар берилади.

14. Экспертиза муассасасида фуқаролик ва хўжалик ишлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари) бўйича суд экспертизаси ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланди ва суд экспертизасини ўтказиш бошлангунгача тўланади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган харажатларга ҳақ тўлаш микдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган тарифлар бўйича белгиланади.

Суд экспертизасини ўтказиш бўйича харажатлар тўланмаганлиги материалларни суд экспертизаси ўтказмасдан қайтариш учун асос ҳисобланади.

15. Суд экспертизаси экспертиза муассасасида ва унинг ташқарисида (суд мажлиси залида, воқеа жойида ва ҳоказо) ўтказилади.

Экспертиза муассасасида суд экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли буйруги билан аниқланадиган хизмат кўрсатиш минтақаларига мувофиқ ўтказилади.

Суд экспертизасини тайинлаган ва экспертиза муассасасининг хизмат кўрсатиш минтақасидан ташқарида жойлашган органлар (шахслар) учун суд экспертизаси, истисно тариқасида, ушбу муассаса томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

## **II. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ УЧУН ЮБОРИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

16. Суд экспертизаси фақат уни тайинлаган орган (шахс) томонидан, процессуал қонунга, ушбу Йўриқномага мувофиқ расмийлаштирилган материаллар тақдим этилган тақдирдагина ўтказилади.

17. Суд экспертизасига суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), текшириш обьектлари ва иш материаллари, шунингдек текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган суд экспертизаси предметига тааллуқли маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорлар (ажримлар)нинг факсимили ва ёруғ сезгир қофозга кўчирилган нусхаларини тақдим этишга йўл қўйилмайди.

18. Текшириш обьектлари, агар уларнинг ўлчамлари ва хоссалари имкон берса, ўралган ва муҳрланган ҳолда суд экспертига топширилиши керак, текшириш обьектлари суд экспертизасини тайинлаган шахс ёки органнинг ваколатли ходими томонидан шахсан топширилган ҳоллар бундан мустасно.

19. Суд экспертига тақдим этилган текшириш обьектлари, таққословчи материаллар, маълумотларнинг ишончлилиги учун суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) жавоб беради.

20. Суд экспертизасини тайинлаш түғрисидаги битта қарор (ажрим)га күп миқдордаги объектлар тушган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари бир қатор алоҳида-алоҳида экспертизалар ўтказилишини ташкил этиши мумкин.

21. Суд экспертизасини ўтказиш экспертиза муассасаси билан биргалиқда бошқа экспертиза муассасасига (муассасаларига) топширилган тақдирда суд экспертизаларини тайинлаш түғрисидаги қарор (ажрим)да мазкур суд экспертизасининг қандай мутахассисликларга эга бўлган суд экспертлари томонидан ўтказилиши кераклиги, суд экспертлари комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг қайси экспертиза муассасасига юкланаётганлиги ҳамда текшириладиган объектлар ва бошқа материаллар қайси экспертиза муассасасига юборилганлиги кўрсатилади.

Суд экспертизасини тайинлаш түғрисидаги қарор (ажрим) ҳар бир экспертиза муассасасига юбориллади.

22. Қўшимча ёки тақорий суд экспертизаси тайинланган тақдирда экспертиза муассасасига хулоса ёки олдинги ўтказилган суд экспертизаси хуносасини бериш мумкин эмаслиги түғрисидаги далолатнома барча иловалар (фотожадваллар, экспериментал материаллар ва шу кабилар) билан бирга тақдим этилади.

Қўшимча ёки тақорий суд экспертизаси тайинлаш түғрисидаги қарор (ажрим)да уни тайинлашнинг сабаблари ва асослари албатта кўрсатилади.

23. Суд экспертизасига юборилаётган, уни ўтказиш имконини бермайдиган материалларни расмийлаштириш қоидаларига риоя этилмаган тақдирда, экспертиза муассасаси раҳбари бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га дарҳол хабар қиласди.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, экспертиза муассасаси раҳбари ўттиз кун ўтгач унга материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтаради.

Расмийлаштиришнинг процессуал тартиби бузилган ҳолда қайта, шунингдек комиссиян ёки комплекс экспертиза ўтказишга тушган материаллар суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) уч кун муддатда қайтарилади.

24. Агар тайинланган суд экспертизасини экспертиза муассасасида ўтказиш назарда тутилмаган бўлса ёки экспертиза муассасаси тегишли мутахассисларга ёки асбоб-ускуналарга эга бўлмаса, экспертиза муассасаси раҳбари экспертизага тақдим этилган материалларни уч кун муддатда, экспертизаларни тайинлаш түғрисидаги қарор (ажрим)нинг бажарилмаганлиги сабабларини кўрсатган ҳолда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га қайтаради.

25. Суд экспертизасига наркотик воситалар, психотроп моддалар, қимматбаҳо металлар ва тошлар, шунингдек улардан тайёрланган буюмлар, ўқотар қуроллар ва уларга ўқ-дорилар, пул белгилари ва юқори қимматга ёки аҳамиятга эга бўлган бошқа объектлар тақдим этилган тақдирда суд экспертизи ушбу материалларни суд экспертизасига етказиб берган шахс ҳамда экспертиза муассасаси раҳбарларидан бирининг иштирокида идишни очиши, тарозида тортиб кўриши, тақдим этилган объектларни қайта санаб чиқиши, шунингдек тақдим этилган тартиб рақамли ва бошқа объектларнинг суд экспертизасини тайинлаш түғрисидаги қарор (ажрим) матнига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт. Уларнинг натижалари бўйича далолатнома тузилади, у экспертиза объектларини текширишда иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.

### **III. СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

26. Суд эксперти суд экспертизасини ўтказишга экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма топшириқномаси суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва суд экспертизасига тушган барча материаллар билан бирга олинган вақтдан бошлаб киришади.

Суд экспертизасига тақдим этилган материалларни расмийлаштириш тартибининг бузилганилиги аниқланган тақдирда суд эксперти бу тўғрида экспертиза муассасаси раҳбарини хабардор қиласди, раҳбар ушбу Йўриқноманинг 23-бандида назарда тутилган чоратадбирларни кўради.

27. Тақдим этилган материаллар тўлиқ бўлмаган тақдирда бу ҳақда суд эксперти экспертиза муассасаси раҳбари орқали суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисида ёзма равишда маълум қилиш ҳукуқига эга.

Қўшимча материаллар фақат суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан тақдим этилади.

Қўшимча материаллар ўттиз кун мобайнида тушмаган тақдирда суд эксперти текширишни мавжуд материаллар бўйича ўтказади.

28. Суд эксперти қўйидаги ҳолларда қўйилган масалалар юзасидан хulosса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги асосланган далолатнома тузади:

агар қўйилган масала суд экспертизининг маҳсус билимлари (ваколатлари) доирасидан четга чиқса ёки уни ҳал этиш учун маҳсус билимлар талаб қилинмаса ёхуд масала ҳукукий тусга эга бўлса;

тақдим этилган текшириш обьектлари ёхуд материаллар уларнинг тўлиқ ёки сифатли эмаслиги туфайли хulosса бериш учун яроқсиз бўлса ва тўлдирилиши мумкин бўлмаса;

агар илм-фан ва экспертиза амалиётининг ҳолати қўйилган масалаларга жавоб бериш имконини бермаса;

текширишларни ўтказиш ва хulosалар бериш учун зарур шарт-шароитлар, услубий воситалар ва асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса, шу жумладан, суд эксперти ҳаёти ва саломатлигига касбий таваккаллик чегарасидан зиёд хавф туғилса.

Хulosса беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома ушбу Йўриқноманинг 48-бандига мувофиқ тузилади.

29. Суд эксперти ўзига тақдим этилган обьектлар ва материалларни текширишни тегишли соҳадаги билимларга амал қилган ҳолда, процессуал қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда, холисона ва муфассал амалга оширади.

Объектлар (тирик одамдан ташқари) фақат текширишни ўтказиш ва хulosса бериш учун зарур бўлган даражада шикастланган ва сарфланган бўлиши мумкин. Суд экспертизасини ўтказиш текшириш учун тақдим этилган обьектнинг шикастланишини (бузилишини) ёки сарфланишини талаб қиладиган ҳолларда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг ёзма равишдаги розилиги олинган бўлиши керак, тайинланган суд экспертизасининг хусусиятлари обьектнинг шикастланиши (бузилиши)ни ёки сарфланишини назарда тутадиган ҳолатлар бундан мустасно.

30. Кўриқдан ўтказиш талаб қилинадиган текшириш обьектларини (экспертиза муассасасига тақдим этилган обьектлардан ташқари) экспертизалардан ўтказишда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) суд эксперти учун обьектга тўсиқсиз кириш ва уни текшириш имконини таъминлайди. Кўриқдан ўтказиш суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан ташкил этилади, унинг мажбурий иштирокида амалга оширилади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

31. Ишда иштирок этадиган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда суд экспертизасини тайинлаган шахс билан бирга экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиш хукуқига эга. Сабабидан қатъи назар, уларнинг йўқлиги суд экспертизасини ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

Экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган процесс иштирокчилари текширишлар жараёнига аралashiшга ҳақли эмас, лекин суд экспертидан у томонидан қўлланилган текшириш усуулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиши, суд экспертига тушунтиришлар бериши мумкин.

Суд эксперти томонидан хulosаса тузилаётганда, шунингдек агар суд экспертизаси суд эксперtlари комиссияси томонидан ўтказилаётган бўлса, суд эксперtlарининг маслаҳатлашуви ва фикрларни шакллантириш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

32. Суд эксперти ўзининг махсус билимларига мувофиқ, ўтказилган текширишлар асосида ўз номидан хulosаса беради ва унинг учун жавоб беради.

33. Суд экспертизасини ўтказиш икки ва ундан ортиқ суд эксперtlарига топширилганда, экспертиза муассасаси раҳбари улардан бирига бошқа суд эксперти (экспертлар) фаолиятини мувофиқлаштириш, текширувларнинг умумий режасини ишлаб чиқиши ва экспертларнинг маслаҳатлашувига раҳбарлик қилишни юклайди.

34. Бир хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ суд эксперtlарига (суд эксперtlари комиссиясига) экспертиза ўтказиш топширилганда комиссияга киритилган суд эксперtlарининг ҳар бири текширишни тўлиқ ҳажмда амалга оширади. Суд эксперtlари комиссияси текширишда қатнашган суд экспертидан ҳар бири унга рози бўлган тақдирда умумий хulosаса беради. Шунингдек, суд эксперtlари комиссиясида иштирок этган суд эксперtlари фикрининг бир қисмини акс эттирувчи ягона хulosаса берилиши ҳам мумкин. Келишмовчилик бўлган тақдирда ҳар бир эксперт келишмовчиликка сабаб бўлган барча ёки айrim масалалар бўйича алоҳида хulosаса тузади.

35. Суд эксперtlари комиссияси раҳбари суд экспертизаси олдига қўйилган саволларни мазмунан ечишда алоҳида устунликка эга эмас.

36. Суд экспертизасини ўтказиш учун ҳар хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ суд эксперtlари (комплекс экспертиза) тайинланганда ҳар бир суд эксперти текширишни амалга оширади ва ўз ваколати доирасида хulosаса беради. Комплекс экспертиза хulosасида ҳар бир суд эксперти қандай текширишлар ва қандай ҳажмда ўтказгандиги, шахсан у қандай фактларни аниқлаганлиги ҳамда қандай хulosаларга келганлиги кўрсатилади. Суд эксперти комплекс экспертиза хulosасининг ўз ваколатига тегишли бўлган қисмини имзолайди.

Олинган натижаларни баҳолаш ва якуний хulosas (хulosalар)ни шакллантиришни ваколатли бўлган экспертлар умумий хulosas (хulosalар) чиқаради. Агар суд эксперtlари комиссиясининг якуний хulosаси ёки унинг бир қисми учун суд эксперtlаридан бири (алоҳида экспертлар) томонидан аниқланган фактлар асос ҳисобланса, у ҳолда бу ҳақда хulosада кўрсатилиши керак. Келишмовчилик ҳолатида суд эксперtlарининг ҳар бири келишмовчиликка сабаб бўлган масалалар бўйича алоҳида хulosаса тузади.

37. Агар суд экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да ҳар хил турдаги экспертизалар предметига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хulosаса ёки хulosas беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тузилади.

38. Суд эксперти хуросаси уч қисмдан: кириш, тадқиқот ва хуроса (якунловчи) қисмлардан иборат бўлади.

Суд эксперти хуросасининг кириш қисмida суд экспертининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунириш ва уни билиб туриб нотўғри хуроса берганлиги, иш материалларини ошкор қилганлиги, шунингдек узрли сабабларсиз хуроса беришни рад эттанилиги ёки бундан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тушунирилганлиги ҳақидаги суд эксперти тилхати олинганлиги кўрсатилади.

39. Хуросанинг кириш қисмida қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

суд экспертизасининг тури ва унинг рўйхат рақами;

суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг номи;

суд эксперти (экспертлари) ҳақидаги маълумотлар. Бунда суд экспертининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони, ихтисоси (умумий ва экспертлик малакаси), иш тажрибаси ва бошқа маълумотлар кўрсатилади;

материалларнинг суд экспертизасига келган вақти ва хуросага имзо чекилган вакт;

суд экспертизасини ўтказиш учун процессуал асос (қарор ёки ажрим, у қачон ва ким томонидан чиқарилганлиги);

суд экспертизасига юборилган материалларнинг номи, жўнатиш усули, ўрамнинг тури, ҳолати ва текшириладиган обьектларнинг реквизитлари;

суд экспертизаси ҳал этиши учун қўйилган саволлар. Бунда саволлар суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да келтирилган шаклда қайд этилади. Саволларни мазмунан ўзгартунишга йўл қўйилмайди, суд эксперти фақат саволга тўғри грамматик шакл бериши ва суд эксперти ихтисослигига мослаштириши мумкин. Бир неча саволлар қўйилган тақдирда суд эксперти текширув ўтказиш учун уларнинг энг мақбул тартибини таъминлайдиган изчилликда гуруҳларга бўлиб чиқиши мумкин. Суд эксперти ташаббуси билан ҳал қилинган саволлар суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да келтирилган саволлардан кейин баён қилинади;

хуроса бериш учун аҳамиятга эга бўлган ва суд эксперти томонидан асосий маълумот сифатида қабул қилинган иш ҳолатлари;

қўйилган саволларни ҳал қилишда суд эксперти амал қилган ҳужжатлар (қарорлар, буйруқлар, қўлланмалар, услубий кўрсатмалар), шунингдек текширув ўтказишда фойдаланилган бошқа манбалар;

суд экспертизасини ўтказиш жараёнида ҳозир бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, процессуал ҳолати);

суд экспертининг қўшимча материаллар тақдим этиши тўғрисидаги илтимосномаси (илтимоснома юборилган ва жавоб олинган вақт, илтимосномани кўриб чиқиш натижалари).

Қўшимча ёки тақрорий суд экспертизаси бўйича хуросанинг кириш қисмida юқорида баён этилган маълумотлардан ташқари, дастлабки суд экспертизаси ҳақидаги маълумотлар, яъни хуросанинг рўйхат рақами ва санаси, суд экспертининг (экспертларининг) фамилияси, исми ва отасининг исми, экспертиза муассасасининг номи, дастлабки суд экспертизасининг хуросалари ҳамда қўшимча ва тақрорий суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажримда)да келтирилган суд экспертизасини ўтказиш сабаблари баён этилади.

Текширув обьектлари (ҳужжатлар, дактилокарталар ва шу кабилар), суд экспертизаси ўтказишга тааллуқли бўлган иш ҳужжатлари (кўздан кечириш ва тергов (суд) экспериментлари баённомалари, йўл-транспорт ходисаларининг чизмалари), шунингдек суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да ҳавола қилинган ва ўзида бошланғич маълумотларни сақлаган бошқа материаллар экспертиза муассасасининг "RSEM" штампи, солиширма материаллар эса "NAMUNA" штампи билан белгиланади.

40. Суд эксперти хulosасининг тадқиқот қисмида суд эксперти олдига қўйилган ҳар бир савол бўйича текшириш жараёни ва унинг натижалари ёзилади, аниқланган фактлар бўйича илмий тушунтириш берилади.

Хulosанинг тадқиқот қисмида қуидагилар кўрсатилади:

суд экспертизаси текшируви объектларининг ҳолати;

фойдаланилган тадқиқот усувлари ва бу усувлар қўлланишининг техник шароитлари;

суд экспертизаси таҳлилининг шароитлари, мақсади ва натижалари ҳамда намуналар олиш;

хulosани асослаш учун аҳамиятга эга тергов (суд) ҳаракатлари (сўрок, кўздан кечириш, эксперимент ва шу кабилар)нинг натижалари;

намойиш материалларига қилинган ҳаволалар, иловалар ва уларга берилган зарур изоҳлар;

олиб борилган текширув ва унинг алоҳида босқичлари натижаларига берилган суд эксперти баҳоси.

Қайта суд экспертизаси хulosанинг тадқиқот қисмида, агарда тадқиқот натижалари билан аввалги суд экспертизаси хulosанинг якунлари ўртасида тафовут мавжуд бўлса, бунинг сабаблари кўрсатилади.

Хulosанинг тадқиқот қисми маҳсус билими бўлмаган шахслар учун тушунарли тилда баён этилган бўлиши керак. Маҳсус атамалар изоҳлаб берилган бўлиши лозим.

41. Суд эксперти хulosалари унинг олдига қўйилган саволларга жавоб шаклида баён қилинади ва турли талқинларга йўл қўймайдиган аниқ, тушунарли тилда баён қилиниши лозим.

Агар хulosани тадқиқот қисмида баён қилинган текшириш натижаларининг мукаммал тавсифисиз ва қўйилган масалага тўлиқ жавобсиз шакллантириш мумкин бўлмаса, хulosанинг тадқиқот қисмига ҳавола қилишга рухсат берилади.

42. Суд эксперти хulosасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин.

43. Эксперт хulosаси икки нусхада тузилади, текширишни ўтказган суд эксперти (экспертлари) томонидан имзоланади, унинг (уларнинг) имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин хulosанинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

44. Агар суд эксперти хulosасида эксперт текширишлари ва натижаларини тасвирловчи фотожадваллар, диаграммалар, чизмалар ва шу каби иловалар берилса, улар ҳам суд эксперти (экспертлари) томонидан имзоланади. Суд эксперти текширишларининг бориши, шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштириш материаллари суд эксперти хulosаси нусхаси билан бирга экспертиза муассасасида сақланади. Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг талабига кўра улар йиғмажилдга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

45. Суд экспертизаси тугатилгандан сўнг суд эксперти мазкур Йўриқноманинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумотнома тузади ва бу маълумотнома суд эксперти хulosаси нусхаси билан сақланади.

Дастлабки суд экспертизаси хulosасини тасдиқламаган тақорий суд экспертизаси натижалари бўйича иловалар билан хulosा нусхаси тайёрланиб, дастлабки суд экспертизасини ўтказган экспертиза муассасасига юборилади.

Тақорий суд экспертизаси тугатилгандан сўнг мазкур Йўриқноманинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ тақорий суд экспертизаси бўйича назорат карточкаси тўлдирилади ва экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

Агар суд экспертизаси бошқа экспертиза муассасаси (муассасалари) билан биргаликда ўтказилган бўлса, суд эксперtlари хulosаси ва унга иловаларнинг қўшимча нусхаси (нусхалари) тайёрланиб, ушбу муассасага (муассасаларга) юборилади.

46. Экспертиза муассасаси раҳбари хulosани кўриб чиқишида нотўғри хulosага олиб келиши мумкин бўлган тўлиқ бўлмаган текширишларни, текшириш ўтказиш услубиёти бузилишини ёки унинг нотўғри расмийлаштирилганлигини аниқлаган тақдирда хulosа зарур ўзгартиришлар ва аниқликлар киритиш учун суд экспертига қайтарилади.

Агар суд эксперти ўз хulosасини тўғри деб қатъий туриб олса, экспертиза муассасаси раҳбари белгиланган тартибда хulosа бериш учун текшириш ўтказишни биринчи суд эксперти иштирокидаги суд эксперtlари комиссиясига топшириш хукуқига эга.

47. Суд экспертизасини судда ўтказишида унинг натижалари мазкур Йўриқноманинг 38-42-бандларида назарда тутилган қоидалар бўйича расмийлаштирилади.

Суд эксперти хulosаси эксперт томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

48. Хulosа бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома уч қисмдан: кириш, асословчи ва якунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Кириш қисмida ушбу Йўриқноманинг 39-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ маълумотлар баён қилинади.

Асословчи қисмida хulosа бериш имкони йўқлиги сабаблари батафсил баён қилинади.

Якунловчи қисмida суд эксперти олдига кўйилган ҳар бир савол бўйича хulosа бериш имкони йўқлиги кўрсатилади.

Хulosа бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома икки нусхада тузилади, суд эксперти томонидан имзоланади, унинг имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин унинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчиси эса экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

Агар хulosа бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома судда кўриб чиқиши босқичида тузилган бўлса, у суд эксперти томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

49. Агар бир масала бўйича эксперт хulosа берса, бошқаси бўйича хulosа бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тузиш учун асос мавжуд бўлса, у ҳолда ягона хужжат - суд эксперти хulosаси тузилади.

50. Суд эксперти хulosаси, суд экспертизаси текшируви обьектлари бўлган предметлар ва хужжатлар ҳамда бошқа материаллар суд экспертизасини тайинлаган шахсга ёки экспертизани тайинлаган органнинг ваколатли ходимига ёхуд экспертизани тайинлаган орган томонидан берилган ишончнома бўйича бошқа шахсга шахсан берилади ёки экспертизани тайинлаган орган (шахс)га почта орқали юборилади.

51. Эксперт хulosасининг, суд экспертизаси текшируви обьектлари бўлган предметлар ва хужжатларнинг ҳамда экспертизага берилган бошқа материалларнинг факсимил ёки ёруғ сезгир қоғозга кўчирилган ишончнома нусхаси орқали берилишига йўл қўйилмайди.

**Суд экспертизаси бўйича  
МАЪЛУМОТНОМА**

Рўйхат сони \_\_\_\_\_ лабораторияси (бўлими)

Иш қаердан келган \_\_\_\_\_

Иш кимдан келган \_\_\_\_\_

Иш қачон келган \_\_\_\_\_

Объектлар сони \_\_\_\_\_ Тадқиқот сони \_\_\_\_\_

Хулоса берилди:

а) қатъий \_\_\_\_\_

б) қатъий эмас \_\_\_\_\_

в) аниқлаш имконияти йўқ \_\_\_\_\_

г) хулоса беришнинг иложи йўқ \_\_\_\_\_

Жами \_\_\_\_\_

Ижрочи(лар) \_\_\_\_\_

Лаборатория (бўлим)га келган кун \_\_\_\_\_

Кўшимча материаллар талаб қилинди \_\_\_\_\_

Кўшимча материаллар олинди \_\_\_\_\_

Девонхонага топширилган сана \_\_\_\_\_

Манзилга юборилган сана \_\_\_\_\_

Жами лаборатория (бўлим)да бўлди \_\_\_\_\_ кун

Жами экспертиза муассасасида бўлди \_\_\_\_\_ кун

Фотосурат тайёрланди \_\_\_\_\_ Фотожадвал \_\_\_\_\_

Йўриқномага  
2-ИЛОВА  
(олд қисми)

## НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ

экспертиза муассасасида  
"\_\_\_" 20\_\_\_ йилда ўтказилган  
-сон тақорий суд экспертизаси бўйича

- Суд экспертизаси тури \_\_\_\_\_
- Суд экспертизаси прокуратура, ички ишлар идоралари, фуқаролик ёки жиноий ишлар бўйича суд, хўжалик суди ёки бошқа идоралар томонидан тайинланган (*чизиб қўйинг*);
- Тақорий суд экспертизасини тайинлаш асослари: суд эксперти хулосасининг асосланмаганини, хулосанинг тўғрилигига шубҳа борлиги, суд экспертизаси ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганини, асос кўрсатилмаган (*чизиб қўйинг*);
- Дастлаб ўтказилган суд экспертизаси (экспертизалари) ҳақида маълумотлар:

Т/р	Суд экспертизасини ўтказган экспертиза муассасаси	Суд экспертизаси рақами, ўтказилган санаси	Суд эксперти (экспертлари)нинг Ф.И.Ш.

5. Қайта қўйилган саволлар: \_\_\_\_\_, шулардан тасдиқланмаган якунлар сони \_\_\_\_\_, (аввалги суд экспертизаларига нисбатан);

6. Қайта қўйилган саволлар бўйича хулосалар:

- \_\_\_\_\_ -сон суд экспертизаси хулосалари билан тўлиқ,
- \_\_\_\_\_ -сон суд экспертизаси хулосалари билан қисман тасдиқланмади;

(орқа қисми)

7. Дастлаб ўтказилган суд экспертизаси (экспертизалари) хулосалари тасдиқланмаганини сабаблари:

Хал этилган масалалар	Суд экспертизаси рақами ва тасдиқланмаганилик сабаблари (кодификатор бўйича)
Идентификацион	
Диагностик	
Классификацион	

Суд эксперти (экспертлари)

(Ф.И.Ш., имзоси)

Хулосалар тасдиқланмаганлиги сабаблари кодификатори:

тадкиқот учун тақдим этилган материаллар (маълумотлар) етишмаслиги ёки уларнинг сифат жихатидан қониқарсизлиги	1	кўрсаткичларни, коэффициентни танлашда ва хисобларда хато	6
аниқланган белгиларнинг нотўғри талқин етилганлиги	2	экспертнинг ўз ваколати доирасидан чикиши	7
тадкиқот тўлиқ ўтказилмаганлиги	3	зарур асбобларнинг йўқлиги ёки ускуна ва мосламалардан нотўғри фойдаланилганлиги	8
тадкиқот услуби ёки тартиби нотўғри танланганлиги	4	эксперт тадкиқотлари нотўғри ташкил қилинганлиг	9
тадкиқот услуби нотўғри қўлланилганлиги	5	бошқа сабаблар	10

## МУНДАРИЖА

	<b>Маъруза мавзулари</b>	<b>Бет</b>
	<b>Кириш</b>	4
<b>1-мавзу</b>	<b>Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг моҳити ва вазифалари.</b>	7
1-маъруза	Бозор иктисадиёти шароитида суд бухгалтерия экспертизасини утказишнинг моҳияти ва вазифалари.	8
2-маъруза	Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг предмети ва методи	18
<b>2-мавзу</b>	<b>Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш</b>	26
1-маъруза	Суд-бухгалтерия экспертизасининг ташкилий шакллари	27
2-маъруза	Суд-бухгалтерия экспертизаси бюроси ва бухгалтер экспертлари	37
3-маъруза	Суд-бухгалтерия экспертизасини белгилаш ва ўтказиш погоналари	44
4-маъруза	Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаши	55
<b>3-мавзу</b>	<b>Асосий молиявий-хўжалик операциялари бўйича суд- бухгалтерия экспертизасининг фаолияти</b>	70
1-маъруза	Касса ва банк операциялари бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси	71
2-маъруза	Товар моддий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси. .	84
<b>4-мавзу</b>	<b>Суд-бухгалтерия экспертизаси хулоасаси ва тавсиялари</b>	106
	<b>Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати</b>	115
	<b>Илова:</b> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА	117

**Амонов Амин Амонович**

# **“СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ”**

**Маъруза матнлари тўплами**

**Самарқанд, СамИСИ,2017**

**2017 йил.Қоғоз бичими А5,  
Офсет қоғози. "Times New Roman" гарнитураси  
Босма табоқ 8,2  
Буюртма № 167 Адади 20 нусха**

---

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: А. Темур кўчаси, 9 уй.**